


Guliston

2002/5-6





Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН

БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

Халқ — бамисоли улуг ва шарафли йўлдан илгарилаб бораётган улкан карвон. Уни йўлдан чалғитишга уринувчилар, пайт пойлаб орқасидан ҳамла қилувчилар ҳаммиса бўлган, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин. Аммо халқ карвонини ҳеч қандай куч ортга қайтаролмайди.

Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатини севади. Дўпписиди сув ташиб бўлса ҳам, дарахт кўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир. Унга бировнинг ери керак эмас. Мабодо кўлига қурол олгудай бўлса, фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина олади.

Янги асрда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётда янги, улкан марраларни кўзламоқда. Бунинг учун бизда хоҳиш-истак, мақсад, ирода ва барча имкониятлар мавжуд. Эртанги кунга ишонч ва қатъият билан иштилоётган, буюк келажакимиз пойдеворини яратаётган олижаноб халқимиз бор. Шу халққа садоқат билан хизмат қилиш — барчамиз учун олий бахтдир.

Ҳар қандай ислоҳот, иқтисодийётдаги ҳар қандай натижанинг пировард мақсади — инсон, унинг манфаатларига, кишилар турмушини, маиший шароитини яхшилаш, фаровонлик даражасини юксалтиришга хизмат қилиши даркор.

Биз шу азиз дийрда нафақат фарзандларимиз, балки неваара-чевараларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахтли-саодатли, маърифий ҳаёт кечиринини, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё турғунича туришини истаймиз.

Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат — кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз — яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуг туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Бу ёруғ дунёда инсондан нима қолади? Йиққан-терганинг бир кун тугайди. Сендан ёдгорлик бўлиб, умрингнинг давомчиси бўлиб, чирогингни ёқадиган фарзанд қолади. Агар фарзанд соғлом, оқил, иймон-этиқодли бўлса, ота-онасига фақат раҳмат келтиради, одамларга наф келтиради, эл-юрт назаридан ҳеч қачон қолмайди.

Мени доимо қийнайдиган, тинчлик бермайдиган орзу-ниятим, керак бўлса, Худодан сўрайдиган энг катта илтижоим шуки, бетакрор, гўзал, саховатли, Оллоҳнинг назари тушган мана шу юртда албатта ҳар томонлама соғлом, ўзининг куч-қудрати, қадди-қомати билан, баркамоллиги билан ўзгаларнинг ҳавасини уйғотадиган эл яшаши керак.

Ҳар биримиз, айниқса, раҳбарман деб юрган одамлар, шунинг яхши англаб олишимиз керакки, ҳеч ким четдан келиб, бизнинг муаммоларимизни ечиб, бизнинг ишимизни бажариб бермайди. Фақат ўз кучимиз, ўз ақл-заковатимиз, ўз имкониятларимизга таянишимиз лозим.

Ўзбекистон халқи — бугун онгу шуури, дунёқараши, тафаккури бутунлай ўзгарган халқ. У тобеликдан, фикрий қарамликдан, боқимандаликдан халос бўлиб, эртанги кунга, ёруғ келажакка ишонч билан қадам қўймоқда.

Ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, ўзинг тугилиб ўсган, ота-боболаринг хохи ётган, эртага фарзандларинг камол топадиган тупроқнинг ҳар бир қаричини муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, зарур бўлса, бу йўлда жон фидо этишга тайёр туриш керак.

Менда ҳеч қандай шубҳа йўқки, биз иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, ҳаётни ўнглаб олиш борасида олдимизга қўйган муддао ва марраларга, албатта, етамиз. Биз бошқалардан ҳеч қачон кам бўлмаганмиз, кам бўлмаймиз ҳам.



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган.

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир:
Азим СУЮН

Тахрир хайъати:
Юсуф АБДУЛЛАЕВ,
Бобур АЛИМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ,
Неъматилла ИБРОҲИМОВ,
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Абдусайд КЎЧИМОВ,
Исфандиёр ЛАТИПОВ,
Отаназар МАТЕКУБОВ,
Абдулла ОРИПОВ,
Шухрат ОРИФ
(масъул котиб),
Энахон СИДДИҚОВА,
Рустам ШОҒУЛОМОВ,
Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Табысқан ҚАНААТОВ,
Жуманазар ХУСАНОВ,
Абдуғани ЖУМАЕВ.

Бўлим муҳаррирлари:
Сирожиддин АҲМЕДОВ,
Комил ЖОНТОВ,
Баҳром ЖУМАНИЁЗОВ,
Маъпура НАБИЕВА.
Саҳифалаш ва дизайн:
Барно ҲОШИМОВА.
Мусаввир:
Раҳима ҚЎНФИРОВА.
Мусахҳих:
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА.
Фотомухбирлар:
Дмитрий КУРЬЯКОВ,
Тургунбек МАҲКАМОВ.

Навбатчи муҳаррир:
М.НАБИЕВА.

Босишга 5.11.2002 да топширилди.
Қоғози 70x108 1/8,
Ҳажми 6,5 босма табок,
Буортма № 4213.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси.
Тахририят манзили: 700029, Тошкент,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар:
Қабулхона: 136-56-01
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-08-57
Масъул котиб: 133-07-94
Факс: 133-08-57

"ГУЛИСТОН" 5-6/2002

Ушбу сон мазмуни:

Холмурод ХИДИРОВ

ЎЗБЕКИСТОНДА
парламентаризм... 11

Маъпура НАБИЕВА

ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДА... 19



Баҳром ҲАЙДАРИЙ

КЎРГУЛИК... 23



Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ...

Истиклол ~~теғирлиги~~
~~теғир~~ ИСТИҚЛОЛГА... 34



Миллионлар

ошuftаси... 39

СПИД: ҳозирча чора
оуқ... 45

МУҚОВАЛАРДА:

Биринчи бетда — мисгар уста
Мақсуд Мадалиев иши.

Фотосурат муаллифи
Валерий Таран

Иккинчи бет — фотосурат муаллифи
Абдувоҳид Тўраев


Учинчи бет — фотосурат муаллифи
Абдуғани Жумаев

Тўртинчи бет — фотосурат муаллифи
Дмитрий Курьяков

ЗАРВАРАҚЛАРДА:

Биринчи бет — фотосурат муаллифи
Тургунбек Маҳкамов

Иккинчи, учинчи бетлар —
фотосуратлар муаллифи
Абдуғани Жумаев






2700 ёшда

— бири Шахрисабз (Кеш) —

Шахрнинг қадимий шаҳарларидан



Бутун умрини иймон ва эътиқод, сатанарсарлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қоласеради.

Ислом КАРИМОВ

AMIR TEMUR ORDENLI
SHAHRISABZ SHAHRI

«ЯШИЛ ШАҲАР» ОДИМЛАРИ

ШУКРОНА

Хизр назар қилган юртимизнинг ҳар бир қаричи муқаддас. Сиз билан бизга ризқ улашаётган она замин қаърида минг-минг асрлар силсиласи, қанчадан-қанча жаҳонгирлар, салтанатлар довуғи, не-не алломалар хоки пойи яширин ётибди. Бу юртининг ҳар бир гўшасида буюк ўтмишнинг нафаси сезилиб туради. Шоир айтганидек, бу Ватаннинг ҳар бир тепалигида ўнта авлиёнинг қадамжосига дуч келасиз.

Ана шундай улкан салоҳиятга ва маънавий қудратга эга халқимиз озодлик шуқуҳи ила қайта уйғонмоқда. Фикрий қарамлик ва зўравонлик асосига қурилган шўролар замони ҳам миллатимизнинг асрлардан-асрларга, авлодлардан-авлодларга эсон-омон ўтиб келган қадриятларини, унинг маънавий қиёфасини йўқота олмади. Матонатли халқимиз мустабид даврда ҳам ўз эътиқодида собит қолди. Не-не ажодларга армон бўлиб келган истиқлол миллатимизнинг топталган қадрини кўтарди. Дунёга маърифат улашган табаррук заминда халқимизнинг тарихий ютуғи — мустақил ўзбеклар давлати қарор топди! Ўтмишини унутаёзган миллатимиз ўзлигини тобора англамоқда.

Истиқлол ҳаётимизга бунёдкорлик ва фаровонлик бахш этди. Ўзбекни тенглар ичра тенг қилди у! Баркамол фарзандлар халқимиз даҳосини кенг оламга намойиш этаётир. Миллатни жаҳон таномоқда, тан олмақда. Ўзбек деганда бугун дунё кўз олдига улкан салоҳиятга эга, келажаги буюк ва яратувчан халқ намоен бўлади. Бу халқ тарихнинг ҳеч бир даврида ҳеч кимдан кам бўлмаган ва бўлмайдиган ҳам!

Озод элга байрамлар ярашади. Яқинда истиқлолнининг 11 йиллигини катта тантана қилган она-Ватанимизда яна бир шодиёна ўтказилди — юртимизнинг қадимий шаҳарларидан бири Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйи кенг миқёсда нишонланди. Шаҳарнинг қадимий обидалари аллақачон ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон Мероси рўйхатида киритилган. Эндиликда Шаҳрисабз ёдгорликлари Франциядаги Нотр-Дам (Биби Марям) ибодатхонаси, Версал саройи, Италиядаги Венеция ва Флоренция шаҳарлари, Миср эҳромлари, Ҳиндистондаги Тожмаҳал мақбараси, АҚШдаги Озодлик ҳайкали каби машҳур обидалар билан тенг мақом касб этмоқда. Бу маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа бўлибгина қолмай, тарихий ҳақиқатнинг ўзига хос ифодаси ҳамдир. Чунки, Буюк Ипак йўлининг муҳим нуқта-сида жойлашган кўҳна шаҳар ҳар қандай эътирофга муносиб. Қуйида биз шаҳарнинг ўтмиши ва бугунги куни ҳақида тўхталишга ҳаракат қилдик.

ТАРИХ ТИЛГА КИРСА...

Қашқадарё воҳаси юртимизнинг ноёб гавҳарларидан бири. Воҳанинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Сўнгги бронза ва илк темир даврида Қашқадарё воҳасининг шарқий қисми — қадимги Китоб-Шаҳрисабз, Яқкабоғ ҳудудлари жадаллик билан ўзлаштирила бошланади. Археологик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, милоддан аввалги X-IX асрларда ҳозирги Китоб ва Шаҳрисабз ҳудудларида дастлабки деҳқончилик манзилгоҳлари пайдо бўлган. Улар аста-секинлик билан ривожланиб, мустақам ва қалин ҳимоя деворлари билан ўралган, ички қисмида ҳокимнинг қалъаси бўлган шаҳарларга айланиб борган.

Олиб борилган археологик тадқиқотлар ва ёзма манбалар маълумотларини солиштириб айтиш мумкинки, Шаҳрисабз ҳудудлари қадимги Шарқда бўлиб ўтган ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий жараёнлардан четда қолган эмас. Бу табаррук замин не-не давронларни кўрмади дейсиз! Милоддан аввалги VI асрнинг ўрталарида у Эрон аҳмонийлари томонидан босиб олинди. Милоддан аввалги 329-327 йилларда македониялик Искандар кўшинлари унинг тупроғини топтадилар. Юнон-македон босқинчиларига қарши курашда маҳаллий аҳоли катта жонбозлик кўрсатди. Милоддан аввалги II асрнинг ўрталарида Хитойдан суриб чиқарилган юечжи қабилалари қадимги Шаҳрисабз ҳудудларини босиб ўтиб Амударё бўйларида Кушонлар салтанатига асос солдилар.

Тарихнинг кейинги давлари — Сўғд, Эфталитлар, Турк ҳоқонлиги, араб босқини давлари, Муқанна кўзғолони, тоҳирийлар, сомонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар даврида ҳам Кеш-Шаҳрисабз ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг марказларидан бири бўлиб қолди. Аммо XIII асрнинг бошларида бошланган мўғул истилоси унинг маданий, иқтисодий ва ҳўжалик ҳаётига катта зиён етказди. Шунга қарамаздан, Кеш марказий шаҳар сифатида ўз аҳамиятини йўқотмади.

XIV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннахрнинг сиёсий саҳнасида Кешнинг асл фарзанди — соҳибқирон Амир Темур кириб келди. Шунинг билан Шаҳрисабз тарихининг ёрқин саҳифалари очилди. Амир Темур ҳукмронлик йилларида Кешнинг довуғини бутун дунёга ёйишга, уни жаҳоннинг гўзал гўшаларидан бирига айлантиришга астойдил интилади. «Бобурнома» асарида Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу ҳақда тўхталиб: «Темурбекнинг зоду буди Кешдин учун, шаҳр ва пойтахт қилурига кўп саъй ва эҳтимомлар қилди», — дейди. Ҳақиқатан ҳам Темур ва темурийлар даврида Шаҳрисабз «олтин давр»ни бошдан ке-

чирди. Шаҳар ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида мисли кўрилмаган ижобий ўзгаришлар, улкан бунёдкорликлар юз берди. Аввало, шаҳар ҳудуди кенгайтирилиб, машҳур меъморчилик иншоотлари бунёд этилди. Мўғул истилоси сабаб унутилаёзган миллий анъаналар, урф-одатлар қайтадан тикланди. Илм-фан, адабиёт ва санъат ривожига кенг йўл очилиб, ижод аҳли доимий ғамхўрлик остида яшадилар.

Шунинг учун ҳам Шаҳрисабз ўша даврда «Куббатул илм вал адаб» унвонига сазовор бўлди. Шаҳарда хунармандчилик, савдосотиқ янада ривожланди. Тарихчи Маҳмуд ибн Валининг ёзишича: «Кеш маҳсулоти бу — отлар, туялар, қарбас, наMAT, Кеш тузи... Экин турларидан ғалла, узум ва қовун яхши ҳосил беради». Шунингдек, турли матолар ишлаб чиқариш, палос тайёрлаш, дўппи, чопон ва сўзаналар тикиш шаҳар аҳолисининг анъанавий хунармандчилик машғулотини бўлиб келган. Кулолчилик, терига ишлов бериш, металлдан турли меҳнат куруллари ва безаклар ясаш ҳам кенг тарққий этган.

Шаҳрисабз ўзининг энг гуллаб-яшнаган даври — XV асрда зич қурилган, обод ва гўзал меъморий тузилмага эга шаҳар эди. Шаҳар майдони 5 км². га тенг бўлиб, унга бир неча дарвозалардан кириларди. Бу даврда Оқсарой, Чорсу, Доруссаодат, Кўк гумбаз каби кўплаб меъморий обидалар шаҳар ҳуснини безаб турарди. Булар орасида Оқсарой ўзининг муҳташамлиги ва гўзал меъморий шакли билан алоҳида аҳамиятга молик эди. Оқсарой ҳақида халқ орасида кўплаб ривоятлар яшаб келади. Кўплаб тарихчилар у ҳақда тўхталар экан, ўз ҳайратини яширмаганлар. Шарофуддин Али Яздий бу обидани «Кунгурасининг баландлиги чексиздир. У само юлдузларининг кўзлари билан баҳслаша олади», — дея таърифлайди. 1404 йилда шаҳарда бўлган Испания элчиси Руи-Гонзалес де-Клавихо бу меъморий обидага юқори баҳо беради.

Шаҳрисабзнинг Амир Темур ва темурийлар давридаги мутараққий ҳаёти ҳақида кўплаб тарихчилар ёзиб қолдиришган. Уларнинг барчаси XV аср Шаҳрисабз учун ўзига хос уйғониш даври бўлганидан гувохлик беради. Шаҳар тарихининг кейинги давларида ҳам (XVI-XIX асрлар) воҳанинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий марказларидан бири бўлиб қолди. Бир сўз билан айтганда, Шаҳрисабз (Кеш) ўзининг ривожланиш тарихи давомида узоқ йўлни босиб ўтган. Шаҳар маданиятининг шаклланиши 2700 йилга бориб тақалиши бежиз эмас. Бу шаҳарнинг ҳар бир қаричида боботарих билан юзма-юз келади. Бугун ҳам дунё ҳайратига сазовор бўлаётган тарихий обидалар оқсоч шаҳарнинг узоқ та-



рихидан ҳикоя сўзлаётгандек... Мустақиллик туфайли қайта уйғонаётган кўҳна шаҳарда улуг аждодларнинг мамнун руҳи кеziб юргандек...

ИСТИҚЛОЛ ВА ШАҲРИСАБЗ

Озодликнинг шуқуҳли йиллари Шаҳрисабз ҳаётида ҳам нурли саҳифалар очди. Қисқа ва тарихий давр мобайнида шаҳар янгилашиллар, изланиш ва яратувчанлик марказларидан бирига айланди. Шаҳарнинг қайси бир бурчида бўлманг, янги замон руҳи ҳукмрон. Янги фикрлаш ва ишлаш одамларнинг ҳаётий эътиқодида айланиб улгурган. Яратувчанлик иштиқоқи билан яшаётган одамлар билан суҳбатлашиб, истиқлол фуқароларимиз онгу тафаккурини нечоғли ўзгартириб юборганига иймон келтирасиз. Мустақил фикрига эга, жаҳон саҳнасида миллат шарафини муносиб ҳимоя этаётган фидойи ёшлар кўҳна шаҳарда соҳибқирон Амир Темурнинг муносиб ворислари камолга етаётганидан далолатдир.

Тарихий обидалар бугун ҳам шаҳарга ўзгача тароват бағишлаб турибди. Ўтган давр мобайнида бу ерда улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 1996 йилда шаҳарда Амир Темурнинг 660 йиллиги катта тантана қилинди. Шаҳар марказида соҳибқироннинг муҳташам ҳайкали қад кўтарди. Шунингдек, «Темур ва темурийлар даври» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Юртимиз маданияти ривожига қўшган ҳиссаси учун Шаҳрисабз шаҳри «Амир Темур» ордени билан тақдирланди.

2700 йиллик тўйи нишонланаётган шаҳарда бугун яратувчанлик иштиқоқи янада баланд. Шодиёна асносида Оқсарой, Доруттиловат, Доруссаодат, Чорсу, Чубин мадрасаси каби тарихий обидаларда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шаҳар ўлкашунослик музейи қайта таъмирланиб, янги экспонатлар билан жиҳозланди. Бундан ташқари шаҳарнинг ҳар бир гўшасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш

ишлари амалга оширилди. Шаҳар ўзининг кўтлуг тўйига ҳар бир жабҳада ўзига хос муваффақиятлар билан етиб келди. Бунга ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида кўлга киритилган ютуқлар мисол бўла олади. Бўёғига рақамлар сўзласин...

ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

Шаҳрисабз шаҳри шу номли туманнинг маркази ҳисобланади. Туманда 270 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ўттиз бешдан ортуқ миллат вакиллари билан баштирган туман иқтисодий салоҳиятининг 54 фоизини қишлоқ хўжалиги, 46 фоизини саноат ишлаб чиқариш ташкил этади. Туманда қишлоқ хўжалиги ислохотлари сезиларли натижалар бераётир. Ўтган 2001 йилда 30921 тонна дон, 13896 тонна пахта, 27007 тонна сабзавот, 7603 тонна ҳўл мева, 5849 тонна узум етиштирилди. Жорий йилда 9709 гектар ерга галла экилиб, туман бўйича жами 39577 тонна дон хирмонга тўкилди. Туман меҳнаткашлари пахта етиштириш бўйича ҳам режани барвақт бажаришди. Чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан муваффақиятли уддаланди. Айни вақтда туманда 117 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Ердан унумли фойдаланишга, фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туманда 32 та саноат корхоналари мавжуд бўлиб, турли мулкчилик шаклидаги саноат корхоналарида 2002 йилнинг 6 ойи мобайнида 7816580 минг сўмлик ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3565959 минг сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида туманда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 102,3 фоиз, хизмат кўрсатишнинг 166 фоиз ўсишига эришилди. Туманнинг молиявий тизими мустаҳкамланиб, пул-кредит сиёсати, хусусийлаштириш жараёни изчил олиб борилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқарилган умумий саноат маҳсу-

лотларининг 97,5 фоизи нодавлат секторга тўғри келгани қувонарли ҳолдир.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш масаласи ҳам доимий эътиборда. Жорий йилнинг II чорағида тадбиркор жамоалар томонидан 184898,9 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари, 70603 минг сўмлик маиший, 170052,9 минг сўмлик капитал қурилиш хизматлари кўрсатилди. Шу даврда тадбиркорлар томонидан қўшимча 137 та янги ишчи ўринлари яратилди. Туманда истеъмоли бозори ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида бозор муносабатларига ўтиш жараёни ривожланиб, давлат тасарруфида бўлмаган корхоналар томонидан кўрсатилаётган пулли ва маиший хизматлар салмоғи ошиб бормоқда.

Йилнинг январь-июнь ойлари мобайнида туманда ташқи савдо айланмаси 2783,8 минг АҚШ доллари миқдоридан амалга оширилди. Шундан экспорт ҳажми 1523,2 минг АҚШ долларига, импорт ҳажми эса 1260,6 минг АҚШ долларига тенг бўлди. Ўтган йилга нисбатан 2002 йилнинг 1 июль ҳолатида экспорт ҳажми 971 минг АҚШ долларига кўпайган.

Туманда чет эллик сармоядорларни жалб этиш йўли билан қўшма корхоналар ташкил этишга жиддий эътибор берилмоқда. Айни вақтда туманда 5 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан жорий йилнинг 6 ойида 1 миллион 592,9 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилинди. Биргина «Оқсарой-тўқимачи» Ўзбек—Туркия—Япония қўшма корхонаси йилига 4800 тонна юқори сифатли экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаради. «Мевалар камалағи», «Шаҳрисабз-Кеш», «Кумуш» каби қўшма корхоналарда ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бораётир.

Мустақиллик даври Шаҳрисабз тумани иқтисодий салоҳиятига кенг йўл очиб берди. Натижада одамлардаги боқимандалик кайфияти йўқолиб, мулкка ва ерга эғалик ҳисси шаклланди. Бу эса биз танлаган йўл — бозор иқтисодиётининг асосий шартларидан биридир.

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

Туманда таълим тизимини такомиллаштириш, уни замон талаблари асосида ташкил этиш борасида ҳам ибратли ишлар қилинаётир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги қонун бу борада дастуруламал вазифасини ўтамоқда. Айни вақтда туманда 110 та мактаб, 4 та лицей-интернат, 2 та махсус интернат, катталар таълим маркази, 9 та мактабдан ташқари муассаса, 2 та ўқувчилар саройи, 2 та спорт мактаби, ёш техниклар, ёш саёҳатчилар, ёш табиатшунослар каби марказлар ва 75 та болалар боғчалари фаолият кўрсатмоқда. Мактабларда таълим жараёнига 69310 ўқувчи жалб қилинган. Таълим самарадорлиги йилдан-йилга ошиб бораётир. Биргина 2000-2001 ўқув йилида мактабларни 3926 ўқувчи тамомлаган бўлиб, уларнинг 512 таси олий ўқув юртларига, 1132 таси ўрта-махсус ўқув юртларига ўқишга кирган. Халқ таълими ходимларини ижтимоий муҳофазалаш борасидаги ишлар ҳам эътиборга молик. Жумладан, 7 мингдан ошиқ педагог ходимлар электр энергиясидан, суюқ ва табиий газдан, ичимлик сувидан имтиёзли фойдаланиб келмоқда. Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Тумандаги бир қанча мактаблар янги замонавий компьютер техникаси билан таъминланди. Барча мактабгача таълим муассасалари болаларнинг қизиқиши ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда таълимнинг маълум бир йўналиши бўйича фаолият юритмоқда.

Анъанавий тарзда мактабларда, болалар боғчаларида ва мактабдан ташқари ўқув муассасаларида тренинглари, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказилиб келинмоқда. Бир қатор ўқитувчилар хорижий давлатларга юборилиб, у ердаги таълим тажрибаси билан танишиб қайтдилар. Туман ўқувчилари вилоят, республика миқёсидаги танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. 88-мактаб ўқувчиси Гулҳаё Эргашева, 102-мактаб ўқувчиси Шаҳноза Холмаҳматова Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдилар. 13-мактаб ўқувчиси Жонибек Жалилов Банг-

ладешда ўтказилган халқаро тасвирий санъат кўрик-танловида 2-даражали диплом билан тақдирланди. Туманда республика кураш мактаби, вилоят тасвирий санъат лицейи ҳам фаолият юритмоқда. Бундан ташқари турли касбларга йўналтирилган 8 та коллежда 24219 йигит-қиз касб-хунар сирларини ўрганмоқда. Келгусида туманда 16 та касб-хунар коллежлари ва 1 та академик лицей фаолият кўрсатиши режалаштирилган. Буларнинг барчаси ёшларнинг фойдали иш билан бандлигини таъминлабгина қолмай, таълим самарадорлиги юксалишига ҳам хизмат қилади.

Аҳоли саломатлигини сақлаш, оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш борасидаги тадбирлар ҳам мактовга арзигулик. «Она ва бола», «Соғлом авлод» каби давлат дастурлари доирасида бир қатор чоратадбирлар белгиланган. Ҳомиладор аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилишига эришиш мақсадида доимий тарзда давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилиб, тегишли кўрсатмалар берилмоқда. Туманда 39 та «Оналар мактаби» ташкил қилиниб, уларда 7195 нафар она ўқитилди. Қишлоқ аҳолисига малакали ва кўп ихтисосли тиббий ёрдамни яқинлаштириш мақсадида 4 та қишлоқ врачлик пункти қуриб, фойдаланишга топширилди. Натижада қишлоқ врачлик пунктлари сони 9 тага етди. Туман марказий шифохонасининг Шошилич тиббий ёрдам биноси қайта таъмирланиб, жаҳон андозаларига мослаштирилди. Врачлар ва ўрта тиббий ходимлар малакасини ошириб бориш, улар меҳнатини рағбатлантириш ишлари ҳам доимий эътиборда. Қўрилган чоратадбирлар натижасида ижобий натижаларга эришилмоқда.

Туманда турли маданий тадбирларнинг ўтказилиши анъана тусини олган. Маданият бўлими тизимидаги клублар, кутубхоналар, мусиқа мактаблари, маданият уйлари аҳоли билан гавжум. Бу каби муассасалар аҳолининг меҳнатдан кейин кўнгилли ҳордиқ чиқаришига хизмат қилаётир. Шунингдек, спортнинг қатор турларини оммавийлаштиришга жиддий муносабатда бўлинмоқда. Ўтган давр мобайнида қуриб фойдаланишга топширилган



кўплаб спорт иншоотлари, самбо кураши бўйича Ўзбекистон чемпиони Шерназар Даминов, Москва шаҳрида ўтган «Ёшлар олимпиадаси» бронза медали совриндори Комил Аҳматов, енгил атлетикачи Жобир Мирзаев, Сарвар Ҳусанов каби спортчилар эришиб келаётган муваффақиятлар ана шу эътиборнинг ҳосиласидир.


Бир сўз билан айтганда, соҳибқирон юрти истиклол туфайли қайта уйғонаётир.

Шўҳрат ОРИФ,
Тошкент – Шаҳрисабз – Тошкент

Фотосуратлар муаллифи
Дмитрий КУРЬЯКОВ

Хар бир халқнинг орав-интиллари, руҳияти ва бор буй-басми унинг адабиётида намоён бўлади. Абдулхамид Чўлпон «Адабиёт янаса, миллат яна» деганида шундай ҳақ эди. Ана шу маънода чинакам истеъдод эгаси миллатнинг, жамиятнинг маънавий бойлиги. Улкан адабиёт даҳолари етишиб чиққан юртимизда истеъдод йилларида истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Мана бир неча йилдирки, Жиззах вилоятининг Золдин туманида республика ёш шоир-ёзувчиларининг анжумани анъанавий тарзда ўтказилиб келинмоқда. Бу йил ҳам мазкур анжуман қўллаб-қувватлов эгаларини катта эътибор билан ўтказди. Сизга бир гуруҳ иштирокчиларнинг шеърлари ҳавола этилмоқда.



Зилола ХЎЖАНИЕЗОВА,
Тошкент шаҳри

Кузак япроқларин тўкар басма-бас,
Улар заҳил тортган ишқ номалари.
Дарахтда ўтирган шум қарға эмас,
Қарғалган тақдирнинг гунг ноалари.

Сарғайган номалар ориқ йўлакка
Ташландиқ қоғоздай йиртиб отилган.
Хиёнат заҳридан зарда юракка
Хайқирдим: қотилсан, юрак қотилсан!

О, аммо қизалоқ мезон баргларин
Завқ билан авайлаб терар йўлакда.
Кимсасиз номалар шивирлаб сирин,
Сўйлайди бегубор, дилкаш юракка.

Бу йўлдан гумроҳ ишқ бўлган бадарга,
Сен уни излаб топ, токи айрилма.
Қизгина тепангда турар шум қарға,
Кетавер... қайрилма... қайрилма...

* * *

Меними бу ўйлар алдайди,
Алдайди қароғинг қароси.
Юракни бир нави қилди-я
Сен тутган боданинг балоси.

Райҳоннинг бўйлари ширин-ей,
Шириндир муҳаббат ўйлари.
Ёронгул сақлолмай сирим-ей,
Баҳорга борини гуллади.

Гуллади равоқда тул оғоч,
Танга нур тушди бахт илгидан.
Кўзларингга беркит қалдирғоч
Бу ишқни гулламай тилгинам.

Усмон БЕК,
Тошкент вилояти

БУЛОҚ

Чотқолда бор шундай мўъжаз бир булоқ,
Шу қадар тиниқки, кундай бегубор.
Сойлардек қирғоқлар юзини юлиб,
Хайқирмоқдан қилар бу булоқча ор.

Ненидир чулдираб, ненидир ўйлаб,
Ҳеч кимнинг дилига солмай хавотир.
Серсавлат қоялар тагидан ўтар,
Пинагин бузмай бу жажжи баҳодир.

Унга йўл кўрсатар ёқаларига
Бошчасин яшириб олган отқулоқ.
Ҳатто тоғнинг совуқ бақаларига
Енгил таъзим қилиб ўтар бу булоқ.

Асрлар юзига ажинлар солган
Кекса харсангтошлар унга йўл берар.
Шунда ҳам булоқча ҳовлиқиб кетмас,
Буюклар пойига бошини эгар.

Бошқалар қатори бу жажжи булоқ,
Билмас манглайда не ёзиқлигини.
Менимча, дарёга айланганда ҳам,
Йўқотмаса керак босиқлигини.

ЭРК

Отам айтиб берган мана шу юртнинг,
Бошидан кечиргач оғир кунларин.
Тагидан кетмайин икки туп тутнинг,
Бир маҳалла ичга ютган унларин.

Етамизми дея тут пишиғига,
Кексалар жовдираб ўтирар экан.
Бир бурда нон учун, ўша пайтда
Одамлар бир-бирин ўлдирар экан.

Тўқликдан шишганлар кулоқ солсинлар,
У пайтда очликдан шишган одамзот.
Тут ҳали тупроққа пишиб тўкилмай,
Илгарироқ ерга тушган одамзот.

«Қорнинг тўқ, устинг бут, шукр қил, болам»,
Бу менинг мўйсафид отамнинг гапи.
Ҳар куни қуйилар кулоқларимга,
Ушбу калималар кўрғошин каби.

Мени эса бошқа дунёқарашим,
Шукрона айтмоқлик ўз йўлига, лек
Ҳамма нарса зарур одамзот учун,
Бироқ энг кераги — мустақиллик, эрк.

Наргиза ОХУНОВА,
Фарғона вилояти

ДУНЁ ДУНЁМИДИ...

Кўлимда тилсимли кишанлар гўё,
Она, бу жонимга уя солган ғам.
Балки ҳаёт асли ўткинчи рўё,
Дунё дунёмиди сизни кўрмасам.

Шугина дардгинам — пиёламда чой,
Яримта соғинчим дастурхонимда.
Сизнинг кўнглингизда зада ҳойнаҳой,
Хуморингиз елар қаҳқашонимда.

Она, англамадим бахт нима асли,
Оҳ, нега кўкларга отибман ўзни.
Фидойи дермилар меҳрибонини
Ягона бахтим деб билмаган қизни.

Дардли нигоҳларда мудраган қайғу,
Ғам тўла қалбингиз пора мени деб.
Биламан ҳавасли сандигингизга
Меҳр-муҳаббатдан йиғмоқдасиз сел.

Тонглар алдамчидир, эртақлар ёлғон,
Кеч билдим рўёга топинганимни.
Бугун жон-жонимдан сездим, онажон,
Сизни ҳаммаданам соғинганимни.

* * *

Ташқарида изиллар ёмғир,
Деразамни чертқилар шамол.
Орзулар гунг, умидлар сағир,
Паноҳ излаб дард кечар хаёл.

Савалайди томчилар дардчил,
Хазонларни кузатар дарахт.
Ҳижрон — қамчи, фироқлар — қамчи,
Вужуд карахт, туйғулар карахт.

Ёғаверди ёмғир бемажол,
Замин эмар фалак қонини.
Кўқда йиғлар булут телбаҳол,
Кўнгил кияр ғам чопонини.

Тонглар қақшар, осмон тўкар ёш,
Кун лабидан учар ифорлар.
Ер кўксида уйғонар бардош,
Ҳали келар оқруҳ баҳорлар,

Ташқарида изиллар ёмғир...

Гули НИГОР,
Қашқадарё вилояти

Нигоҳларим боқади маъюс,
Сўзларим ҳам кулолмайди ҳеч.
Лек чўкмагил, юксал, қалбим, ўс,
Гарчи энди бари-бари кеч.

Йиғламагин, йиғлама, қалбим,
Сени жондек асрарман кўзда.
Мана, қара, армоним ҳам жим,
Гарчанд қийин яшамоқ сўзда.

Тунларимни тонгга улайман,
Туйғуларим излайди илинж.
Бир кун... оғушингга қулайман,
Мени интиқ қилган, эй севинч!

* * *

Қалбимда туйғулар кезар саросар,
Уни кимларгадир очмоқ истайман.
Тириклик лаззати билан баробар
Яшамоқ азобин сезиб яшайман.

Табиат яшнайти, яшарар олам,
Гўзаллик олдида лол қолар тилим.
Қароқларим ичра севинч жамулжам,
Яшамоқ лаззати шу, дейди дилим.

Ҳаёт ёлғони ҳам асли ҳақиқат,
Биз уни англашдан чўчиб яшаймиз.
Дунё фонийлигин биламиз, фақат
Тан олмай, дилни шод этиб яшаймиз.

Ўзига тортса-да ўйин ҳам кулгу,
Китоблар бағрига отдим ўзимни.
Эртақлар олами чорляпти, хув,
Мен ундан топаман керак сўзимни.

Қалбимда туйғулар кезар саросар...

ЧАМАНГУЛ,
Андижон вилояти

Юлдузлар зулматни ташлаб кетганда
Бошимга нур сочи гўёки қуёш.
Севинчим куй бўлиб, кўкка етганда
Мен сени соғиниб кўзга олдим ёш.

Нигоҳинг тубида севгим кўринди,
Кўриб барчасига беролдим бардош.
Кўнгил дарёсининг сувлари тинди,
Мен сени соғиниб кўзга олдим ёш.

Таъналар ёғилди нозик дилимга,
Аламлар барчаси бўлганди сирдош.
Муҳаббат чорласа мени ўлимга,
Мен сени соғиниб кўзга олдим ёш.

Алишер ОБИДОВ,
Бухоро вилояти

МАЙЛИ...

Майли кетгил...
Фақат сўнги бор
Кўзларингга бир тўйиб боқай —
Хотирамда қолсин нигоҳинг.

Майли кетгил...
Унутма фақат
Илк севгининг мавжудлигини.

Тонг еллари ўйнаб сочингни,
Атиргуллар бош эгар бесас.
Шу дунёнинг битта бурчида
Борлигимни унутмасанг бас.

Майли кетгил...
Фақат олиб кет,
Ўзинг билан соғинчингни ҳам.

* * *

Юракни азгилаб ўтди кунларим,
Сувларга зоримни айтиб йиғладим.
Атиргул атирдан бермади менга,
Ўкиниб яшадим атиргулдан ҳам.

Дарахтга нолаю тавалло қилдим,
Мени ҳам осмонга олиб чиқ дея.
Индамай сукутда ўсавердим жим,
Ўкиниб яшадим дарахтлардан ҳам.

Оқ қорга илтижо...
Бариси бекор.
Фақат, фақат армонлар менга содиқ.

Кўзларимга ёмон кўриндим ўзим,
Уялиб кетдим мен ёлғизлигимдан.
Ёқамга ёпишди ҳар битта сўзим,
Ўкиниб яшадим муҳаббатимдан.

Шу замин, шу осмон, шу гариб
Асрлаб топталди, ахир беҳуда.
Тилка тан, тўзғиган руҳи қийноқни
Судраб юришидан чарчадим жуда.

Ҳаётга илтижо...
Барчаси бекор.
Ўкиниб яшадим шу ҳаётдан ҳам.

Наима АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент вилояти

ЮРАК ВА КЎЗ

Йўқ, менинг кўзимда яшамайди ғам,
Менинг кўзларимда шодликлар бисёр.
Фақат юрагимни ўртайдди алам,
Кўзим қаросида йиғлайверар ор.

Мен кўзингда дард кўрдим, деманг
Кўнгилларга ёқмайсиз чироқ.
Мен кўзингда бахт кўрдим, деманг
Юрагимга ҳокимдир фироқ.

Кўнглимнинг биргина кўчаси бордир,
Тунлари йиғлашга айтиб арзимни.

Юракнинг йўллари жуда ҳам тордир,
Мен унга яширдим катта дардимни.

УМР ҚАРВОНИ

Оқар сув мисоли умр ўтмоқда
Умр қарвонида кетар одамлар.
Бировни эртароқ, бировин кечроқ
Ҳақнинг ҳузурига элтар одамлар.

Уларга ҳамроҳдир қувончу ғамлар,
Қую қўшиқ, азаю мотам.
Ҳар нени излашса йўлдан топулар,
Умр қарвонида бари мужассам.

Из қолса бўлгани ушбу қарвондан,
Беиз кетмасидан бутун бошли йўл.
Истагим муҳаббат, эй сен, оқибат,
Ушбу йўлчиларнинг раҳнамоси бўл!

Моҳичеҳра РЎЗИЕВА,
Бухоро вилояти

Жоним оғритади оғриқларингиз,
Қулиб қарашингиз — тортиқларингиз.
Ахир сиз ҳаммадан ортиқ эдингиз,
Биздан кечмоғингиз осон кечдимиз?!

Олислаб кетдингиз, қўлим етолмас,
Фироқ бекатидан дилим кетолмас.
Бардошли юрагим ҳеч дош етолмас,
Биздан кечмоғингиз осон кечдимиз?!


Қўлимни тегизсам, қалам ёнади,
Ночор дил маҳзуна дардга кўнади.
Юракдаги оғриқ шеърга дўнади,
Биздан кечмоғингиз осон кечдимиз?!

* * *

Оппоқ эди шунда гулларим,
Оппоқ эди қалба орзулар.
Баҳоримни кузга алмашдим,
Мени кечир, севгим.

Қўй, десам, бу кўнгил қўймади,
Тўл, десам, паймонам тўлмади.
Не қилай, айтганим бўлмади,
Мени кечир, севгим.

Мен сени армонга алишдим,
Армонлар қонимга туташди,
«Севгим» деб алдашди, алқашди,
Мени кечир, севгим.



Халқимиз орзу-мақсадларини рўёбга чиқаришда ва жамият сиёсий ҳаёти-ни эркинлаштириш, демократик тамойилларни чуқурлаштиришда янги шаклланган қонун чиқарувчи олий орган — парламентнинг ўрни ва роли жуда аҳамият-лидир. Шу жиҳатдан ҳам бугун парла-ментчилик институти шакллантирилди ва у жаҳон парламентаризми принциплари асосида фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекис-тонда демократик кадриятларни қарор топтириш, адолатли, инсонпарвар фуқаро-лик жамияти қуришнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий институт — Олий Мажлис-нинг шакллантирилиши муҳим воқеадир. Чунки, бугунги кунда юртимизда парла-ментаризмни такомиллаштириш билан боғлиқ янги-янги ғоялар вужудга кел-моқда.

Халқимиз сиёсий ҳаётида эса парламен-таризм масалаларига қизиқиш ортиб бор-моқда. Бунинг сабаби, парламент мамла-катда давлат қурилиши ва жамиятни сиё-сий эркинлаштириш, сиёсий демократик институтларни ривожлантириш ва уларни тараққий этган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш, жамоат ташкилотлари, нодав-лат тузилмалар, ижодий уюшмалар фаоли-ятини фуқаролик жамияти талаблари асо-сида шакллантириш, давлат ҳокимияти ва-колатларини аста-секинлик билан демо-кратик институтларга, фуқароларнинг ўзи-ни-ўзи бошқариш органларига ўтказиб бо-риш, уларни фуқароларнинг манфаатлари ва истакларини амалга оширувчи ташки-лотларга айланишини таъминлаш бўйича улкан ва самарали ишларни амалга ошир-ганлигидир. Айни ана шу жиҳатдан ҳам парламентаризм тамойиллари илмий му-шоҳада қилиш объекти ва давлат сиёсати-нинг энг муҳим масаласига айланмоқда.

Ўзбекистонда қонун чиқарувчи олий ор-ган тўғрисида фикр билдирганда, албатта, унинг шаклланиш ва ривожланиш жараён-ларига тўхталиб ўтиш ўринлидир. Чунки, парламентнинг бугунги ривожланиш дара-жаси, ўтган йиллар мобайнида мамлакат ҳаётида кечган сиёсий жараёнлар билан бевосита боғлиқ.

Юртимизнинг узоқ йиллар мобайнида собиқ тоталитар, мустабид тузум ўрнатил-ган давлат таркибиде бўлганлиги мамла-катда парламентаризм институтининг умумэтироф этилган жаҳон парламентчи-лиги талабларига жавоб берадиган дара-жада ривожланишига жуда катта тўсиқ бўлганлиги ачиқ ҳақиқатдир. Шу ўринда ҳаётимизнинг ўтган аср 90-йилларидаги даврларини эсламоқ жоиздир. Чунки, айни шу йилларга келиб узоқ вақтлар дунёни ларзага солиб келган собиқ СССР инқирозга юз тута бошлади. Натижада ит-тифокдош республикаларда қонун чиқарув-чи ҳокимиятнинг замонавий шаклини яра-тиш йўлида амалий ҳаракатлар бошланди. Шу билан бирга ижтимоий тараққиёт, рес-публиканинг ўзига хос ривожланиш йўли-дан қатъий бориши шуни кўрсата бошла-дики, ҳаёт аввало давлат ҳокимиятларини ташкил этишнинг янгича тамойилларини ишлаб чиқишни тақозо қила бошлади.

Шу боисдан ҳам мамлакатда янги Конс-титуцияга мувофиқ давлат ҳокимияти ор-ганларининг аввалги тоталитар тузумдан мутлақо фарқ қиладиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципига асосланган ҳуқуқий тизими шакллантирил-ди. Бунда, албатта, ҳокимиятлар бўлиниши назарияси ва амалиётининг жаҳон тажри-басига асосланилди. Маълумки, парла-ментларнинг бир палатали ёки икки пала-

ЎЗБЕКИСТОНДА ПАРЛАМЕНТАРИЗМ

тали қилиб ташкил этилиши унинг ривож-ланганлик даражаси билан бевосита боғлиқ. Чунки, дунё парламентчилиги таж-рибаларидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, бир палатали парламент энди-гина ривожланаётган давлатлар эҳтиёжлари-га, шунингдек, ўз миллий қонунчилик тизи-мини эндигина шакллантираётган парла-ментларнинг манфаатларига кўпроқ жавоб беради.

Ўзбекистонда ҳам айни ана шу хусусият-ларни эътиборга олган ҳолда мустақиллик-нинг илк давриданоқ бир палатали парла-мент тузилди. Парламентнинг бир палата-ли этиб тузилиши ўтиш давридаги энг тўғри йўл эди.

Ўзбекистонда демократик йўл билан кўппартиялик асосида сайланган Олий Мажлис — янги парламент ўз фаолияти-нинг ўтган йиллари мобайнида қонун иш-лаб чиқиш ва назорат қилиш фаолиятини изчиллик билан такомиллаштирди, ҳоки-мият тармоқларининг сиёсий ислохотлар жараёнида ҳамкорлик қилишларига фаол кўмаклашди.

Албатта, ҳар қандай давлатда сиёсий институтлар ёки демократик кадриятлар қанчалик такомиллаштирилиб борилмасин, жамият тараққиётида янги-янги талаблар-нинг пайдо бўлиши, эҳтиёжларнинг тугила-вериши табиийдир. Чунки, ислохот бўлаёт-ган жойда сиёсий маданиятнинг шакллани-ши, кишилар онги ва тафаккурида та-раққиёт сари интилишлар ва эврилишлар орқали янги ғоялар вужудга келаверади.

Мамлакат парламентини икки палатали этиб тузиш тўғрисидаги ғояни ҳаётга тат-биқ этиш зарурият эканлигини вақт кўрсатди. Ушбу зарурият-ни ҳал этиш масаласини кўриб чиқиш Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VII сессияси (2001 йил, декабрь) кун тарти-бига киритилди.

Сессияда Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг совет тоталитар ти-зими расмий жиҳатдангина эмас, балки ижтимоий-тари-хий жиҳатдан ҳам барҳам топ-ганлиги, туб ислохотларни амалга оширишдаги ҳиссаси

беқиёс бўлган қонун чиқарувчи ҳокимият-нинг мустаҳкамланганлиги, ўз миллий дав-латчилигини яратиб, мамлакат халқлари ягона миллат сифатида шаклланганлиги ва миллий парламент аъаналари ривожлан-ганлигига асосланиб парламент тузилиши-ни ўзгартириш, яъни бир палатали тизим-дан икки палатали тизимга ўтиш зарурли-ги таъкидланди. Шунингдек, ушбу сессия-да икки палатали парламентга ўтиш бўйи-ча жамоатчилик фикрини олиш мақсадида умумхалқ референдумини ўтказиш тўғри-сида қарор қабул қилинди.


Ушбу қарорга мувофиқ 2002 йил 27 ян-варда юртимизда референдум ўтказилди. Референдумда келгуси чақириқ Ўзбекис-тон Республикаси парламенти икки пала-тали қилиб сайланишини ёқлаб унда қат-нашганларнинг 93,65 фоизи овоз берди. Айтиш мумкинки, ушбу референдумнинг ўтказилиши мамлакатда амалга оширила-ётган ислохотлар фуқаролар томонидан қай даражада қўллаб-қувватланаётганлиги-ни, улар мустақиллик ғояларини ва мус-тақил тараққиёт йўлини нечоғли эътироф этаётганликларини амалда кўрсатди.

Хулоса қилиб айтганда, парламент ис-лоҳоти авваламбор мамлакатимиз та-раққиётида янги босқич бўлиб, у бугун шаклланиб бораётган миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашда, шунингдек, барпо этилаётган демократик, инсонпар-вар фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган янгилаш, кенг қам-ровли ислохотларни ҳаётга жорий этишда асосий ҳуқуқий институт вазифасини ўтайди.



Холмурод ХИДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
ва жамият қурилиши академияси
етакчи мутахассиси

Фотосурат муаллифи Дмитрий КУРЬЯКОВ



Халқимизнинг ўзлигини англаб, миллий қадриятларни чуқурроқ ҳис қила бошлаганлиги боис урф-одатларда акс этган ўтмишимизнинг унутилган саҳифаларини очиш, турмуш маданиятини ўрганиш бугунги кунда долзарб масалалардан бирига айланди. Оила қанча соғлом ва мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик соғлом ва мустаҳкам бўлади. Халқимиз ўтмишда амал қилиб келган урф-одат ва расм-русумларни ўрганиш, айниқса, унинг оила ва бола тарбияси билан боғлиқ бўлган жиҳатларини қайта тиклаш фойдадан холи эмас. XIX аср охири ва XX аср бошларида Сурхон воҳасида оила ва бола тарбиясига қандай муносабатда бўлишган?

Воҳадаги фарзанд тарбиясида боланинг ўғил-қизлиги, ёши ва табиатига, албатта, алоҳида эътибор берилган. «Қиз — кўнгил ҳуши, ўғил — давлатнинг боши» айтими оилада ўғил қадрининг баландлигини кўрсатади. Унга авлоднинг давомчиси, мулкнинг меросхўри, оиланинг посбони, ор-номуси, ифтихори ва ҳимоячиси сифатида тарбия берилса, қизлар она ва уй бекаси бўлиши ҳисобга олинган ҳолда ўстириладилар. Оилада биринчи фарзанд ўғил бўлса, жуда катта хурсандчилик билан кутиб олинган. Оилада фарзандсизликка мусибат сифатида қаралган, бундан келин-куёвнинг ўзларигина эмас, балки бутун хонадон ҳам уят ва иснодга қолади. Фарзандсиз аёллар кўпда тўй-томошаларга айтилмаган, айтилса ҳам бундайларга унчалик эътибор берилмаган, улар билан бир пиёладан чой ичишмаган, уларнинг ўринларига ўтиришдан ўзларини олиб қочишган. Улар хайрли ишларга аралаштирилмаган ва «туғмас», «туғмас хотин», «оёғи қуруқ», оилаларини эса «тирноқсиз уй», «меvasиз боғ» деб аташган.

Шунинг учун бу масалага келин-куёвнинг биринчи учрашиши ва қўшилиши маросимидан бошлаб катта эътибор беришган. Чимилдикдаги келин-куёв ҳузурига 1-2 ёшдаги ўғил болани киритиш, келиннинг тиззасига ўтқазиб эркалатиш, уни ширинликлар билан меҳмон қилиш, келин-куёв тўшагига солиш, келин кийимларини дорга илиш ва бошқа расм-русумлар серфарзанд ва бир никоҳли аёл томонидан бажарилган. Бундай расм-русум ва ирим-сиримларга бўлажак оила серфарзандлигини таъминловчи шартлар сифатида қаралган.

Сурхон воҳаси аҳолисининг ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, бола тарбиясига ҳомилалик давриданок эътибор берилганлигини кўраемиз. «Боши қоронғи» аёлнинг кўнгли кетган (Сурхондарё кўнғиротларида бу ҳолат «жерик» бўлиш дейилади) егуликни топиб беришга иложи борича ҳаракат қилинган, акс ҳолда туғилажак фарзанднинг кўзи кўк бўлади, деган ўй бўлган.

Боши қоронғилик даврида бўлажак фарзанднинг соғлом ва нуқсонсиз туғилишини назарда тутиб, ҳомиладор аёлга таъқиқланган таомлардан куён, туя, балиқ гўшлари берилмаган. Куён гўшти еса, туғилган боланинг лаби жирик, балиқ еса, бола балиқдек оғзи очиқ бўлади, туя гўшти еса, чақалоқ 9 ойдамас 11 ойда туғилади, дея ирим қилишган.

Туғилажак фарзанднинг чиройли бўлиши билан ҳам боғлиқ қатор иримлар мавжуд. Масалан, боланинг чиройли ва қизил юзли бўлишини ўйлаб, анор суви ичирилган, оқ юзли бўлиб туғилишини кўзлаб қанд, тухум, сут ва қатиқ, оқ буғдой унidan қилинган хамирли таомлар едириб турилган. Боланинг юзи доғ бўлмасин, деб ҳомиладор аёлга нон ёпганда тандир сувидан ичмаслик, косов устидан ҳатлаб ўтмаслик уқтирилган. Боланинг жағи қийшиқ ёки қулоқ оғриқ бўлмаслиги учун аёллар ҳомиладорлик пайтида сақич чайнашмаган.

Ёмон оқибатларга олиб келмаслиги учун ҳомиладор аёлнинг мазор ва зиёратгоҳларга бормаслиги, уйда ёлғиз ўтирмаслиги, кул, ювинди (мағзава) тўкилган ёки жонлиқ сўйилган қонялоқнинг устидан ўтмаслиги, қуёш ботгандан сўнг уйдан чиқмаслиги белгилаб қўйилган.

Ўтмишда аёлнинг енгил қутилиб олиши учун ҳам бир қанча расм-русумлар ва ирим-сиримлар қилинган. Унинг дарди қочмаслиги учун уйга доя, онаси ва қайнонасидан бошқа аёллар қўйилмаган, уй атрофида тинчлик сақланиб, бегоналар уйга яқинлаштирилмаган. Ҳомила осон туғилишининг йўллари изланиб, чақалоқнинг дунёга келиш йўлини боғлайди, деб гумон қилинган нарсалар, яъни ҳомиладорнинг кийимларидаги тугмалар ва тугунлар ечиб қўйилган, сочларининг ўримлари тарқатилиб соч ёйиб юборилган, тақинчоқлари ечиб олинган.

Дунёга келган чақалоқнинг киндигини кесишга алоҳида эътибор берилган. Чунки, чақалоқнинг соғлом ёки касалманд бўлиши кўпинча киндик кесишга ҳам боғлиқ бўлган. Чақалоқнинг йўлдоши тушгач, бод ёки ҳаво қолмаслиги учун киндигини сиқиб тозалаб, ўғил бўлса тиззасига, қиз бўлса пешонасига ўлчаб кесишган. «Келажакда ўзини, оиласини эр йигитнинг оёғи боқади, қизнинг пешонасидан берсин, бахти очилсин», деган ниятда шундай қилинган. Воҳа аҳли наздида чақалоқнинг йўлдоши келгусида фарзанд кўрсатиш шарт ҳисобланган ва ниҳоятда эҳтиёт қилиниб, бировга кўрсатилмаган. Аёлнинг ўзи ҳам, унинг чақалоғи ҳам серфарзанд бўлсин, деган мақсадда йўлдош бировга кўрсатилмай, албатта, мевали дарахт тагига кўмилган.

Чақалоқ туғилгандан кейин қирқ кун чилла сақланган. Бу давр она ва бола ҳаёти учун ниҳоятда хавfli ҳисобланган. «Кўзи» ва суқибор кишилар, бефарзанд аёллар, ҳомиладорликдан бўшагач, кўп касал бўладиган аёллар она ва бола хонасига киритилмаган. Бир хонали уй бўлса, бегоналарнинг кўзи тушишига йўл қўйилмаган. Бутун чилла давомида она ва бола хонасида чироқ ёниб турган, яъни меҳмонни муборакбод қилиш учун келган қариндошлардан исриқ билан бирга тутатиш учун кийимидан тутатқи (қувич) олинган.

Она ва чақалоқнинг тўққиз кечаси ўтгунча, улар кечаси ёлғиз қолдирилмаганлар. Она ва чақалоқни ёвуз кучлардан асраш учун ёстиқ тагига нон, пичоқ, пиёз, қалампир, илон пўсти каби нарсаларни қўйиш одатларига воҳанинг барча туманларида амал қилинган. Акс ҳолда, чақалоққа зиён етиши ва онани «қора босиши» мумкин деб ўйлашган. Зиёратчиларнинг соф ниятда келганлигига шубҳа қилинса, етиши мумкин бўлган зиённинг олдини олиш учун шубҳаланган кишининг изи пичоқ билан бўйига ва энига кесиб қўйиладик, бу воҳа қишлоқларида ўтмишда «кес-кес» ирими деб аталган.

Одатда она ва чақалоқни чўмилтириш, яъни ғул қилдириш киндик тушишига боғлиқ. Шунинг учун беш кунгача киндик тушмаса, буғдойни қовурмоч қилиб, ўйнаб юрган болаларга тарқатишган. Бу ирим киндикнинг қуриб тушишини тезлаштиради, деб ҳисобланган. Она ва чақалоқни чўмилтириш тоқ саналарда амалга оширилган. Чўмилтириш учун чилла суви ёки шўр сув тайёрланган, илиқ сувга туздан ташқари тоза тупроқ, узук ва қўй думбаси солинган. Чақалоқни чўмилтириш учун энг яхши кунлар душанба ва пайшанба ҳисобланган.

Чақалоқ чўмилтирилгандан сўнг, унга янги чилла кўйлак кийдирилган. «Чилла кўйлак» акаси ёки опасининг, тўнғич фарзанд бўлса, ирим қилиб серфарзанд оила аъзоларининг кийимларидан тайёрланади. «Чилла кўйлак» этаги боланинг ўсиши учун йўл очиқ бўлсин, деган ниятда тикилмасдан очиқ қолдирилади.

Тадқиқига уринганимиз фақат яхшилик ҳамда эзгуликка йўналтирилган расм-русумлар ва ирим-сиримларнинг унутилган сиру синоатлари баркамол авлоднинг вояга етишида катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

М. ФАЙЗУЛЛАЕВА,
Термиз давлат университети
тадқиқотчиси





Хар бир халқ маданияти ва санъати ўзига хос миллий анъаналар негизда шаклланади. Ўзбек миллий муסיқаси ҳам ўз анъаналари ва мероси заминида ривожланиб бойиб келмоқда. Муסיқий меросимизнинг бенуқсон ва мукамал тарзда бизгача етиб келишида чолғу ижрочилигининг ўрни алоҳида эканини таъкидламоқ ўринлидир.


Маълумки, халқимиз миллий созларга бой: танбур, дутор, ғижжак, рубоб, чанг, уд, қонун, карнай, сурнай, ногора, доира каби чолғулар шулар жумласидандир. Уларнинг хар бири мукамал созлар ҳисобланиб, даврлар мобайнида шаклланган ижро анъаналарига эга.

Қашқар рубобининг ҳам ўзига хос ижро анъаналари ва хусусиятлари мавжуд. Рубоб Шарқ халқлари амалиётида кенг оммалашган созлардан бўлганлиги илмий рисола ва бадий адабиёт намуналарида ҳам ёзилган. Фақат амалиётда номланишда унинг «рубоб», «рѳбаба»

шакллари ҳам ишлатилган. Шу билан бирга хар бир халқда рубобнинг талқини бир хил бўлса-да, ўзига хос шакллари бўлган. Жумладан, ҳиндларнинг «саруд» муסיқий чолғуси ҳам рубобнинг бир туридир.

Ўрта Осиё халқлари, яъни ўзбек-тожик муסיқа ижрочилигида рубоб турлича — афғон рубоби, қашқар рубоби, помир рубоби каби номларда оммалашган. XVI асрнинг таниқли муסיқашуноси Дарвиш Али Чангий «Муסיқий рисола» асарида «Рубоб — торли муסיқий чолғу. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1220 й.) даврида кенг оммалашган», деган фикрни баён этган. Шу билан бирга унинг саройида Устоз Маҳмуд номли моҳир рубоб чолғучи хизмат қилганлиги айтилади. Рисолада ёзилишича, ўша даврнинг рубоб чолғуси беш симли бўлиб, тўрттасига ичакли ип ва биттасига кумуш сим тортилган. Унинг пардалари асосан табиий диатоник товушлар тизимига хос тарзда ичакдан боғланган. Манбаларда кўрсатилган бундай рубоблар бизга афғон рубоби номи билан танишдир. Абдурауф Фитратнинг «Ўзбек классик муסיқаси ва унинг тарихи» асаридаги рубоб таърифи буни далиллайди. Жумладан, «Бу чолғунинг гавдасини тўрт асосий қисмга бўлмак мумкиндир: қорин, кўкрак, бўйун, бош қорин, қориннинг бўйи 21 см., эни 18 см., кўкрагининг бўйи 28 см., эни қоринга томон 10 см., бўйнига томон 5 см. бўладур. Ичакдан ясалган беш тори бор... Бундан бошқа ўн икита «тор ости» торлари бор».

Халқда сўз



ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



Медат КАГАРОВ (1940 йилда туғилган) — Ўзбекистон халқ рассоми.

Тасвирий санъатнинг графика йўналишида ижод қилади. Германия, Голландия, Польша, Япония, Ҳиндистон, Хитойда ўтказилган халқаро кўргазмаларда ўз ишлари билан иштирок этган. Унинг асарлари Германия, Ҳиндистон, Россия музейларидан жой олган. Санъатимиз равнақи йўлидаги меҳнатлари қатор мукофотлар билан тақдирланган.

Ҳозирги қашқар рубоби ўтмиш «рэбаб» чолғусининг такомиллашган кўринишидир. Моҳир созанда Турғун Алиматовнинг фикрларича, бу чолғу уйғурча рубобдан олиниб, қайта ишланган. Тошкентлик соз устаси Усмон Зуфаров томонидан қашқар рубобининг дастасидаги ичак пардалар ўрнига мис пардалар қўйилган. Дастадаги аввалги диатоник қатор хроматик товуш қатор таркибига мослаштирилган. Иккита иккиланган кумуш ва битта ичак тор тортилган.

Бу соз асосан шу даврда эндигина санъат даргоҳига қадам қўйган Муҳаммаджон Мирзаев, Эргаш Шукруллаев каби созандалар ташаббуси билан қилинган эди. Ўтган асрнинг 30-йиллари охирида А.И.Петросянц қашқар рубобини оркестр таркибига қўшиш ниятида хроматик товуш қатор асосида такомиллаштиради. Унинг айнан шу ҳолга келтирилиши ўзбек миллий аънавий ижрочилигига хос хусусиятларни ифода этишда анча қулай бўлди. Шу боис оммавий тарқалишига замин яратди.

Аввалига қашқар рубобидан жўрнавоз соз сифатида фойдалана бошланди. Созандалар ансамбли, халқ чолғулари оркестри таркибидан муносиб ўрин эгаллаган бу соз 50-йилларга келиб, якканавоз соз сифатида ҳам ўзини кўрсатди. Бунга, аввало, созандалар ижро маҳоратлари ошганлиги, иккинчидан, рубоб учун яратилган асарлар сабаб бўлди. Бунга таниқли созанда ва бастакор Муҳаммаджон Мирзаев ижоди мисол бўла олади.

Қашқар рубоби муболағасиз икки хусусиятли чолғудир. Чунки, қашқар рубобининг оммавий ижро йўли билан бир қаторда профессионал талқини ҳам шаклланган. Қашқар рубобининг аънавий ижрочилиги ҳам меъёрий аънаваларга эга бўлиб, маълум тайёргарлик ва ижрочилик саводини тақозо этади. Бу жараён чолғуда ижро ҳолатларидан

тортиб текис ва равон ижрога эришишда зарур бўлган сифатларни ўз ичига олади.

Рубобда аънавий ижро услубини ўзлаштиришда доимо тебранувчи товушнинг тараннумини таъминлаш учун муҳим бўлган чап қўл ҳаракатларини англаган ҳолда ўзлаштириш лозимдир. Бунда чап қўлнинг ҳаракатчанлиги ва ўз ўрнида эластик ҳолати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ижрочилик амалиётига таянган ҳолда сабоқ жараёни маълум дастур асосида олиб борилиши тавсия этилади. Қолаверса, тўрт асосий йўналиш: халқ чолғу йўлларини (нафақат рубоб ижрочилиги, балки барча созлар ижрочилик аънаваларини) ўзлаштириш; мавжуд рубоб ижрочилик услубларини (М.Мирзаев, Э.Шукруллаев, А.Бобохонов, Ш.Мирзаев, Т.Ражабий, Р.Қосимов ва бошқалар) бастакорлик ижодий намуналари билан биргаликда ўрганиш; воҳавий ижрочилик аънавалари билан танишиш ва ўзига хослигини англаш; «Шашмақом» ижрочилигини ўзлаштириш муҳимдир.

Устоз созандалар ўз фаолиятлари мобайнида фақатгина рубобга мос куйлар ёзиш билан чекланмай, муסיқий меросимиз гултожи ҳисобланмиш мақом куй ва ашула йўлларини ҳам моҳирона ижро этишга эришдилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваторияси аънавий ижрочилик кафедраси, вилоятлардаги муסיқа, санъат билим юртра-



рида аънавий ижрочилик бўлимларидаги устоз созандалар махсус дастурлар асосида рубоб ижрочилигини муסיқий мерос намуналари билан бойитибгина қолмай, балки бир қатор ўқув қўлланма ва дарсликларни нашрдан чиқариб, ёш авлодга тақдим этмоқдалар. Аънавий рубоб ижрочилиги қалб туйғуларини тараннум этишда халқимиз руҳиятига мос, ўтмиш аънаваларига хос оҳангларни ифодалашга қодир ижоддир.

Шомаҳмуд ШОРАҲМЕДОВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси
Аънавий ижрочилик кафедрасининг
катта ўқитувчиси

Каримахон БОБОХОНОВА —

Наманган вилояти Косонсой туманининг пешқадам фермерларидан бири. Унинг хўжалигига қарашли 95 гектар майдонда пахта, буғдой ҳамда турли сабзавот экинлари етиштирилади. Бундан ташқари фермер опа қармоғида чорва хўжалиги ҳам бор. Каримахон Бобохонова барча шартномавий режаларни мунтазам бажариб, юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.



ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



Миллий меъморчилик ривожи

Ўзбекистон монументал безак санъатига оид ажойиб асарларнинг шон-шухрати бутун дунёга ёйилган. Халқнинг миллий анъаналари талантили усталар (авлодлари) томонидан авайлаб сақланиб, қайта жонлантирилиб ва ижодий ривожлантирилиб келинмоқда. Уларнинг замон талаби ва вазифаларига мос равишда қўлланиши юртимизда декоратив-амалий санъат ривожининг зарурий омилидир.

Ўзбекистон халқ усталари ижодида меъморий безак санъати катта ўрин эгаллайди. Биноларни гулдор қилиб қуриш анъаналари ва маҳаллий қурилиш ашёларининг нафислик, бадиийлик хусусиятларини тирадан бериш, шунингдек, Ўрта ва Яқин Шарқда ганч-алибастер, турли хил тош сополларининг кенг тарқалганлиги бу қадимий санъатнинг мустақкам асосини ташкил

этади. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларнинг оламга машҳур ёдгорликлари ўрта аср рассомлари ва меъморлари, наққошлари ва хаттотлари, ўймакорлари ҳамда қуллоларининг юксак маҳоратидан далолат беради.

Сопол қопламалар (жимжимадор қилиб гишт териш, қўйма ва ўйма қизғиш сопол, ёрқин ранг-баранг кошин), нақш ўйилган тош ва мрамрлар, меъморий безакларнинг энг пишиқ, қўлга чидайдиган, шунингдек, энг кўп меҳнатталаб қимматбаҳо турлари бўлиб, деярли барча ҳолларда сарой, қаср, масжид, мақбара каби қурилишлар билан боғлиқдир. Наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги жозибали ҳамда бирмунча арзон безак бўлганлиги сабабли қарийб XX асргача кишиларнинг турар-жойларини жиҳозлашда анчагина кенг

қўлланилган.

Ганч ўймакорлиги Ўзбекистон халқ усталари ижодида юпқа бўртиқ усулида ишланган бўлиб, жуда ҳам бой ўсимликсимон ва геометрик жимжимадор шакллар асосида мужассамлашган. Ислоҳ талабларига бўйсунуш оқибатида безакли санъатда монументал наққошлик ривож топди. Араб ёзувининг ўзлаштирилиши билан безакларда унвонли ёзув (эпиграфика) услуби пайдо бўлди. Ёзувларнинг мазмуни маълум даражада барча безакларнинг умумий тарзига бўйсундирилиб, ёзувнинг ўзи ҳам нақш вазифасини адо этган. IX-X асрларда худудимизда безакли нақшу нигорлар кенг тарқалди. XIII асрда Чингизхон босқини ҳозирги Ўзбекистон худудидаги маданий ҳаётни издан чиқарса-да, бутунлай йўқ қилиб ташлай олмади.



Фотосурат муаллифи Абдугани ЖУМАЕВ

Темур ва темурийлар даврида санъатнинг барча тури, жумладан, безакли нақшу нигор юксак даражага кўтарилди. Воқеабанд нақшу нигорлар қайтадан жонланди. Ҳатто эндиликда у биргина миниатюра соҳасида эмас, балки монументал санъатда ҳам ривож топди. Деворий нақшлар композицияси билан миниатюралар сюжети бир-биридан деярли фарқ қилмайди.

XV асрда нақшу нигорнинг кундал санъати пайдо бўлди. Бунда махсус гил устидан қизил лой билан бўртиқ нақшлар солинган, таги тўқ кўк бўёққа бўялиб, нақши юпқа тилла қатлами билан қопланган, тилланинг устидан эса нақшу нигорлар туширилган. Самарқанддаги XV асрга оид тарихий обидалар худди шу усул билан безатилган. XVI-XVII асрга келиб, сюжетли деворий расмлар деярли қизилмай кўйилди, улар ўрнига нақшинкор композиция билан кундал усулида ишлов бериш ривожланди. XVIII-XIX асрлардагина ўзбек ҳонликлари иқтисодий жиҳатдан ўзларини бироз ўнглаб олдилар. Маданий ҳаётда, жумладан, нақшу нигор санъатида ҳам умумий ривожланиш жараёни рўй берди.

XIX ва XX аср бошларида худудимизда

маҳаллий бадий меъморчилик мактаблари юзага кела бошлади. Улар нафақат ўзларининг ҳажм-режали композициялари билан ажралиб турардилар, балки безакли жиҳозларининг ғоят нафислиги билан ҳам диққатга сазовор эдилар.

Ўзбекистон наққошлари ўрта аср тарихий ёдгорликларини таъмирлаш ва янги биноларга пардоз бериш ишларида иштирок этиб, ўзларининг бор тажриба, истеъдод ва маҳоратларини намоеён этмоқдалар. Наққошлик ҳунари чин маъноси билан отамерос бўлиб қолган Саидмахмуд Норқўзиёв, усталар Олимжон Қосимжонов, Мадаминжон Ҳусанов, Жалил Ҳакимов, Тоир Тўхтаўжаев, Маҳмуд Тўраев ва уларнинг шогирдлари яратган асарлар амалий санъатнинг қадимий анъаналари авлоддан-авлодга мерос қолишига ёрқин мисол бўла олади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий меъморчиликда катта ютуқларга эришилди. Тошкентдаги Темурийлар даври тарихи музейи биноси, Ўзбекистон Олий Мажлиси биноси, Тошкент шаҳар ҳокимияти биноларини мисол келтиришимиз мумкин.



Мазкур меъморчилик мажмуалари XIV-XV асрларда бунёд этилган ота-боболаримиз мероси ҳамда замонавий услубларни ўзида мужассам этган нақшу нигорлар билан безаш асосида бунёд этилди.

Комил Фуломов,
Тошкент давлат педагогика
университети тадқиқотчиси

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида таъкидланишича, ер умуммиллий бойликдир, яъни фақат давлат мулкидир. Шунинг натижаси ўлароқ, ер муносабатларини тартибга солувчи ўзаро боғлиқ иккита институт — ерни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш институтлари шаклланди. Биринчиси, ердан оқилона фойдаланишни ташкил этиш бўйича давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи нормаларни белгилайди, иккинчиси, ердан фойдаланиш бўйича барча объектлар фаолиятини ташкил этади. Бунда ердан фойдаланиш принциплари юридик жиҳатдан мустақамланади. Шунини таъкидлаш лозимки, мазкур масалада ерни жамият мулкига айлантириш тадбирлари кўрилмоқда, бунда ер табиий объект сифатида эгаллик қилиш ҳуқуқи объектидан чиқарилади.

Биринчидан, «давлат мулки» атамасидан воз кечилди. Чунки бу ҳол давлат мулкини национализация қилиш принципини ўзгартириш хавфини вужудга келтиради, бу совет даврида ер муносабатлари турли идоралар ва бошқа давлат сиёсий тузилмалар томонидан давлатлаштиришда ўз ифодасини топган эди. Иккинчидан, ер участкасини бериш ва қайтариб олиш билан боғлиқ ерни идора қилиш ўзини ўзи бошқариш ва ижроия ҳокимияти органлари иштирокида Ер кодексига мувофиқ мураккаб тартиб-қоида тариқасида амалга оширилади. Учинчидан, махсус ер солиғи жорий этилади. Солиқнинг миқдори ер участкасининг сифатига ва жойла-

нишига боғлиқ бўлиб, бу моҳиятига кўра ер рентасининг бекор қилинишини англатади, ишдан чиққан ва кам ҳосилли ерлар солиқ тўлашдан озод этилади. Тўртинчидан, Ер кодексида ердан фойдаланишда бирон-бир давлат ёки хўжалик органининг аралашуви таъқиқланади, ерни ишдан чиқариш ва унга бўлган очикдан-очик ёмон муносабат бундан мустасно.

Ернинг умуммиллий бойлик сифатида эълон қилиниши, бизнинг фикримизча, ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан ҳар бир фуқаро қонун асосида ундан маълум мақсадда фойдаланиши мумкин бўлган, экологик жиҳатдан инсон ҳаётининг асосини ташкил этадиган ажойиб табиий объект сифатида уни ҳар томонлама муҳофаза қилишни ва келгуси авлодга қолдиришни тақозо этади.

«Давлат мулки» тушунчаси ҳуқуқий категориядир. Ерни умуммиллий бойлик сифатида таҳлил қилиш бизнинг илмий ишимиз доирасидан чиқиб махсус тадқиқот олиб боришни талаб этади. Бундай ёндашув давлат объекти бўлган ер мулки муносабатларини тартибга солишда фуқаролик-ҳуқуқий воситалар қўлланиладиган, исбот талаб этмайдиган ер ҳуқуқи назариясини қайта кўриб чиқишга олиб келиши шубҳасиз. Эҳтимол, ерга ва бошқа табиий ресурсларга бўлган мулкчилик ҳуқуқи муаммоларига бағишланган замонавий фундаментал ишланмалар йўқлиги «Мулк тўғрисида»ги қонун билан Ер кодекси ўртасида ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик

қарама-қаршилиқларга сабаб бўлаётгандир. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, янги давлатчилик ва бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ер ва бошқа табиий ресурсларга бўлган мулк ҳуқуқи муаммосини ҳал этиш ҳуқуқшунослик фанининг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Рамазон Пўлатов,
Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратураси ходими

Ер:

масарруф,

муҳофаза



Эй, осмон тубида порлаётган Моҳ! Сен кимсан, биллурваш дарча аро қайрилиб қараётган ҳурлиқомисан, тегрангдаги юлдузлар маржондек сочилиб кетган ипак сочларингми? Ёки сен жаннат тахтидаги малакмисан, атрофингда ёниб учаётганлар гўё жаннат ҳурлари? Балки узукдир бу само сонсиз юлдузлари-ла чақнаётган — сен эса улкан олмос қош. Йўқ, сен бир беғубор кўзгу бўлсанг керак; ойнада акс этган ёғду сенинг юлдузларинг.

Сен оловсан — юлдузлар сочилиб кетган чўғларинг.

Эй, порлаётган Моҳ!

Сен заминни бир хил ёритдинг. На пастлик, на тоғ-тош ва на дўнг-сахроларни, серҳосил чўллари даштларни унутмадинг. Энди менинг кўнглимга жилва ташладинг. Сувайдо булутларни ёндирдинг бир-бир.

Эй, маҳваш!

Бизнинг тақдирда бир ўхшашлик бор: сен самода, мен ерда ёлғиз — иккимиз ҳам узлатга чекинган, иккимизнинг ҳам руҳимизда тамкинлик, кўнгишлар сирдош излаб сукутнинг ҳорғин кўзларига ром бўлгани бўлган. Ушбу тунда сен менга жуда яқинсан. Сенга қўлимни бериб, кўнглимни кўнглингга тўкишим қолди, холос.

Менинг нега доим кулиб туришимни билмаганлар, бу одам азоб-укубат нелигини билмайди, деб фараз қиладилар. Чунки мен дардларимни табассум билан кўмаман. Кўзёшларимни фақат сенинг қошингда тўкким келади, чунки бегоналарга дардни айтиб бўлмайди. Сен ҳам менга ўхшайсан. Зулматни ёритиб турганингни билмаганлар сени бахтиёр ҳисоблашади, аслида юрагинг доғли. Сенга ҳам меҳр етмайди. Ғариб боғларинг бевисол, руҳингда далда каби ҳазонларнинг шитир-шитири.

Эй, порлоқ Ой!

Қани энди шундай бир дўст бўлса...

Юрагимда тўфон тошса. Мен у билан тинсиз дардлашсам. Сен эса ёрим билан сирлашганимни кўргансан-у, энди миқ этмаяпсан. Биз ажрашдик. Сен ҳамон жимсан. Балки маҳбубам ҳам сенга илтижо қилиб менинг сўзларимни такрорлаётгандир?!

Мен сенинг кўзларинг кўзгусида гўё ёрим чехрасини кўрдим. У ҳам сенинг кўзларинг аро мен ҳақда бўзляпти, мен эса аксингга қараб дўстимни соғиндим.

Мен уни ўйлаганим сайин соғинчим ортиб бормоқда, қайғурганим сайин дардларим қаърига тушиб кетяпман. Сен шу жойдан жилмай тур, чунки чехрангнинг эрки мени ушлаб турибди. Мен ёрим дийдорига тўйиб олай — узоқ давом этган муҳаббатим ҳам.

Эй, беғубор Ой!

Мана мен сенинг шафаққа бош қўяётганингни кўряпман, гўё сен... мангуга видолашмоқчисан ва юрагимни ёритган сиймонг аста-секин сўнмоқда. Бу ёруғлик сен бошингни қўйган уфқ узра кўтарилган қиличнинг сўнги ялтирашига ўхшайди. Сен барибир қўлларимдан сирғалиб кетма, мени ташлаб кетишга шовилма. Чунки сендан бошқа ҳеч кимим йўқ, сенсиз менга бу дунё қоронғу.

Эсиз! Мана, тонг отди ва менинг дарддошим кетди олисга, ташлаб кетди у мени...

Токай давом этар бу кундузги ёлғизлик... Қачон менинг моҳим қайтиб келади ва у қачон армуғон этади қоронғу дилимга гўзал нурларини...

Мустафо ал-МАНФАЛУТИЙ

Ой билан суҳбат



ЭЗГУЛИК

ЙЎЛИДА

Ўқитувчи, устоз, мураббий... Улар ҳақида кўп ва ҳўб ёзилган.

Ўқитувчи — миллат тарбиячиси, абади-ятга дахлдор шахс. Унинг машаққатли меҳнати натижаси ўлароқ келажагимиз ворислари камол топади. Демак, ўқитувчиларга қаратилган эътибор Ватан тақдирини учун қайғуришдир.

Маъмур Мусурмонов билан танишиб, 30 йилдан зиёд халқ таълими соҳасида садоқат, фидойилик-ла меҳнат қилиб келаётган устозни табиат эзгу иш учун яратган экан, деган тўхтамга келдим. Маълумки, ўқитувчи, мураббий шогирдларига сабоқ, тарбия бериш учун, аввало, ўзи ўқимишли ва тарбияли бўлмоғи керак. Кейин фақат иш жойида эмас, кўчада, маҳаллада, тўймаъракада, хуллас, ҳар қандай макон ва шароитда ҳам тарбиячилигича қолиб, ҳаммага эзгулик нуруни баравар сочадиган инсон бўлиши керак, деб ҳисоблайман.

Маъмур ака билан суҳбатимиз ёшлар тарбияси, ўқитувчининг жамиятдаги ўрни, республикамизда халқ таълимини юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида бўлди.

— Ҳаётимни болаларсиз, мактабсиз, ўқитувчиликсиз тасаввур қилолмайман, —

дейди у ўз ҳаёт йўли ҳақида сўзларкан. — Истаймизми-йўқми, ривожланиш, тараққиёт фақатгина илму маърифат, халқ таълимини юксалтириш орқалигина амалга оширилади. Шундай экан, ҳар қандай давлатнинг келажаги кўп жиҳатдан шу соҳага нисбатан муносабатга боғлиқ. Бахтимизни қарангки, ҳар бир вилоят, ҳар бир шаҳарда олий ёхуд ўрта-маҳсус ўқув юртлари мавжуд бўлиб, маҳаллий ёшлар илм олиши, касб-хунар эгаллаши учун барча шарт-шароит яратилган. Шунингдек, ёш авлодга дунёвий билимларни чуқур сингдириш ва уларни касб-хунарга ўргатиш билан бир қаторда, меҳнат анъаналари воситасида меҳнатга қизиқтириш ҳамда юксак маънавиятли кишилар қилиб тарбиялаш долзарб вазифалардандир.

...Маъмур ака ўз иш фаолиятини 1970 йилда Самарқанд вилоятининг Кўшработ туманидаги 62-ўрта мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчилигидан бошлаган. 1986-1996 йилларда туман халқ таълими бўлими мудирини вазифасида ишлади. 1996 йилдан 2002 йилгача ПЧот фуқаролар йиғини раиси вазифасида меҳнат қилди. 2002 йил апрель ойидан бошлаб эса у яна ўзи севган даргоҳ — мактабга қайтди ва

82-мактаб жамоасига раҳбарлик қила бошлади.

М.Мусурмонов халқ таълими бўлимига раҳбарлик қилган йилларда жами 29 та мактаб қурилиб, ишга туширилган. Тумандаги мактаблар сони 54 тадан 83 тага етган. Шунингдек, 4 та мактабгача тарбия муассасаси ва битта болалар оромгоҳи қурилиб, фойдаланишга топширилган. Юқорида биз Маъмур акани эзгу ишлар учун яратилган инсон дедик. Санаб ўтганимиз каби ишлар сўзимиз тасдиғидир.

«Эл ҳурматиға сазовор бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт. Бу бахтга мен танлаган касбим — ўқитувчилик орқали эришдим, — дейди суҳбатимиз ниҳоясида М.Мусурмонов. — Шу туйғайли агар иккинчи бор яшасам, яна ўқитувчилик касбини танлаган бўлар эдим».

Ҳаммамиз ҳам бир пайтлар бола бўлганмиз, мактабни, дарс берган устозларимизни умрбод ёддан чиқармаймиз. Маъмур ака ўзининг 32 йиллик меҳнат фаолияти давомида юзлаб шогирдлар етиштирди. Демак, унинг номи шогирдлари қалбида мангу паноҳ топади. Ўқитувчининг энг катта бахти ҳам ана шунда.

Маълумра НАБИЕВА



Меҳнат ва

Меҳнат менталитети — ўзига хослигини замонавийлаштириш талаби республикада шаклланган социал-демографик жараёнларни ўрганиш, унда юзага келган муаммоларни ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ демографик жараёнлар изчил ўсиб бормоқда. Республика аҳолисининг сони 2001 йилда 24 млн. 908 минг кишидан ортди. Аҳолининг йиллик ўсиш суръати ўртача 420,0 минг кишини ташкил этмоқда. Аҳолининг кўпчилик қисми, аниқроғи 65 фоизи қишлоқ ва туманларда яшайди. Айрим вилоятларда — Сирдарё, Қашқадарё, Хоразм ва Фарғона водийсида қишлоқ аҳолисининг ҳиссаси 70-75 фоизга тўғри келади.

Ўзбекистонда шаклланган бу мураккаб социал-демографик вазият узоқ тарихий давр мобайнида қишлоқ масаласига давлат сиёсатида бир томонлама ёндошиш — хомашё базаси сифатида қараб келинганлиги оқибатида юзага келган. Шу билан бир қаторда, бу умумий социал-демографик жараёнда халқимиз меҳнат менталитетининг ҳам ўзига хос таъсири бор. Халқимиз азалдан анъанавий меҳнат турлари бўлган деҳқончилик ва чорвачилик билан мунтазам шуғулланиб келади. Меҳнатнинг бу турлари оғир жисмоний қўл кучига асосланганлиги учун ҳосил йиғиштириш мавсумида кўп ишчи кучи талаб қилинади. Бу социал муаммони ҳал қилиш учун қишлоқ аҳолисининг миграциясини уюшган ҳолда ташкил қилишга уринишлар

кўпмаротаба бўлган. Бироқ қилинган ҳаракатлар ва кўрилган чора-тадбирларнинг ижобий натижалари қониқарли эмас.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни жамиятда етилган социал-демографик муаммоларнинг анча кескинлашувига олиб келади. Бунга бир томондан қишлоқ аҳолиси табиий ўсишининг юқорилиги, яъни йилига 2,5-2,8 марта ортаётганлиги сабаб бўлса, иккинчидан, кейинги йилларда қатор вилоятларда экин майдонларининг шўрланиши ва сув танқислиги оқибатида деҳқончилик имкониятлари қисқармоқда. Бу ўткир социал-иқтисодий масалага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов бир неча бор тўхталиб, юзага келган оғир мураккаб вазиятнинг моҳиятини, сабабларини ва олдимизда турган вазифаларни халққа рўй-рост тushунтириш зарурлигини таъкидлади.

Демак, аҳолининг ўсиш суръати билан ер ва сув ресурсларининг мавжуд имкони-

ятлари ўртасидаги фарқ сезиларли равишда бўлганлиги сабабли ишсизлик масаласини ички имкониятларнинг ўзи билан ҳал қилиш қийин бўлади. Барча соҳаларда бўлгани каби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаларини хусусийлаштириш асосида меҳнатни янги ташкил қилиш, қўшимча тармоқ ва ишлаб чиқариш турларини жадал ривожлантириш асосида ишсизликни камайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини, кичик ва ўрта бизнес фаолиятини, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга чет эл сармоялари асосида ишлайдиган қўшма корхоналар билан қўшимча иш ўринлари барпо этишга ҳаракат қилинмоқда. Натижада ишсиз ёшларнинг бир қисми иш билан таъминланмоқда. Қишлоқда, айниқса, фермерлик ҳаракати кенг кулоч ёзмоқда. Фермерларга маҳаллий ҳокимиятларнинг кўмак бериши фаровон-

Божхонада Ишлаш Осонми?

Божхонада ишлаш ҳавас қиладиган даражада осон иш эмас. Унинг ҳам бошқа касблар сингари қийинчиликлари мавжуд. Бунинг устига, божхоначиликкагина хос жиҳатлар ҳам борки...

Божхона органлари ходимлари ва улар оила аъзоларининг пенсия таъминоти ҳарбий хизмат, ички ишлар органлари учун белгиланган шартлар ва нормативлар бўйича амалга оширилади. Божхона хизматида ходимларни қабул қилишда қаттиқ талаблар қўйилади. 1995 йил бошидан божхона идораларига ишга қабул қилиш тест синовлари асосида амалга оширила бошланди.

Тест синовларининг қатъий тартиб билан, демократик асосда ўтказилишини таъминлаш мақсадида 1995 йил 3 январда Давлат Солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармасининг 3-сонли буйруғи ишлаб чиқилди ҳамда тест синовларини ўтказиш тартибини белгилаб берувчи махсус низом ишлаб чиқилди. Янги хо-

дим бир йиллик синов муддатини ўтагандан кейингина божхонага қабул қилинади. Бундай ходимнинг юридик ва иқтисодий билим малакаси юқори даражада бўлишига алоҳида аҳамият берилади.

Агар 1993 йилнинг 1 январига қадар божхона идоралари сафида 465 нафар ўрта махсус ва олий маълумотли ҳуқуқшунос, 130 нафар олий маълумотли иқтисодчи, 79 нафар тилшунос хизмат қилган бўлса, ҳозирги кунда божхона органларида 446 нафар ҳуқуқшунос, 1089 нафар иқтисодчи, 576 нафар педагог, 743 нафар муҳандис, 391 нафар бошқа мутахассислар фаолият кўрсатмоқда.

Жаҳон мамлакатлари божхона хизмати тажрибасига асосланиб, 1994 йил сентябрь ойидан бошлаб биринчи марта божхона ходимларининг бир ойлик бошланғич тайёрлов курси ташкил этилди. Аммо бу қисқа муддатда етарли малака ҳосил қилиб бўлмайди. Шунга кўра ўқув курсларини узайтиш зарурати туғилди.

Давлат божхона қўмитаси Ўқув маркази ўз иш фаолиятини қуйидаги йўналишлар бўйича олиб борди:

— божхона хизматида янги қабул қилинган ходимларни бошланғич тайёргарликдан ўтказиш;

— ишлаётган ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

Бошланғич тайёргарлик курсида Давлат божхона қўмитаси Ўқув маркази ва Фарғонада ташкил этилган ўқув марказида 10 ой давомида минглаб божхона ходимлари бошланғич тайёргарликдан ўтди ва малака ошириш курсларида ўқиди. Ўқув марказлари божхона учун юқори малакали мутахассислар зарурлигини англаган ҳолда, марказда ўқув жараёнини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ривожланган мамлакатлар божхона хизматларининг ўқув масканларига қўйиладиган талабларга мувофиқ тарзда ташкил этди. 624 соат мобайнида тингловчилар божхона иши назарияси, амалиёти, жисмоний ва жанговар тайёргарликни ўрганадилар.

МЕНТАЛИТЕТ

ликни оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Статистик маълумотларга кўра, 2002 йилнинг 1 январигача республикада жами 1900 хўжалик ширкатларга айлантирилди. Бозор иқтисодиёти руҳиятининг таъсирида ёшлар, хусусан, қишлоқ ёшлари мураккаб шароитдан чиқишнинг асосий йўли меҳнатсеварлик ва тадбиркорлик эканлигини тушуниб етмоқдалар.

Ёшларнинг ҳозирги миграцион ҳаракатида бир-бирини тўлдирувчи икки тенденцияни кузатиш мумкин. Биринчи тенденция кўлами жиҳатидан анча кенг бўлиб, шаҳарларга яқин жойлашган қишлоқ ёшлари савдо-сотик ва турли хизмат кўрсатиш ишлари билан машғул бўладилар. Лекин бу фаолият мавсумий бўлиб, қишлоқ ёшлари орасидаги ишсизлик ҳолатини бирмунча енгиллатса-да, уни тўла бартараф этолмайди. Доимий касб-ҳунар эгаллаш истагида бўлган ёшларни эса вақтинчалик

иш билан шуғулланиш қаноатлантирмайди.

Шаҳарга интилаётганлар орасида аёлларнинг кўпчилиги миллий менталитетимиз келажиги тўғрисида жиддий ўйлаб кўришни тақозо этади. Миграцион жараёнда аёллар фаоллигининг ортишига қишлоқ хўжалиги меҳнатининг қўл кучига таяниши, унда асосан, аёллар банд бўлиб турганлиги ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Оғир меҳнат жараёнида аёллар фаоллигининг ошиши жамиятнинг маънавий, ахлоқий, оилавий, тарбиявий масалаларида улар тутиб келган салмоқли ўринга пўтур етказмоқдаки, бунинг натижасида миллий руҳият ва маънавиятда келгусида катта муаммолар юзага келиши мумкин.

Афсуски, хорижда ишлаш истагида юрган ёшларнинг аксарият кўпчилиги махсус маълумотга, касб-ҳунарга эга эмас. Уларнинг кўпи хорижий тилларни яхши билмайди. Бунинг устига улар нолегал ҳолда мамлакатдан чиқиб кетаётганликлари са-

бабли умуман ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган.

Республикаимизда фуқароларни хорижга ишга юбориш масаласини тартибга солиш учун махсус қонун, низом ва йўриқномалар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги жойларда шу масала билан шуғулланмоқда. Аммо бу агентлик ўз низомига кўра фуқароларни хорижга ишга юборишда, биринчи навбатда, унинг меҳнат дафтарчасига ва ҳозирда иш билан бандлигига эътибор беради. Шунга кўра доимий ишсиз ёшлар уларнинг хизматидан умуман фойдалана олмайди.

Ёшларни хорижга ишлаш учун юборишни ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш бўйича давлат томонидан кўшимча чора-тадбирлар кўришни давр тақозо этмоқда. Бу истиқболли жараёни кўллаб-қувватлашга ёшлар билан иш олиб борадиган жамоат ташкилотларини жалб этиш яхши самара бериши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, миграцион ҳаракатни ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий кўллаб-қувватлаш орқали қишлоқдаги ишсизлик муаммосини енгиллаштириш ҳамда меҳнат менталитетини замонавий технологиялар асосида ривожлантиришга эришилади.

Фарҳод ТУРҒУНБОЕВ,
Фарғона давлат университети
доценти

Шунга қарамай, божхона органларида етарли даражадаги касб маҳоратига эга бўлган ходимлар етишмайди. Божхона ходимлари малакасини узлуксиз равишда ошириб бориш мақсадида Давлат божхона кўмитаси ташаббуси билан Олий хўжалик илмгоҳи қошида кўшимча мутахассислик бўйича 2 йиллик курслар ташкил этилди. Бу курсларни 2002 йилга қадар 200 нафарга яқин ходимлар битириб чиқдилар. Бундан ташқари, 1994 йил ноябрь ойидан бошлаб, Ички ишлар вазирлиги Академиясида ташкил этилган бир ойлик курсда юздан ортиқ тергов олди суриштирув инспекторлари малака оширдилар.

Ўзбекистон Республикасининг кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ҳамда божхона органларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида 1998 йил 13 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Божхона коллежи ташкил этилди. Мазкур коллежга ҳарбийлаштирилган ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаси мақоми берилди.

Божхона коллежида курсантлар ўрта-махсус маълумотга эга бўлади. Коллеж курсантлари назарий таълим оладилар ҳамда амалиёт синовини ўташади. Ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ курсантлар уч йўналиш: ижтимоий, гуманитар, юридик ва махсус фанлар бўйича махсус тайёргарликни ўтайдилар. Коллежда, шунингдек, ҳар-

бий хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлик, қўл жангининг махсус усулларини эгаллаш ҳам кўзда тутилган.

Коллежда ўқув жараёнини ташкил этишда асосий ҳисобланмиш «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг «Божхона коллежида ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича Йўриқнома»лар асосида, божхона иши соҳаси бўйича ўрта-махсус касб-ҳунар таълим стандарти, мутахассисларни тайёрлаш сифати ва мазмунига доир талаблар аниқлаб олинди. Бироқ Божхона коллежи республика божхона хизматининг мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондира олмас эди. Шунинг билан олиб қолган ҳолда, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ишларини такомиллаштириш, республика божхона органлари учун мутахассисларни мақсадли тайёрлашнинг узлуксиз тизимини барпо этиш мақсадида 2001 йил 10 январда Ўзбекистон Республикаси солиқ ва божхона органлари Академияси ташкил этилди.

Академия негизини икки факультет — «Солиқлар ва солиқ солиш» ва «Божхона иши» ташкил этади. Академияда «Божхона назорати», «Ташқи иқтисодий фаолиятни божхона ва тарифлар билан тартибга со-

лиш», «Божхона органларида тезкор-қидирув фаолият», «Суриштирув, контрабанда, ва божхона қонунчилигини бузишларга қарши курашни ташкил этиш», «Солиқ ва солиқ солиш», «Бухгалтерия ҳисоботи», «Молия ва банк иши», «Иқтисодий фанлар», «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Ижтимоий гуманитар фанлар», «Юридик фанлар», «Чет тиллар», «Информатика асослари» кафедралари ташкил этилди. Шунингдек, божхона Академиясида жанговар ва ҳарбий хизмат, жисмоний тайёргарлик ва автомобиль кафедралари ҳам тузилди.

Жаҳон тажрибасида божхона хизматига бозор иқтисоди билан боғлиқ вазифалардан ташқари яна бир ўта масъулиятли вазифа — божхона чегараларини таъқиқланган буюмлар ва товарлар, гиёҳвандлик воситалари ва руҳиятга таъсир этувчи моддалар, қурол-яроғ, ўқ-дориларни қонунга ҳилоф равишда олиб ўтишдан ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган. Бунда божхона назорати учун кинология (махсус ўргатилган итлар ёрдамида излаш) хизматининг роли каттадир. Бугунги кунда кинология хизмати аниқ бир йўналишда божхона учун кинолог кадрлар етказиб берувчи янги бир таълим муассасасига айланди.

Ойбек ЗАЙНИДДИНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
тадқиқотчиси



Синдирилган қалам

Инсоннинг боши рўзгорнинг тоши, дейдилар кўпни кўрганлар. Баъзан кекса матбуотчилар ёки педагоглар билан учрашиб қолсанг, XX асрнинг 20-30-йилларида қалам тебратган устозларни эслашганда, айрим азиз зотлар ҳақида ачиниб «замонга сигмади» деб қўйишади. Гап «Ер юзи» ёки «Қизил Ўзбекистон» ҳақида борадиган бўлса, албатта, Аъзам Айюб, Санжар Сиддиқ, Абдулла Қамчинбек, Мамад Ҳасан каби журналистлар, ёзувчилар қатори Баҳром Ҳайдарий — Тўғрул номини ҳам ҳурмат билан тилга олишади.

Баҳром Ҳайдарий 20-йилларнинг охири, 30-йилларда «Ер юзи» журналида турли мавзуларда қалам тебратган ёзувчи ва шоирларимиздан биридир. У вақтини сира бекор ўтказмас, гоҳ санъат музейидан репортаж ёзса, гоҳ рус тилидан бирон бадиий асарни ўзбекчага ўғирар, шеър машқ қиларди. Аммо алғов-далғов давр, шафқатсиз тузум меваси — «қулоқ, тилчи»лар тегишли жойга Ҳайдарийнинг 1919-1921 йилларда Туркиянинг Трапезунд шаҳридаги ўқитувчилар семинариясида таҳсил олганини етказгандилар. Бироқ улар Ҳайдарийнинг ҳукумат рухсати билан қонуний равишда ватанига қайтиб келганидан беҳабар эдилар. Аммо НКВДчилар учун бунинг аҳамияти йўқ эди. Улар матбуотда кўпчиликнинг назарига тушиб улгурган Ҳайдарийни дарҳол қамаш фойда келтирмаслигини яхши билишарди. Шу боис уни силлиқина «Ўзбекино»га таржимон сифатида юбордилар. Матбуотдаги фаолияти юришмаётганини сезган Баҳром Ҳайдарий Ўрта Осиё давлат университетининг шарқ бўлимига ўқишга киради. Шу билан бирга Ўрта Осиё ирригация инженер ва техниклари институтида ўзбек тили ва адабиётидан дарс бера бошлайди. Институтда «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедрасини ташкил қилади. 1937 йил 15 ноябрда сабабсиз ишдан бўшатилади ва орадан бир ой ўтгач, қамоққа олинади. Гуноҳи Туркияда ўқигани... Ўн ой мобайнида давом этган калтаклаш, азоблашлардан сўнг Свердловск вилоятининг Тавда деган жойига, меҳнат тузатиш тутқунгоҳига сургун қилинади.

Тўғрул узоқ Сибирга жўнаш олдидан бир камерада ётган устози Абдурауф Фитратга кўнглидаги афсус-надоматни тўқади:

—Устоз, хотиним оғироёқ эди. Туғилади-

ган боламини кўра олмайдиган бўлдим-да!

— Укам, хафа бўлма, сенда гуноҳ йўқ. Худодо хоҳласа чиқиб кетасан. Агар хотининг ўғил туғса, номини Нажот деб қўйгин, агар қиз кўрсанг, Умида деб исм бер. Мендан эсдалик бўлсин.


У оиласига ёзган сўнги хатида устозининг илтимосини ёзиб чиқаради. Ушбу суҳбатдан кўп ўтмай у белгиланган тутқунгоҳга жўнатиб юборилади. Хотини ўғил кўргани, унинг отини устози Фитрат айтгандай, Нажот деб қўйилганини билиш учун ўн йил кутади. Орадан шунча вақт ўтгандан кейин, 1947 йил ноябрда Сирдарё вилоятининг Мирзачўл туманида яшаш учун рухсат олади. Аммо Тошкент шаҳрига келиб, фарзандини кўриш учун яна бир неча ой пойлайди. Ҳукумат идораларининг оstonасини ўпиб, ялиниб, ёлвориб тунда худди ўғридек келиб-кетиш учун рухсат олади. Шунга ҳам шуқур қилиб, 1948 йил, баҳор кунларидан бирида ярим кечаси уйига кириб келади. Тунда эшик тақиллашидан юраги ҳапқириб кетган аёли аллақанча вақт эшикни очолмай, довдираб, «Кимсиз?» саволини неча маротаба такрорлагач, қулоғига таниш овоз урилганини сезади. Қалби бесаранжом тепади. Эшикни очади-ю, озиб, чўпдек бўлиб қолган эрини кўриб йиғлаб юборади севинчидан. Сўнг тўғри ичкари бошлаб кириб, пиш-пиш ухлаб ётган ўн яшар Нажотнинг бошини силаб, елкасини қаттиқ-қаттиқ

силкитиб: «Ҳай, Нажот, тур, даданг келдилар», — дейди ўпкаси тўлиб. Умрида дадасини кўрмаган норасида уйқули кўзини йиртиб-очиб дадасига тикилади. Улар бир-бирининг бағирларига отиладилар.


...Ҳар ой тунда ана шу манзара такрорланарди. Аммо пешонасига ана шу ўғринча келиб-кетиш ҳам кўп кўрилди. Қаттол тузум, жоҳиллар, золимлар бошқаруви уни 1948 йил декабрида муддатини ўтаб, жазосини тортиб келганига қарамай илгариги гуноҳи учун яна қамоққа оладилар. Бир йилча азоблаб, сўроқ қилиб, яна сургунни раво кўрадилар. Бу гал Красноярск ўлкасининг Сухово қишлоғини лозим топадилар. Баҳром Ҳайдарий — Тўғрул шу қишлоқда 51 ёшида оила, фарзанд, Ватан соғинчида оламдан кўз юмди. Аммо унинг ижоди, Нажоти қолди...

Куйида унинг 1926 йили «Ер юзи» журнали 10-сонидан босилган «Кўргулик» ҳикояси эълон қилинмоқда.

Суратни **Комил ЖОНТОНОВ** ишлаган



Суратни **Илёс СУБҲОНОВ** ишлаган



Баҳром ХАЙДАРИЙ

КЎРГУЛИК...

Кичкина уйнинг бурчагидаги танчани бозиллатиб, синиқ курси устидаги чурук кўрпага ўралиб ўтирғон Турсунбобо кирли ип билан боғланган кўзайнагини оппоқ сочлари остида кўмилган бошига илаштирди-да, муқоваси ёғланиб, қорайган «Абу Муслим» китобини ўқий бошлади. «Абу Муслим» китобидан бошқа овунчоғи қолмаган Турсунбобо «Андоғ урдилар-ки гард-гард бўлди» деган ёзувларга кўзи тушгач, севинчидан кўзи оловлар ва сариқ гулли рўмоли билан айнаги остидан бармоқларини тикиб, кўз ва киприкларин артарди.

Олтмиш уч ёшини кечиб, маҳалласидигиларга пайғамбар оши берилган кечанинг ҳафтасида, иссиқ танчанинг бир томонида ўтириб ўқишдан толган Турсунбобо, энди ёнбошлай бошлагон эди, у дақиқада эски қадрдони Фулом сўфи эшикдан ҳассасини дўқиллатиб кириб келди.

Саломлашганларидан кейин, Норбўта аканинг унашилган қизига тўй келишини сўфи билдириб, шанба куни пешиндан кейин Турсунбобонинг боришини Норбўта ака томонидан сўради.

— Нор қизини кимга бермакчи бўлибдир?

— Бурҳон баззозга... Нор жуда яхши ўйлабдир. Бурҳон баззознинг икки хотини ўлуб олти боласи қолғон бўлса ҳам ҳаммаси эсини тониб қолишғон. Ўзи маҳалласида биринчи бадавлат бўлғон ўша баззозга қизининг унашилганига уч ойча ўтиб қолди. Энди бўлса узотилишга боқиб турадир. Бурҳон баззознинг таги асл, отабобоси кўрган, уни билмаган жуда оз. Сафар ойи кирса, атиги қирқ тўққиз ёшга борадир. Норнинг қизи анча ёрчиб қолар.

— Тоғин, қизимнинг бошига келган шўрликлар, Норнинг қизига ҳам тушмай ўлтурмасин?!

— Куёвингиз букчайиб қолғон бир чол эди дея, Норнинг эндиги куёви тетик, юзларига ажин кириб бўрушқон бўлмаса ҳам, сўзлари жойида, ҳали айнагани йўқ. Мен нима дедим, энди қирқ тўққизга борди, демадимми? Унта йигитдан кучли, унга теккан қиз жон дея. Ўзи бой, ҳовли-жойи, боғу даласи, попуқдек болалари бўлғондан кейин Нор унга бермасдан кимга берсин!..

Мана тўй бўлмасдан бурун икки қўй, уч пуд гуруч, бир тўн, салла — бир талай уйрўзғорлар бериб юборибдир. Норга анча яхши эмасми?! Қиз баззозга тегса, на қизга бир шўр, на Норга... ундан кўра кўша қарисин денг-гу... тўйга бориб, куйиқ фотиҳани бера беринг, Турсунбобо!

— Сўфи, айтган гапларинг жуда маслаҳатли, жуда яхши бу... «бирок»и бордее!..

Икки қизи қолиб, ўзи сил бўлиб ўлган қизимни ўн икки йил бундан бурун чикорғонда худдаки Норга ўхшаш бошим қотғон эди. Ақлдан адошқон эдим. Бугун бир баркаш ош, эртага бир лаган қовурдоқ, индин бир бош-оёқ сарпа юбора-юбора куёвим мени ўзига ром қилғон эди. Берган тортиқларига, юборғон совчиларининг сўзларига, ўзининг бойлигига қизиқдим-у, қизимни унашдим: тўй қилдим, бир неча кун ёғ ичида суздим-узотдим.

Тўй кетди-никоҳ куни кечаси, қизим чодирда эрини кўргандаёқ додлаб уйдаги хотинларнинг бағрига ўзини отган, ғамга ботган ва ҳушини йўқотган эди. Янгаларнинг алдашлари билан қизим бечора яна гўшангага кириб куёвимнинг чангалига босилди...

Кунлар, ойлар, ҳафталар-йилларча

кўнгилсиз бўлиб юрганидан кейин қизимнинг ранги саргайиб, юзлари, кўзлари ичига тортилиб кундан-кунга дармони кета бошлади. Бу орада бўйида бўлиб, бир қизнинг онаси (бир овунчоқнинг мафтуни) бўлди.

Болалик бўлганда севиндим, қизим энди тузалиб кетар, дедим. Эри ҳам бўлса урмас, тепмас, койимас, ҳайдамас-овуниб кетишар, дедим. Ейдурган таомларини ўлчаб бермас, кучлаб рўза туттирмас, дедим. Яъни ёш чақалокнинг хосияти билан куёвимнинг хасислиги, мурдорлиги йўқолур, дедим. Сабр этдим... бўлмади...

Қизим яна иккиқат... яна қиз... икки қиз. Бу сафар яна умидим тоғин ортди. Лекин куёвимнинг эски удуми борғон сари кучайди. Қизим бечорага кун бермади. Аввалчи бойлигига қизиқдим, кейин мени ва қизимни худо урди... куёвим яна ўн олти ёшлиқ бир қизга уйланди, тўртинчи бу.

Рўза ҳайити эди. Қизим отамни кўргим келади, деб бир болани юборибдир. Ҳассамга таяниб бордим. Қаригон чоғимда, ҳайит куни қизимни касал кўриб жуда кўнглим бузилиб кетди. Бағрида бир боласи, ёнида ўзга қизи, бири «аййа!» дейди, биттаси «мамма!» дейди. Ётқон қизимнинг қайғули кўзлари менга тикилган, гул юзлари сўлган. Кўриниши ҳасрат сочган Гулнорим, пўст боғлаган лабларини, каварган тиллари билан ҳўллаб бир нарсалар айтмакка уринар, лекин сариғ рангига қизиллик келиб яна тўхталар эди. Зўра сўзлади.

— Отажон, Эргаш қаёқда? — деди.

Қувватидан кетган, борлигини унутган, узоқ ва оғир кунларни кечириб ёстиққа бош қўйган Гулнор, ёшлик чоғидан буён кўкрагида сақланиб келган Эргашни бутун

умрида биринчи марта мендан сўрар экан, кўзлари, у паришон кўзлари жиқ-жиқ ёшларга тўлиб юмилган эди.

— Қайси Эргаш?

— Ўрознинг ўғли.

— Ўроз дехқоннинг ўғлими?

— Ҳа...

Эргаш отасига, оғасига этдириб, неча мартадан киши қўйган вақтларида имомимиз Аҳмаджон кенгаш бермасдан, қизимни ўзга бир бойга узотишимни сўраган эди.

У ёқ-бу ёқни ўйлаб, дарҳақиқат, мард, бообрўга берганим Эргашга чикорғонидан нима аъло, деган эдим. Энди билсам пулнинг кучи билан қизимни унга берганимдан хабарсиз қолган эканман.

Эргаш бўлса Қорасаройдаги эшоннинг ташқарисида оёғи кишанлар ичида валдираб ётарди.

Уша куни қизимнинг ҳалигидек сўроғига «Ҳа, савдода. Тўқмоққа қўй олиб келгани кетди», дедим. «Дехқончиликнинг мазаси кетганидан кейин қўйчиликка айланишиб кетган», дедим.

Қизимнинг кўнгли Эргашда эканини ул чоқ англаб, умримда биринчи марта бўлса-да, ёлғон сўзга киришдим.

Қизим толғон кўзларини бир очиб-юмиб оғирлик билан бошларини тўлғонтириб, «Отажон, икки қизимни сизга, сизни ва Эргашни худойимга топшираман», деб, жон талвасасида ётганида, куёвимнинг кейинги олган хотини ҳайит қилиб келган қизлар билан, мол ёйилғон уйда юзларига оқ тўр ёпиб, кулишганлари эшитилиб турар эди...

Нашрга тайёрловчи:
Сирожддин АҲМАД



Ҳайрат

чусуз неъмат

(Рассом қайдлари)

Ҳайратланиш— табиатдан биз олишимиз мумкин бўлган улур неъмат. Табиатдаги кичик бир буюм инсон тасаввурда бир дунё эртаксимон хаёллар сувратини яратиши мумкин. Ҳар бир санъат асарида табиат ва ҳаёт олдида катта ҳайрат ифодаланиши керак.

* * *

Онам мунгли газаллар ўқирдилар. Шоирнинг номини сўрасам— қисқа қилиб «Китобдан» дердилар. Балким шу онлар, балким «Калонхона» маҳалламиз, ёнимиздаги бозор ёки «Лабзак» кўчаси ва ундаги ўқувчилар саройи менда рассомлик иштиёқи туғилишига сабаб бўлгандир.

* * *

РLASTIK ART ибораси тасвирий санъат табиатига мосроқ. Модомики, шундай экан, тасвирий санъатнинг мақсади рассом олдида турган текисликни (қоғоз, мато, девор) гўзал шакллар ва ранглар мажмуаси орқали чиройли ташкил қила билишдир. Ва ҳар қандай мавзунини амалга ошириш борасида замондош рассом учун бу мақсад-муаммо, яъни шакл мазмуни бирламчидир.

* * *

Унсон ўзида пластикани кўра олиш қобилиятини ривожлантирмоғи керак. Тасвирий санъатнинг вазифаси тасвирлаш, дея биз асардаги пластика қонуниятларга берақ бўлиб қолдик.

* * *

Образни фотографик тарзда, айнан нусхасини матода акс эттириш ҳақиқий ижодкорнинг иши эмас. Натуранинг айнан иккинчи бир кўринишини яратиш учун рассом бўлиб туғилиш, ўқиш-ўрганиш шарт эмас. Бу вазифани техник воситалар орқали турли ракурс ва кўринишда фото санъати қойилмақом қилиб уддалаши мумкин. Демак, бу ҳолат санъат табиатига ҳам жавоб бермайди. Фото санъати ривожланган сари табиат ва одамларни рассом томонидан ҳар қанча зўр, аниқ ва олий даражада тасвирланиши ўз мазмунини йўқота боради. «Тасвирий санъат» атамаси эскирган ва ноўриндир.

* * *

Шундай рассомлар борки, улар ҳеч қаерда ўқимаганлар— дилетантлар, лекин уларда аниқ сезги ва ўткир фикр юритиш қобилияти кучли бўлиб, бир текисда бўлмаса ҳам, ўз ижодларида хоҳлаган гоёни ифода эта олганлар.

* * *

Композиция — текисликдаги шакл ва рангларни ўзаро бетўхтов солиштирилиши ва таққосланишидир. Ижодкор ишини тарозибон ёки олимнинг ишига ўхшатиш мумкин.

Рассом олий математика мисолларини ечаётгандек, олдидаги текисликда мислсиз кўп комбинациялар ечимини шакл, чизгилар, ранг орқали топади. Ечим қанча гўзал ва аниқ ҳал этилса, асар ҳам шунча мукамал ва гўзал яратилган бўлади. Буюк режани амалга ошириш бобида ижодкор, авваламбор, новатор бўлмоғи лозим. У атрофдаги санъаткорлар анъаналаридан фарқли ўлароқ, янги руҳни ифода этиш учун, янги шакллар ихтиро этиши керак ва бу ифода усуллари илгари кузатилмаган бўлмоғи лозим.

* * *

Эшинг улғайган сари ўйлаган образинг билан чизаётган асаринг ораси узоклашади ва қоникмаслик кучаяди. Ёшлиқда ҳар қандай мақсад осон ечиларди. Улғайганинг сари, санъатинг олдидаги мақсад мураккаблашади ва санъатнинг туб моҳияти ва табиатини тушунганинг сари унинг ечими ҳам қийинлашади.

* * *

Она-Ватанинг чизги ва рангларини йиллар давомида ўрганиб, айниқса, ўтмиш аждодларимиздан қолган, тенги йўқ халқ амалий санъати ва ажойиб миниатюраларимизни ўзлаштирибгина тўла миллий санъат яратиш мумкин.

* * *

Французлар, хусусан, Э.Дега аёлни елка қашиётганими, рёк юваётганими ёки ваннада сочиқ ила артинаётганими, хуллас, ўта кичик маиший ҳолатларни расмда катта санъат даражасига кўтара олган.

* * *

Каламтасвир техникаси — рассомнинг қалб кўри, кўнглидан ўрин олган режаларини, руҳини қоғозга ифода этишнинг энг қисқа йўли, ижодкор асабий бармоқлари орқали бу вазифани оддий қилқаламда бажаради ва ушбу жараёнда рассом хоҳласа, (худди камончининг камонидек) чизикни титратади, қалин ёки қилқалам чизги бера олади.

* * *


Реализм фотографизм эмас. Улуғ рассомларнинг асарларида сюжет ва мазмун адабий усул орқали ҳикояланмаган, балки пластика орқали ифода этилган. Шунинг учун ҳам ушбу асарлар ҳақида сўзлаш қийин, сабаби улардаги мақсад бу пластика — шакллар муносабати, чизгилар уйғунлигидир.

* * *

Уингиз ака айтган эдилар: агар буюк Рембрандни тушунмоқчи бўлсанг, рассомнинг Эрмитаждаги «Дайди боланинг қайтиши» асаридаги боласини кучоқлаб турган ота қўлларининг асабий титроқ ҳолатини кузат.




“Қатағон қурбонлари хотираси” музеи





*Халқ — қахрамон, халқ хотираси
олдида доимо бош эгамиз...
Ислом КАРИМОВ*





Бу йил жонажон мамлакатимизда яна бир муҳим сана — Нукус шаҳрининг Қорақалпоғистон Республикаси маркази (ўройи) қилиб белгиланганининг 70 йиллиги кенг нишонланмоқда. Дарҳақиқат, Нукус шаҳри бугунги кунда нафақат Қорақалпоғистонда, балки Ўзбекистонда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган саноат марказларидан. Айниқса мустақиллик йилларида Нукус кундан-кунга чирой очиб, мамлакатимизнинг энг гўзал, энг манзур гўшаларидан бирига айланаётир. Шу маънода Нукуснинг Қорақалпоғистон Республикаси ўройи қилиб белгиланишининг 70 йиллик байрами — қорақалпоқ ва ўзбек халқини, мамлакатимиздаги барча меҳнаткашларни қувонтирмоқда, янги-янги, ташаббускорона меҳнатларга ундамоқда.

Шу ўринда қисқагина мулоҳаза юритиб кўрайлик. Хўш, пойтахт қилиб белгилангани (1932 йил, апрель)дан буён ўтган вақт ичида Нукус қай жиҳатлари ила мамлакатимизнинг илғор, маданият, саноат ривожланган шаҳарларидан бирига айланди? Демак, шу ўринда энди озгина тарихга, жўғрофияга мурожаат қиламиз...

Шаҳар ичидаги Шўрча даҳасида, айтишларича, жуда қадимий кўрғоннинг ўрни бўлган. Археологлар ҳозирча бу манзилдаги қадимий ҳаёт изларини эраимиздан аввалги IV асрларга тааллуқли деб тахмин қиладилар. Нима бўлганда ҳам, Нукус шаҳри жойлашган географик ўрин қадим-қадим замонларданок одамлар учун яшашга қулай қўналга бўлганлиги аниқ. Ёзма манбаларда Нукуснинг аҳоли яшайдиган манзил сифатида тилга олиниши тахминан XVIII асрга, яъни бундан 220-250 йиллар аввалги саналарга тўғри келади. Тахминан деб айтаётганимизнинг сабаби шуки, айнан 1700 йиллардан бошлаб рус матбуотида, айғоқчи олимлар тўплаган маълумотларда Нукус қўналғаси (овули дейлик) босқинчи чоризм амалдорларию олий мансабли шахсларини қизиқтира бошлаган эди, дейиш мумкин. Ҳа, бир томони ҳайҳотдай Қизилқумга, бир томони эса ваҳимали Қорақумга туташиб кетган воҳага суқилиб киришда бу кичкинагина қорақалпоқ овули рус зобитлари ва аскарлари учун дам олиш қўналғаси сифатида, отларга ем-хашак тўплаб олишга, ювиниб-чайиниб, яна йўлни давом эттираверишда, захира сувлари ғамлаб олишда жуда асқотиши турган гап эди. Ҳар ҳолда, 1873 йил Хива хонлигини забт этган рус аскарларининг шимолдан (Каспий ва Орол денгизлари томондан) босиб келган қисмларидаги хариталарда Нукус овули нажотбахш манзил сифатида бўрттирилган ҳолда белгилаб қўйилганлиги шубҳасиз. Дарвоқе, Хива хонлиги ҳақида ўша даврларда хуфия маълумотлар тўплаган рус айғоқчи-олиmlари — А.Кун, Л.Соболёв, полковник Иванов, ёзувчи-рассом Н.Каразин, ҳатто европалик саёҳатчилар Элизе Реклю, В.Г. Лансдалларнинг чоп қилинган мақолаларида, хўжайинларига юборган хабарларида юқоридаги фикрларимиз ўзининг ёрқин ифодасини топган, деб айта оламиз. Маълум бўладики,

103 хўжалик — ўтовдан иборат бўлган Кенегес-Нукус овули (А.Кун маълумоти) ҳарбий-стратегик, жўғрофий, маиший жиҳатларидан ҳам ўша пайтларда Хива хонлигида муҳим ўрин тутган аҳоли манзилгоҳи бўлган.

Бу тарихдан кичкинагина бир шингил, холос. Ҳолбуки, бу манзил шундан кейинги йилларда ҳам, ағдар-тўнтар замонларда ҳам ўзининг муҳим аҳамиятини, ўрнини сақлаб кела олди. Оловли 20-йилларда золим босқинчи Шайдаков галалари, улардан кам ваҳшийликлар қилмаган Хонжунайд чопқинлари нукусликлар бошига не-не мусибатли кунларни солмади, дейсиз? Яхшиям, тарих сапқонидан фақат тош отилавермай, зар ҳам сочилган пайтлар етиб келди — XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида Нукус шаҳри тарихида олтин ҳарфлар билан ёзилган буюк воқеалар рўй берди, яъни Нукус мустақил Ўзбекистон таркибидаги мустақил Қорақалпоғистоннинг хур пойтахти сифатида қайта туғилди, гуллаб-яшнаётган шаҳарга айланди. Бугун Нукусда бўлсангиз, танимайсиз. Гўзал бино ва иншоотлар, замонавий супермаркету банк бинолари, амфитеатрлар, музейлар, қурилаётган ва ишга тушган янги объектларга боқиб анграйиб қоласиз! Машҳур қорақалпоқ адиби Ўрозбой Абдурахмонов ёзда Тошкентга келганида шундай деган эди: «Ҳозир Нукус шунчалик фаровонлашиб, кўрк очиб кетдики, шаҳарда сўнгги икки-уч йил ичида қурилган бинолар қўшни мамлакатларда сўнгги ўн йилларда қурилганидан ҳам кўпроқдир-ов!..»

Бугина эмас, бугунги Нукусни биз чин маънода байналмилал дўстлик, аҳиллик ва биродарлик шаҳри деб ғурур билан айта оламиз. Нукусда яшаётган 255,8 минг нуфузли аҳолининг 103,2 минги — қорақалпоқлар, 15,3 минги — ўзбеклар, 61,2 минги — қозоқлар, 11,9 минги — русийзабонлар, 64,2 минги бошқа миллат вакиллари ҳисобланади. Буниям қўйиб туриш, Нукус шаҳрини — нурли келажакка умид кўзларини тиккан бахтиёр ёшлар шаҳри десангиз — яна ютасиз! Қўйидаги бир фактни айтсам, завқингиз яна ошади: ўтган йили Нукус шаҳрида мактабни битириб чиққан 2669 нафар йигит-қизнинг 1789 нафари мамлакатимиздаги турли хил олий ўқув юртига ўқишга кирганлар! Қувонмайсизми?! Беихтиёр юртбошимиз Ислон Каримовнинг 2002 йил май ойи бошларида Нукусга борган чоғида айтган қўйидаги сўзлари нақадар ҳаққоний, нақадар башоратомуз эканлиги ёдга тушади. Президентимиз ўшанда шундай деган эдилар: «Шуни алоҳида қувонч билан айтиш лозимки, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, қорақалпоқ диёрида ҳам бугун минглаб истеъдодли ва фидойи ёшлар вояга етмоқда». Юртбошимиз ўша нутқларида яна шуни таъкидладиларки: «Қандай қийинчилик бўлмасин, ўз юртига содиқ қолиб, ўз ерини севиб-ардоқлаб, мардона меҳнат қилаётган мана шундай беназир истеъдодларни вояга етказётган қорақалпоқ халқига ҳар қанча тасанно айтсанг, арзийди, албатта».

Ҳа, қорақалпоқ халқи юртбошимизнинг

чуқур ишонч ила айтган сўзларини жону дилларига тугиб олиб, кўтаринки кайфият билан меҳнат қилмоқдалар, буюк келажак пойдеворини яратмоқдалар. Бугун ўзининг ўройи сифатидаги 70 йиллигини муносиб кутиб олаётган Нукус шаҳри яқин йиллар ичида янада гўзаллашиб кетишига, кўрку таровати жаҳоний миқёс касб этишига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

**Тўйинг муборак бўлсин, Нукус!
Минг-минг йиллар яша!**

Музаффар АҲМАД

Бойниёз ҚАИПНАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири

НУКУС

Тепангда нур сочар бахтинг қуёши,
Тупроғингда дўстлик меҳригиёси,
Бизда бул ажойиб давроннинг боши,
Мустақил Ватанда эркинсан, Нукус!

Богларинг — гулҳумор кўнглимни тортар,
Девона қалб сени соғиниб қайтар,
Сенга яна ихлос, соғинчим ортар,
Бориб қолсам бошқа шаҳарга, Нукус!

Икки томонингда ўрмон тебранар,
Қай шаҳар у ободлиқда тенг келар?
Кокиллари ювиб тўлқин эркалар,
Аму соҳилининг кўркисан, Нукус!

Чўлларни гуллатган жаннат тарафда,
Ўз бахтинг кўз-кўзлаб турибсан сафда,
Тарихан қисқача, озгина вақтда,
Ўсган манзилларнинг бирисан, Нукус!

Турган ери қумлар ичи деса ҳам,
Кўпдир ҳали қилар иши деса ҳам,
Кўрганларга паст туюлиб турсанг ҳам,
Менинг хаёлимда йириксан, Нукус!

Дастлабки кунларинг айласам қиёс,
Тикланганда сенга пойдевор, асос,
Юксала бошладинг бамисли қуёш,
Мардларнинг меҳр берган гулисан, Нукус!


Тонгда ишга чиқар йигитлар, қизлар,
Чорлайди уларни дастгоҳлар, ВУЗлар,
Кўркиннга қарашар кўқда юлдузлар,
Ўзинг ҳам юлдуздай яшнайсан, Нукус!

Амфитеатр, банклар — кўрсанг ўй солар,
Иншоот, саройлар кўзингни олар,
Янги уйлар кўкка бўй тиклаб борар,
Ҳали осмонларга ўрлайсан, Нукус!

Мен кўчага чиқсам кўнглим завқланар,
Завод, корхоналар ишга чақирар,
Навқирон шаҳарсан, бахтинг барқ урар,
Кучингга куч тўлиб гурлайсан, Нукус!

Бугун қоқ ўртангдан темир йўл ўтар,
Тошлиқ, Тахиатош туташиб кетар,
Нуқсонинг қолмайди, барчаси битар,
Фаровон бўласан, гуллайсан, Нукус!

ҚОРАҚАЛПОҚЛАРНИНГ ТЎЗАЛ ЎРОЙИ



Фотосурат муаллифи Анатолий ВАШТЕЙН

Ноқобил сиёсат асорати



Санжар ДАВЛЕТОВ,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Маънавий-маърифий ишлар бўлими бошлиғи

М устамлакачилик даврининг 70-80 йиллари давомида Қуйи Амударё худудида вужудга келган носоғлом экологик вазият худуднинг демографик жараёнларига таъсир ўтказмай қолмади. Демографик жараёнлар бу шундай бир яхлит мажмуаки, у бевосита жамиятда аҳоли саломатлиги, аҳолининг турмуш тарзи ва унинг шарт-шароитлари, миграцион жараёнлар, аҳолининг кўпайиши, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, урбанизация жараёнлари каби омиллар асосида шаклланиши сабаб, сўнгги чорак аср давомида Қуйи Амударё худудида юзага келган вазият маълум маънода ушбу жараёнларга ўз таъсирини ўтказган эди.

Маълумки, экологик мувозанатнинг бузилишига қадар худуд ўзининг табиати, дам олиш масканлари билан ажралиб турар эди. Масалан, бугунги кунда экологик фожианинг ўчоғига айланиб қолган Мўйноқ шаҳрида 1973-1982 йилларда дам олиш масканларида ҳар йили 20 минг киши ҳордиқ чиқарган. Эндиликда бу масканлар ўз фаолиятини тўхтатган. Бунинг натижасида Қорақалпоғистонга ҳар йили 8 миллион сўм зарар етган.

Худуд аҳолисининг турмуш шароити эса йилдан-йилга оғирлашиб борди. Жумладан, Қорақалпоғистондаги колхоз ва совхозларда талаб даражасидаги битта ҳам ҳаммом, Нукусдан ташқари ҳеч бир шаҳар ва қишлоқларда канализация тармоқлари йўқ эди. Бу ҳолат, шубҳасиз, шаҳар ва қишлоқларнинг эпидемиологик аҳолига салбий таъсир кўрсатди. Бу даврда аҳолининг ижтимоий аҳолини бошқа худудлар билан таққослаб кўрилса, анча паст даражада эди. Умуман олганда, Қуйи Амударё худудида ишлаб чиқариш маҳсулотлари дўконларда йўқ бўлганлиги сабабли бозорлардан харид қилинган ва уларнинг баҳоси барқарор бўлмай, доимий ўсиб турган. Кўпгина маҳсулотларни дўконлардан тополмаган аҳоли уларни бозорлардан 2-3 баравар юқори нархда сотиб олишга мажбур бўлган.

Шўролар даврининг сўнгги 10 йилида Қуйи Амударё худудида аҳолининг иш билан бандлиги масаласи ҳам кескин тус олди. Маълумки, бу худудда Ўзбекистондаги сингари аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқларда яшайди ва деҳқончилик билан шуғулланади. Республика аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи 25 ёшгача бўлганларни ташкил қилгани ҳолда халқ хўжалиги олдида кўплаб муаммоларни кўндаланг қўярди. Афсуски, 1970-78 йиллар ўрталарига

қадар бўлган даврда халқ хўжалигини ривожлантириш ва ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришнинг узоқ муддатли мўлжалланган лойиҳа ва режаларига тўғри баҳо берилмади. Бу эса капитал маблағларнинг нотўғри тақсимланишига, халқ хўжалиги таркибининг номуносиблигига ва пировард натижада ижтимоий қашшоқлашувга сабаб бўлди.

Орол бўйидаги экологик фожа аҳоли саломатлигини жуда катта хавф остида қолдирди. Минтақада вужудга келган вазият ерли халқ аҳолини ниҳоятда танг қилиб қўйди. Бу ерда турли хил касалликлар авж олди, айниқса, ёш болалар ўлими жуда кўпайди. 1970-80 йиллар давомида Қуйи Амударёда ўлим даражаси собиқ иттифоқ кўрсаткичидан 2-3 баробар ортди. 1986 йилда болалар ўлими ҳар минг кишига 71,5 кишини ташкил қилди (айрим туманларда 90-113 киши). Хоразм вилоятида эса тиббий кўрикдан ўтган бир миллион одамдан 283965 нафаригина (28,4 фоиз) соғлом бўлиб чиқди, 335752 нафари (34 фоиз) турли сурункали касалликларга йўлиққан ва 373742 нафарига (37,4 фоиз) даволаниш курсидан ўтиш таклиф этилган.

Экологик шароитларнинг, хусусан, ичимлик сувини таъминлашнинг ёмонлашуви натижасида худудда санитар-эпидемиологик вазият кескинлашиб кетдики, бу ҳақда Қорақалпоғистонда ўтказилган диспансеризация маълумотлари гувоҳлик беради.

Диспансеризация вақтида кўрикдан

ўтган ҳар 3 кишидан 2 таси касал бўлиб чиқди...

1980-1986 йиллар орасида буйракка тош йиғилиш касаллигига чалинганлар сони ўн марта, сурункали ошқозон касаллиги 3 баробар, артроз-артрит билан касалланганлар сони 3,7 марта кўпайди. Юқумли касалликлар билан, айниқса, сил билан оғриганлар сўнгги ўн йил ичида 2 мартага ошди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги сингари Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалигининг ҳам пахтага мослаштирилиши деҳқончиликнинг кимёлаштирилишига кенг йўл очиб берди. Бундан қишлоқ хўжалигида нотўғри фойдаланиш оқибатида кишиларнинг саломатлигига катта хавф солинди. Кейинги даврларга келиб, ҳар йили республикамиз қишлоқ хўжалигида 100 минг тоннага яқин заҳарли химикатлар ишлатилган.

Хулоса қиладиган бўлсак, Шўролар даврининг сўнгги чорагида Қуйи Амударё худудидаги экологик вазиятнинг янада кескинлашиб бориши, қолаверса, ўша даврдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар ва, ниҳоят, шўролар ҳукуматининг олиб борган ноқобил сиёсати катта салбий оқибатларга олиб келди ва ўзида турмушдаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитни, турмуш тарзи, хўжалик фаолиятидаги ўзгаришлар, аҳоли саломатлиги ва бошқа омилларни мужассамлаштирган демографик жараёнларга салбий таъсир кўрсатди.



Фотосурат муаллифи Абдугани ЖУМАЕВ

(хисса)

14

Эртаси нақ шанба — зиёфат-ўтиришни шу беминнат кунга белгилаган эдилар... Бўри Қора бу қарорни эслагач, ишдан бўшаб кетаётганига қайта бошдан инонгандек мубҳам тортиб, боғни бир кезгиси келди. Ахир, ўттизинчи йиллардан қолган ичкариги кенг, ҳайҳотдек тоқзор ва олмазор боғнинг тубдан янгиланишига Бўри Қоранинг ҳам ҳиссаси қўшилган: бу ердаги сара анорларни Дашнободдан, ўн тупча хурмони Деновдан атай олиб келтирган эди. Рост, ўзининг уйидаги чорбоғини ҳам унутмаган эди...

Бўри Қоранинг боққа киришга ҳам дафъатан юраги дов бермай қолди: назарида, кейин келиб бафуржа томоша қиладигандек эди. Ва негадир бу ердан тезроқ чиқиб кетгиси келардики, кетди ҳам... Дарвозасидан кирганида, томоғидан ҳик-ҳик этган товуш эшитилар, унинг йиғлагиси келарди: нега энди?

Бошлиқ бўлишга қизиқиб кетиб, бир умр милиция меҳвари бўламан, деб юрмаган эди-ку?

Буни жуда ўхшатиб ҳам айтди-ку...

Энди чидагин-да: тишингни тишингга бос... Ҳа ана, эрмагинг: боғинг! Ундан ўнгроқда гўзал тулпоринг бор: ўшанга урадиган эгаринг энди сен учун — амал, курсувси — бўлғуси тахт...

Тагин бегонасираб кетган ўғилларинг, невараларинг борки...

Шу алфозда, шу тахлит изтироблардан кейин болохонага зинадан кўтарилган Бўри Қора шундоқ ойнабанд девор остидаги телефон трубкасини кўтарди-ю, ўғилларидан бирортасининг ҳам телефон рақамини билмаслигига иқрор бўлди.

— Энаси! — деб бақирди. Бўри Қора меҳмонхона эшиги оғзида қийшайиб турган хотинини кўрмагани каби шабқур аёл ҳам эрини аниқ кўролмаётган эди.

— Шу ердаман, — деди.

— Болаларнинг телефони керак... Топ! Шошма! Эртага меҳмон босади уйингни! Казо-казолар келишади. — Ўйланиб, илова қилди: — Мен истеъфога чиқаётиман.

— У нима деганингиз?

— Эртага биласан... Носирнинг уйида телефон бор-ку, номери неча эди?

— Ўша ердаги дафтарчада бор.

Шу пайт Носир полвоннинг ўзи, бўрини изласанг қулоғи кўринади, деганларидек келиб қолди. Бир қўлтигида бир боғ барра беда, бирида емтўрвадек халта бор эди.

— Э, келдингми, ука? — деб қарши олди Бўри Қора. — Акмалнинг телефонини биласанми?

— Ректорнингми?

— Шуни-да.

— Уйини топиб бораман-у, телефонини Олчинбой билмаса, билмадим...

— Ҳа, Олчин керак. Сен Чиборнинг олдига ўтабер. Мен ҳам ҳозир бораман... Шунча одам келар экан, тўй бўп кетади-ку, чўрт! Ким уларнинг хизматини қиламан, деб кўзи учиб турибди. Хизматкорларни ресторандан чақиришадими, ошхонаданми...

Шунда бирдан ўзини тийди: «Шошма, уларнинг қўйини обқоламан. Серкаси етади. Қўйни, қўйни Акмалга юбораман... Йўқ, ўзим обораман. Ҳа, ўзим! Ахир, энди бўшман-ку».

Алалхусус, Олчинбой бирон соатдан кейин бир жуфт гижинглаган курсантни эргаштириб келди: кейин ҳовлини тозалаш, супуриб-сидириш бошланди. Ҳаво яхши, кечки куз ҳавоси эса-да, осмон булутсиз эди... Кенг бедапояга жой қилинди: жамоат ошхонасининг бир хонасини ёпиб, жами стол-стуллари олиб келтирилди.

Ошпазликни ҳам Носир бўйнига олгач, Олчинбой устозининг Акмал ва қўй ҳақидаги мулоҳазасини эшитиб, юз фоиз маъқуллади. Ва мийиғида жилмайиб:

— Ташаббускор прокурор жаноблари ҳам келиб қоладилар, — деди. — Ҳалиям менинг юзимга қаролмайди... Досьени кўлига бергансиз-а?

— Кўлига.

— Бир ҳисобда шу бечоранинг айби йўқ десаям бўлади, — деб давом этди Олчинбой. — Ҳушомадгўйларга ишонган-да...

— Бўлди. Қўй бу гапларни. Эсламаям, эслатмаям. Орадан бу гаплар ўтгани йўқ, тамом-вассалом.

— Вассалом... Э, ана ўзиям келиб қолди. Пастда чайқалиб турибди. Охири ичкилик шу боланинг бошига етади...

— Яхши ният қил, уям бировларнинг фарзанди!

Прокурор ёлғизмас экан. Бекатдаги буфетчининг ўзи бир яшик

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)



ЙИЛЛИ

ароқни кўтариб, дарвозадан кирди...

Қош қораймасдан бурун ваъда қилинган қўй билан семизгина серка ҳам қурбонликка тайёр ҳолда олиб келтирилдики, Бўри Қора уларни кўриши ҳамон иккисининг ҳам сўйилишини увол, деб топди. Демак, қўйни ҳам, серкани ҳам алмаштиради. Албатта, алмаштиради ўзининг майда-чуйда молларига...

Шундай қилиб, эртаси куни кечки соат бешларда ўтириш бошланди: узун столда ҳўл мевалар йўғи йўқ. Қуруғидан — қоқидан ҳам сероб: майиз, кишмиш, pista, бодом дегандай... «Тошкент сув»лари ҳам тизилиб кетган.

Такхона биқинидаги гаражга ўхшаш жойда ўчоқ қурилди...
Ўтиришда район партия комитетининг идеология котиби ҳам бўлди. Бу — юморинга ўхшаш, мухбирликдан чиққан, райкомда лекторлар жамоасининг ҳам бошлиғи бўлган маҳмадона киши — айни чоғда ўта пухта-пишиқ эди.

Гап шундаки, кейинроқ маълум бўлишича, Бўри Қоранинг биринчидан, амални тарк этиши кутилмаган ҳол бўлгани, иккинчидан, уларни хавотирга солажак айрим ҳоллар ҳам амалга ошмаганидан бағоят мамнун эдилар. Яъники, маълумингиз, ўшанда ҳам, ҳозир ҳам шундай бўлса керак: бирон-бир амалдор ишдан кетажаниги бир кун олдин билиб қолса ҳам анча-мунча ишларни тескари қилиб юбориши мумкин: масалан, ўзидан пастроқ амалдагиларни бир буйруқ ила алмаштириш ёки ишдан бўшатишни ёки амалга кўтариш... Қолаверса, бу жараёнда ишонувчан-гўсхўр одамлардан қуруқ ваъдалар ҳисобига анча-мунча пора олиш ҳам мумкин...

Туман ҳокимияти ҳисобланмиш район партия комитетининг фикрича, Бўри Қора бундай ишларни ўйламаган бўлиб чиқди.

Шунинг учун раҳбарлару вилоятдан келиб ишни текширишдан қўли совган вакиллар иштирокидаги базм Маданият уйдан чақирилган ерлик ҳаваскорлару ерлик бахшининг нағмалари ила бошланди. Идеология котиби Бўри Қорани таърифлаб узун ва шиддатли нутқ сўзладиди, уни қуйида келтирилса, ўнлаб саҳифаларга жой бўлади. Аммо моҳияти — Бўри Қорага тан берилиши, унинг виждонан қилган ишлари давом этажаниги, унга қарилган гаштини суриш бобида тинчлик ва хотиржамлик тилаш, вақт-вақти билан милициядан хабар олиб туриши ва ёшларга насиҳат қилиши, қолаверса, райкомнинг «район халқини коммунистик руҳда тарбия қилиш», демак, эскиликка қарши курашиш йўриқларида ҳам Бўри Қоранинг шикоят-аризаларини вақтида ҳал этиш, бу масалада ҳар қанча қийинчилик туғилмасин (масалан, йироқ-йироқ тоғ қишлоқларига қатнаш...), уларни енгишда кўрсатган жасоратларидан ҳикоя қилиши ва ҳоказо «наказ»лардан иборат эди.

Гапнинг нафсиламрини айтганда, бошқаларнинг кейинги қадаҳ сўзлари ҳам шу йўсин бўлди...

Шўрва, кабоб ҳам кетди-ю, лекин ичкилик ариқ бўлиб оқди, дейиш мумкин.

Буфетдаги заҳиралар ҳам ташилди... Табиий, даврада энг олдин ёш прокурор кайф қилди. Аммо Олчинбой уни бироз айлантриб ҳамда Чибор тойчоқни кўрсатиб келгач, прокурорнинг кўзи қайтадан очилди, тили ҳам ечилиб кетди.

Бўри Қорани кўлтиқлаб (Бўри Қора деярли ичмасдан ўтирар ва жамоани гашлик ила томоша қиларди) Чибор боғлиқ турган кўра тарафга торти-ю, сабри чидамай ярим йўлда оби дийда қила бошлади:

— Мен соддаман, отахон... Мен жуда соддаман! Институтдаям айтишар эди, сендан адакат чикиши мумкин, деб. Лекин вилоятдаги битта оғамнинг мўйлови билан бу ерга келиб қолдим. Хурсанд бўлдим, аммо... Бизнинг тоғлар этагидаги район, районимиз...

— Қуролбой, нима демоқчисиз, иним? — деб сўради Бўри Қора: чиндан ҳам унинг сирларини билгиси келар, илло, улардан сал нарироқда Олчинбой кўринар, турган гапки, булар орасидаги суҳбат мазмунидан воқиф бўлишни истар эди.

— Нима демоқчисан? — деди ёш прокурор. — Демоқчиманки, менга ёрдам берган одамларни ўзимга ўхшатибман. Мисол учун, тўрт хонали уйимни текинга ремонт қилиб беришди. Ўзлари қилишди... Ана, адвакатлар канторасининг бошлиғи бор-ку? Чақирмабсиз-да... Майли. Ўша кал одам бошлаб келди қурилиш трестидан бир амалдорни... Ҳатто дарвозагача ўшалар қуриб беришди...

— Хўш? — хўмайиб ва хурпайиб кетди Бўри Қора. — Сизга ёқиб кетди-а, текинга қилиб берилган у ишлар?

— Оғажон, кимга ёқмайди?
— Хўш, сизнинг энди улардан тилингиз қисқ бўлиб қолди... Ҳим, муттаҳам бўлиб қолганингизга тан берасизми?

— Ҳа, энди, досьени ўқганимдан кейин кўзим очилди... Кўрқиблар кетдим. Оғажон, ростини айтинг, сизга ким берган эди уни? Сиз коллективни яхши биласиз.

— Вақти келганда унинг кимлигини ўзингиз билиб оласиз. — Бўри

Қора бирдан асабий хўрсинди: бедов тойчоққа ачинган каби ушлаб: — Камроқ ич, хўпми? — деди.

— О, оғамсиз, — деб Бўри Қорани кучоқлади ёш прокурор. — Менинг энг катта хатоимни топиб айтдингиз... Хўп денг. Мен тан оламан. Мен институтдаёқ ўрганиб қолган эдим ичкиликка... Йўқ, алкаш эмасман. Бироқ хумори тутиб туради...

— Тавба.
— Шундай, оғажон. Мени, биласизми, мен кимман аслида?... Хув ибтидоий одамлар бўлган-ку? Киноларда кўргансиз: ҳиндулар... Ҳа, улар энг покиза, тўғри, мард одамлар бўлганлар. Аммо уларнинг бир нуқсонини — оқ танлилар олиб борган вискига ўрганиб қолганларида. Виски уларни хароб қилди. Нимага? Чунки уларда ичкиликка қарши курашадиган иммунитет йўқ эди...

— Сиздаям йўқ, шундайми?
— Шундай бўлиб чиқади-да, оғажон... Ана, тойчоғингизнинг маконида туғилиб ўсган содда, тўпори йигитман...

— Бўпти, юринг, даврага борайлик. Ҳамма бизга қараяпти...
— Аммо-лекин, оғажон, мен совет сиёсатини, хўш, совет кишии деган номимни ҳамма вақт шараф билан оқлаб юраман. Ичкиликни ташлайман, тамом.

— Бу бошқа гап.
— Бироқ мен аслидаям ёмон одаммасман...
— Юр, юр!

Ёш прокурор бунда тўпланганлар орасида «ола қарға» эди, дейиш мумкин, албатта: буни ҳамма сезиб-билиб турар ва, афтидан, йигитчанинг истиқболи у қадар порлоқ эмаслигини-да бемалол башорат қилишар эди.

Меҳмонлар кеч тарқалишди. Тарқалиш олдидан этакдаги гараж чирогини ёқтиришиб, Чибор-Гижингтойни хўб томоша қилган бўлишди ва унинг истиқболда ўзгир бир кўпкарчи тулпор бўлажаниги иккиланмасдан башорат қилишди. Табиийки, уларнинг кўзлари тойни аниқ кўрмас, той тўғрисида билган, эшитган ва тусмолланган гапларни айтишар эди. Тойчоқ эса бу маст-аласт одамларни кўриб турар, кўзлари ловуллар, тепинар, пишқирав ва кўрадан чиқиб кетгиси келарди: балки ароқнинг ҳидини кўтара олмайгандир...

15

Бўри Қорани дафъатан хўшёр юришга ундаш баробарида дамо-дам изтиробга солиб турган нарса — унга бирон-бир кимсанинг ачинмагани, ачиниши сезилмагани ва аксинча: унинг лавозимидан тушиб, хонанишин посбон чол бўлиб, «қарилган гаштини суриб» (шунақа яшаш ҳам гашт бўлди-ю!) ўтиришидан мамнун, буни кўпдан кутишаётган-у энди ниятларига етиб, шу кунни, ҳа, шу соатларни байрам қилишаётгандек эканларидан эди.

Раҳм-шафқат туйғусини тилсиз бир жониворга муносабатда сезибоқ бу ҳисдан роҳатланган милиция бошлиғи чин мардона эркаклар ўзгаларнинг раҳм-шафқатига муҳтожлик сезмаслиги, бу хил муносабатлардан умидворлик ўзликни камситиш билан баробар эканини ҳам билмас эди. У ёшгина ўсмир йигитчага ўхшаб кетарди: йигитча қаттиқ калтак еди дейлик. У уйга келиб, ака-укаларига ҳасрат қилади. Улар жазм этишса, укаларини савалаган зўравондан ўч олишади. Агар кўрқиса, укага тасалли бериш ила тийилишади. Аммо уйда волида ҳам бор денг. Унинг кучи нимага етади? Ўғлининг кўз ёшларини артиб, унга қўшилиб йиғлашга, холос... Ана ўшанда ўсмир бола онасини чиндан ҳам яхши кўриб кетади ва асл меҳрибони шу кампиршо эканига бот-бот иймон келтиради: илло, унинг аламзада туйғулари шу асно таскин-тасалли топади... Бўри Қора ҳам ёши олтмишдан ошганига қарамай фавқулудда қалбида пайдо бўлиб, дам ўтган сари мадда қилиб турган шу қониқсиз ҳиснинг қаноат топишини истар эдики, истаги истаклигича қолаверди.

Давра кизгин жабҳаларда гоҳ қозон бошига бориб қолар экан, ўша ерда ҳам, кўчадан ўткинчи машина сигналинини эшитиб дарвозадан мўралаб қўйган чоғида ҳам кўнглидан ушбу ўй кечарди: «Ўғилларим бўлмади-да. Яраслар. Нокаслар... Келинларга айтдим-ку? Балки эртага келиб қолишар. Ҳа, оёқни узатиб ётиб уларнинг гапини эшитаман... — Кейин эса томоғига бир тугун тиқилиб, вилоят марказидаги институтнинг иш тутумини сўка бошлади: — Ҳе, қишки сессиянг бошингдан қолсин! Уйига борайин, бир бошлаб сўкаман... Уч марта аварияга учради, уч мартаям учиб етиб бордим бошига! Икки кун ўтирдим бошида... Ахир, мен ҳам бир ҳисобда аварияга учрадим: ўнганмайдиган аварияга...»

Ниҳоят, меҳмонлардан кўнгли тинчиган Бўри Қора илжайверишданми оғриниб қолган лабларини тақа мўйловига кўшиб сийпаганича энди ўзи гараж томонга йўл олди: у голибо тез юриб борар, у ерда тансиқ бир меҳмон бор-у, қузатувсиз қолгандек эди. Бора-бора у меҳмонни қаттиқроқ ҳис эта бошлади: у — тилсиз дўсти, суйган моли, ардоқдаги орзулари... Меҳри тушиб қолган

фарзанди мисол жонзоти — овуночи... Бўри Қора шу боришда ёнадан сирпаниб тушди-да, чироқларни ёқиб юбориб, тойчоққа бир зум текилиб қолди. Тойчоқ нималардандир ўксиган-у, энди унга шикоят қилмоқчидек яқинлашиб ҳидлади. Бемажол осилиб турган қўлларини ялай бошлади.

— Э, фалак! — деб юборди Бўри Қора ва муштумини боши баробар кўтариб, тойнинг бўйнига тушираман деган чоғида унинг қуралай кўзларига яна кўзи тушиб, ўзини тўхтатиб қолди. Кейин муштумини ёзиб, уни силади. — Ҳе, жонивор. Сен кўп нарсаларни билмайсан-да... Балки билмаганинг ҳам тузукдир. У ёғини сўрасанг, мен ўзим ҳам унчалик яхши одаммасман. Кўп шафқатсизликлар қилганман, кўпларни алдаганман, хўрлаганман. Минг-минглаб пора олганман. Пора олмаган, пора емаган куним бўлмаган, ишонавер... Сен бўлсанг, тилсизим, буларни билмайсан. Мени садоқат билан яхши кўрасан. Раҳмат... Бир ҳисобда сен ҳам мана шу боғчадаги дарахтларга ўхшайсан. Улар ҳам менинг кимлигимни билишмайди. Мен сув берсам, ўғит берсам — ўсади-унади. Гуллайди. Мени хурсанд қилишади. Ҳеч нарса бермасам — ўлишади... Менга қарам, менга содиқ. Сен ҳам шундайсан...

Бўри Қора пояси ерга бота бошлаган креслога ўтириб, сигарет тутатар экан:

— Носир-ир! — деб бақириб юборганини сезмай қолди. — Яримта обке! Закускаям... Ўзинг ҳам ке, ўтир... Уларни кўй. Улар ўзи йиғиштириб кетади.

Бўри Қора охири кайф қилиб, гапи гапига қовушмай бошлаганда, Носир уни кўрадан суяб чиқиб кетди. У болохона айвонига тўшоғлик кўрпачага узун тушиб ухлаб қолди.

Азонда совқотиб уйғонди-ю, боши оғриётгани боис апил-тапил тубанга тушди. Водопроводдан жилдираб оқиб ётган сувга бет-кўлини чайиб: «Носир! Кампир...» дея яна боғ этагига йўналди. Сўнгра у ерда барибир егулик ҳам, ичкилик ҳам қолмаганини тусмоллаб тўхтади-да, бўкириб юборди:

— Кампир! Ҳе, шабкўр, қулоғинг ҳам кар бўлиб қолдими?.. Э, чиқдингми? Ҳалигидан бир шиша билан яхна гўшт, нон, пиёла олиб туш... Зина пастига кўй! Тамом... — Кейин ўйланиб туриб, Чиборнинг ҳам калта-калта кишнаётганини эшитди-да, демак, унинг ҳам насибасини олиб боришини эслади. — Носир! — дея яна бақирди. Кейин устунга осиглик тўрвада нимадир борлигини хотирлади. Шу бўйи ўроққа келиб қолган йўнғичқадан чангаллаб хўб юлди-да, билланихоя, гаражга тушиб борди.

Креслода ярим соатлар ўтиргач, уни яна дафъатан уйку босди. Шунда кўчадан пода ўтаётганини англаб бирдан хушёр тортди-да, тепага чиқди—зинапоядан айтганларини олиб, етгўрвага солди. Ва Чиборни ечиб, кўчага етаклаб чиқди.

Ана энди эркин юравериши мумкин... Ким нима деса десин! Бировлар билан унинг иши йўқ...

Шу асно шитоб-ла юриб ва йўлакай уст-бошини тартибга келтирган бўлиб, Тўполоннинг бўйига етди. Совуқ эди. Тошқиндан тўзонлар учарди.

Ана шунда у тумандагина эмас, вилоятда ҳам улоқчи оти ила машхур бўлиб турадиган Қирғиз чопағонни кўриб қолди. Кўришди бу пакана, гўлабир, бодомқовоқ одам билан. Кейин унинг «Калта»сини бир фасл томоша қилди... Бу улоқчи оти... от эмас, хачир деса бўларди. Чунки унинг бўйи ўртача эшақдан баланд эмас, калласи катта, унақа жуда ўзгир ҳам эмас, аммо «ақлли калта» деб танилган ҳайвон эдики, томоша қилди. Ҳайвон сув ичида қорнигача ботиб турар, бу ёқда қояга чиқиб олган чопағон уни ўтирган жойида чўмилтираётган экан... Бўри Қора чопағонни унинг хачирмонанд отини томошалар экан, ўз навбатида Қирғизбой ҳам Чибор тойни томоша қилар эди.

— Шу экан-да? — деди у ниҳоят.

Бўри Қора унинг гапини тушунди.

— Шу-шу.

— Тарбия қилиш керак буни... Умар синчи билан учрашиб турибсизми?

— Ҳа, энди...

— Цирк отларидан фарқ қилмайдиган бўлади бу жонивор, — деди кейин. — Кўриниб турибди... Чўмилтиринг. Кейин ётиб туришни ўргатамиз бунга. — Сўнг отига қараб оҳистагина шивирлади: — Жот? Жот деяпман...

Тавба, белигача сувга ботиб турган жонивор чўккалади, ётди ва бўйнигача сувга ботиб, эгасига жавдираб қарай бошлади.

— Тур энди!

От сапчиб туриб кетди ва қаттиқ силкиниб, сув зарраларини сочди. Чибор ундан кўзларини узмас эди. Бўри Қора тойининг ҳам сувга интилаётганини кўриб, ипни бўшатди. Чибор аста-аста олға босиб, тип-тиниқ Тўполонга кирди.

Шу кун, нима дейсизки, Бўри Қора учун ҳақиқий байрам бўлди. Байрам бўлганда ҳам дам олиш байрами бўлдики, бундан Гижингтой-Чибор ҳам кўп манфаат топди. Масалан, анови

хачирсифат махлуқни кузата-кузата ётиб туришнинг машқини олиш билан бирга ушбу ҳаракатларнинг номларини ҳам ёдида сақлаб қолгандек бўлди. Бундан ташқари, хачирмонанд от билан ҳам искашиб дўст тутинди ҳисоб. У от жуда ювощ бўлиб, унча-мунча нарсага парво қилмас ва безовталанмас, Қирғиз чопағоннинг айтишича, кейин қай бир ўлкадан келган босқинчилар ҳайдаб кетишган ва бу «тулпор» Чибор каби қон суриш — суяк суриш оқибатида пайдо бўлган эканки, бир-икки йилдан кейин чопағон ундан насл олишни бошлар экан. Ҳозир эмас. Чунки ҳозир уни байталга қўйса, қайтиб қолар эмиш... (Яъни шашти синиб, кўпкарига ярамай қолармиш).

Чибор ҳам сулҳпарвар ва тинчликсевар от бўладиганга ўхшарди. Бироқ унда ажабтовур ёвқурлик ва жанговарлик ҳам сезилиб турар, бу жиҳатлари унинг эгасию ёт кимсаларга бўлган қарашини, ўта мустақил ҳаракатида намоён бўлар эди.

Ажабо, бу эрксевар ҳайвон эгасининг кўполлиги ва бешафқатлиги, яъники бир нима уқтиришга кучи етмаганда — калтакка, зулмга зўр беришига бўйин экандек эди.

Масалан, ҳадеганда ётиб туравермагач, Бўри Қора унинг сагрисига икки-уч бор хивич туширди. Кейин Қирғиз чопағон хивич теккан жойларни сийпалаб кўриб: «Начайлик бобо, қаранг буни. Қапчиб кетибди-я? Аямас экансиз молни», деди тўпичоққа чин дилдан ачиниб. Бўри Қора, албатта, бу гапга унчалик парво қилмади. Ҳатто қандайдир ғурурланиб: «Мушт шунинг учун берилганки, чавандоз, тушириш лозим, — деди. — Худди милтиқдек уни отиб туриш керак. Эса занглайди. Мушшлашини билмайдиган одам нари борса, бизнинг ёш прокурорга ўхшаб ютқазиб юради. Ваҳ-аҳа... Маҳбусларни уриш мумкин эмас, дер экан Олчинбойга... Ҳа, ўша йигитга. Яқинда ўринбосар қилиб олди ўзига. Болакай эсини йиғиб олмас, кийин бўлади...»

Қирғиз чопағон... Айтмоқчи, бу одамнинг асл исми Қобил бўлиб, кўзи қисиклиги учунми, яноқлари икки ёнига тарвақайлаб кетгани боисиданми шу лақабни олган ва энди унинг номига айланиб қолган эди.

Умуман, Тўполонсой соҳилларида бир хил кўринишли одамлар кам эди. Элатнинг қиёфасида турли-туман эл-элатлардан нишонга ўхшаш нарсалар бор эдики, бу атроф одамларини «курама» деб аташ ҳам мумкин эди. Аммо ҳаммаси, алҳамдулилло, мусулмон ва ўзларини ўзбек санашар, умуман олганда, иноқ-аҳил яшашар эди. Тўғри, кўпкарию кураш маҳалларида гузарлар, бўлиниб, тарафқашлик бошланар, аммо маърака туғаб бўлганидан кейин айирмачилик ҳам ғойиб бўларди.

Шу кун пешинларга яқин сойда сув ичгали бир неча йилки уюрлари этаклардан ўрлаб келишди. Бир неча соҳиблари ҳам тулпорларини миниб ва етаклаб келишди. Сувлагани... Ва кўпчилиكنинг назари яна Чиборга тушиб, унинг иқболига катта баҳо беришди. Ана шунда Бўри Қора бутун вужуди-ла ҳис этдики, бу отбозор ҳозироқ Чиборига ҳасад ила қарашяпти: худдики, кўпкари ҳозир бошланади-ю, Чибор кўрга кириб, зотни айириб чиқадигандек...

Шу ҳисси ҳам унинг учун фойдали бўлди. Яъни, Чибор каттарганидан кейин, насиб этса, уни кўпкарига солиш истаги тўғилдики, бу истакнинг рўёбини кўраётгандек анча вақт хузур қилиб ётди қоятош остида чўзилиб.

Кун оғиб қолиб, пода қайтар пайт бўлганида, Бўри Қоранинг кайфи ғоятда жойида эди. Бунинг устига, кечки кузда Тўполоннинг ҳуснига тўйиб қолишни ўзларига фарз деб билгандек бир талай бегона кийимли одамлар соҳиллар тепасида пайдо бўлишди... Бўри Қорани тагин нима жин урди денг, тойни мингиси кела бошлади. Лекин уни минса, бели майишиб кетиши тагин эди. Бундан ташқари, бундай асов тойни миниш учун, аввало, уни «минги» қилиш лозим бўлади... Бўри Қора хўб мулоҳаза қилиб, ниҳоят, кун кеч бўлганини англади. Шу билан бирга кайфни тарқатишни ҳам хоҳлаб қолди: акс ҳолда, яна отиб-потиб қўйса, эртасига боши оғриб юради.

Ҳар қандай маст одам сувга тушса, албатта, кайфи тарқалади: бу аён ҳақиқатни Бўри Қора ҳам ўзлаштирган эди. Бўри Қора ўтирди-ўтирди-да, сувга тушишга қарор қилди. Шу асно анови томошабинлар олдида тулпорининг янги хунарини ҳам намоиш қилмоқчи бўлди, яъни ётиб туришини...

Нима дейсизки, бу амални ҳам кўнгилдагидек уддалади. Боз тагин Чиборнинг машқини мустаҳкамлаб олди. Масалан, ўзи икки бор дарёнинг у қирғоғига ўтиб, бу томонда чилвири янтоққа ўраб қўйилган Гижингтойни Чиборлаб қақирган эди, жонивор ипни янтоқ-пантоқ билан судраб сувга кирди-да, бемалол суза кетди. Ҳа, Бўри Қора атай тепароқдаги харсангда турар, харсанг ости эса ийрим бўлиб, чуқур эди. Чибор шу чуқур сувдан ҳам бошини чиқарганча нақ эгаси пойига ётиб, соҳилга кўтарилди. Ана шунда денг, ҳар силкинарди, ҳар силкинарди, баданидан сачраган сув зарраларида камалаклар ўйнаб кетарди.

Томошабинлар олқиши, завқи...

Нихоят, Бўри Қора Қирғиз-Қобул чопагон олгани "Цирк"нинг ўйингоҳ майдончаси, яъни, манежидан қайтган каби мамнун ва толғир ҳолда уйга қайтиб кетди.

16

А танги, яқин-яқингача тоғни урса талқон қиладигандек важоҳатга эга бўлган Бўри Қора аслида ҳийла кучдан қолган экан: ҳалигидай организм дегани ҳам иссиқ-совуққа ўз даражасида жавоб қайтарадиган ҳолга етган экан — уйга келди-ю, бурнини торта бошлади. Кейин мўйловини артишга тушди. Кейин боши оғриди ва ҳарорати кўтарилиб, тоғдек одам муштдек бўлиб ётди-қолди... Шамоллаган экан жаноблари.

Ҳе, касал бўлмай юрган одамнинг туйқус хасталаниб қолишлари курсин: тоза инжиқ бўлиб, айтиш мумкинки, ёш болага ўхшаб қоларкан. Қизиғи шундаки, кап-катта одам шамоллаб қолишининг сабабини ҳам ўзидан кўрмас ва нуқул... тойни сўкарди: ўша бўлмаганда, ўшани етаклаб соҳилга бормаганида ва ўшани машқ қилдириш учун нариги қирғоққа ўтмаганида ва ҳоказолар...

Бир ҳисобда одамзоднинг бўлган-тургани шу экан-ов: айбни ҳеч қачон ўзидан кўрмайди.

Ўзидан кўрадиган фозиллар эса...

Бўри Қора уч кун оғир ётди. Тўртинчи куни боши хиёл айланиб турса-да, ўрнидан кўзгалди ва исирик ҳидига тўлиб кетган меҳмонхонадан айвонга чиқди.

Носир полвон билан Умар синчи ўтиришган экан. Улар ҳам ўринларидан кўзгалдишди. Уй эгаси «кўрганимиз-кўришганимиз» қабилда иш тутди:

— Анову-чи, шум тойчоқ қалай? — деди. — Унга совуқ ўтмабди эканми?

Умар синчи қийшанглаб кулди:

— Аксинча, каттажон. Чиройи очилиб, кўзлари равшан тортиб кетибди Бодомгулнинг.

— Ҳа, ҳайрият. Бизниқиям бир гап-да... — Кейин ойнабанд девор тагида турган челақ бошига борди. Носир акасининг мақсадини англаб, унга дастўни тутиб турди. Бўри Қора юз-кўлини чайиб, улкасидаги сочиққа артиниб: — Аллоҳга шукр, — деди. — Ҳа, Умарбой, тойчоқни кўрдингизми яхшилаб?

— Кўрдим, каттажон. Энди уни той десангиз ҳам бўлаверади. Тўғрироғи, у гўнан бўлди...

— Гўнан... Ҳа, гўнан. Лекин, Умарбой, бизни энди «катта» деб чақирмасангиз ҳам бўлади.

— Ҳай-ҳай-ҳай. Сиз биз учун, элу халқ учун ҳамма вақт «катта» бўлиб қоласиз.

— Мен... бир сафарга чиқмоқчиман энди, — деди Бўри Қора тўрға ўтиб ўтираркан, уларни ҳам кўли билан ўтиришга ундаб. — Гап шундаки, Умарбой, давлатнинг иши экан, деб фарзандларни ҳам, неварачевараларни ҳам унутиб қўйибмиз... Ҳа, улар биздан ўпкалаб юришибди шекилли. Мана, ўтиришга ҳам келишмади... Телефон қилиш-мадими, ҳей, кампир? Болаларинг ҳақида сўраяпман!

— Йўқ, йўқ, — деб жавоб берди янгаси учун Носир. — Аммо-лекин, ака, уларнинг ўпка-гинасида жон бор... Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз, — дея давом этди. — Қайси йили баҳорги бугдойни одамларнинг молидан сақлаш кампанияси кетаётган маҳалда катта улингиз неварангизга хатна тўй қилди...

— Биламан, биламан. Эслатмасанг бўларди, — деб ғингида Бўри Қора. — Лекин бутун бошли бир новвосни гўшт қилиб юбордим-ку уйга! Тўйининг гўштини кўтардим ҳисоб...

— Аммо, кўнгил нозик-да, ака.

— Ҳе, кўнгилнинг кўчасидан айланай... Улар мен билан бамаслаҳат иш қилиши керак эди. Ярамаслар... Умарбой, — деб ўксинди ота, — фарзандларимни уйли-жойли қилдим, олий маълумотли қилдим. Лекин менга меҳр қўйишмади, қисталоқлар. Бемехр бўлиб ўсишди мана бу шабкўрнинг тарбиясида... Мен давлат иши билан юрдим. Рўзғорни кам ўйладим...

Лекин кам бўлсам ўйлар эдим. Шунинг учун, худога шукр, ҳозир бировдан кам жойимиз йўқ. Аксинча, иккитадан биримиз ҳисоб... Йиққанларимни ётиб ейишсам кўп йилларга етади. Лекин у ярамаслар ўшандаям менинг маъракаларимни рисоладагидай қилиб ўтказмас-ов...

— Ака, бу гапларнинг нима кераги бор, — деди Носир. — Сал шамоллаб қолиб, инжиқлик...

— Дардга бардош лозим, каттажон, бардош — деб таъкидлади Умар синчи.

Бўри Қора ўйчан бош ирғади-ю, туйқус тан олди: ҳа, унинг дардга сира бардоши йўқда-е.

Ҳа, бир ери оғриси ҳайрон бўлади ва кимларнидир сўкиб юради. Хафа бўлади...

— Бўпти, — деди у бирдан. — Мен ётиб ўрганмаганман-да... Аллоҳга шукр, мана тузалиб қолдим энди... Хуллас, икки-уч кундан кейин мен бир сафарга чиқаман, ука. — Синчига ҳам манглайи остидан қаради. — Сизгаям иш бор, Умарбой... Хўп... Шу... Чиборни сизларга, сизларни худога топшираман. Неча кунда қайтаман, ҳали билмайман. Кампирни ҳам олиб жўнай десам, уй эгасиз қолади... Носирбой, энди гап мундай, ука.

— Хўш-хўш?

— «Москвич»ни йўлга шайлаб қўясан. Бу — бир. Хўш, ректор жўрамизга аталган тўқлини кўрсатдим-а сенга? Балли... Ёнига бирон эллик кило гуруч ҳам қўясан... Хўш, ўғилларнинг уйига нима билан борсам экан?

— Ҳа, ўзлари кўлингизга қарамасаям, келинлар қарайди, — деб илова қилди Носир.


— Тўғри айтасан. Хотин халқининг феъли шу... — Кейин кулиб қўйди Бўри Қора. — Қайси йили Тошкентга борганимда бир «Волга»нинг ойнасидан бошини чиқариб турган този итни кўрдим. Уни «док» дейишаркан. Эгаси ўрис эди.

— Ҳа, ўрислар ит билан бирга овқатланаверишади, — деди Умар синчи.

— Шу тобда калламга бир гап келди... Касал каллага! Шу шум тойча кичикроқ бўлгандами, а, орқа ўриндиққа жойлаб қўйиб, а... бир томоша қилдириб келар эдим-да!

Ҳаммалари кулишди. Кейин об-ҳаво ҳақида, ҳадемай қиш қиличини қайраб келиши ҳақида гаплашдилар. Бўри Қора кўрадаги молларга қишлик сомон билан пичан аввалбахор тегишли колхоз раисларига айтиб қўйилганини тушунтирди укасига ва бугуноқ бир-бир телефон қилиб қўяжани билдирди. Сўнгра гап айланиб тағин Гижингтой-Чиборга тақалди: хуллас, унга алоҳида бир ҳужрами, бостирмами ҳозирлаш лозим экан. Буни ўйлаб кўришни Носирга топширди: ҳақиқатан бу одам диққат қилиши лозим бўлган нимарсалардан қочиброқ юрар эди.

(Давоми бор.)



Боболар дуоси ижобат бўлади.



Шукур ЖОНБОВ,
тарих фанлари номзоди

«ЛУГАТИ АТРОКИЙА»

ЁҚУ НАВОИЙ

АСАРЛАРИ ЛУҒАТИ

«Луғати атрокийа» Навоий асарларига тузилган қўлёзма луғатларнинг сараларидан биридир. Луғат шарқшунос А.А.Ромаскевич томонидан 1914 йилда Техронда топилган. Луғат ва унинг муаллифи ҳақидаги дастлабки хабарни ҳам унинг ўзи «Мир Али Шир» тўпламидаги мақоласида беради. Кейинчалик бу луғат хусусида А.К.Боровков ва Б.Хасанов баъзи маълумотларни келтирганлар. Луғатнинг бошқа бир қўлёзмаси венгер туркшуноси И.Турининг қўлида бўлгани маълум. Луғатнинг муаллифи Фатҳали Қожардир. Маълум бўлишича, у XIX асрда яшаган. Умрининг кўп қисми ҳарбий хизматда ўтган. Алишер Навоий ва унинг асарларига муҳаббати туфайли у эски ўзбек тилини ўрганади ва кўпйиллик машаққатли меҳнатдан сўнг, 1862 йилда «Луғати атрокийа»ни тугал ҳолга келтиради. Шу вақтда у 61 ёшда эканлигини қайд этади. Фатҳали Қожарнинг Навоий асарларини ва эски ўзбек тилини ўрганишида кўпроқ шоир Мирзо Муҳаммад Эрифоний раҳбарлик қилади. «Хужжат» тахаллусли бу шоирни Фатҳали Қожар ўзининг устози деб билади ва уни луғатининг бир неча ерида тилга олиб, шеърларидан намуналар келтиради. Фатҳали Қожарнинг ҳаёт йўли ҳақидаги маълумотлар шулар билан тугайди.

«Луғати атрокийа» луғат ҳолига келишига қадар бир неча босқичлардан ўтган. Биринчи босқич Фатҳали Қожарнинг Эрифондаги 17 йил давом этган ҳарбий хизмати даврига тўғри келади. У худди шу йилларда чигатоий, яъни эски ўзбек тилини шоир Хужжат раҳбарлигида кўп билан ўрганади, Навоий асарларини муттасил мутолаа қилиб беради ва кейинчалик, Навоийнинг 24 асаридан намуналар келтиради. Фатҳали иллюстрацияларга катта аҳамият бергани учун кўпгина луғат мақолалар ичида Навоийдан ташқари Лутфий, Мир Хайдар, Бобур, Хусайн Бойқаро, Искандар Мирзо, Камолий, Убайдхон, Фузулий, Мулла Соқийлардан ва баъзи ҳолларда айрим форсийзабон шоирлардан ҳам мисоллар келтирган.

Иккинчи босқич биринчи босқичда мутолаа қилинган асарлардан фақат туркий ва ўзлашган мўғулча, форсча, арабча, қалмиқча ва шунга ўхшаш қатор тил ва шеваларга оид сўзларни ажратиш, яъни луғатнинг сўзлигини тайёрлаган. Бу ишни худди шу йўсинда қилиш қулайлигига қарамай, Фатҳали Қожар бошқача йўриқ тутгани ҳақида гапирари.

Айни шу гапларга асосланиб, А.Ромаскевич «Луғати атрокийа»нинг сўзлиги учун «Хулосайи Аббосий» асос бўлганини уқтиради. Фатҳали Қожар ҳақиқатан ҳам ўз луғатининг сўзлигини «Хулосайи Аббосий»дан олиб, сўнгра ўша сўзларнинг маънолари учун шавоҳид-далилларни излаб, луғат мақолаларга кирита борган. Демак, ўта мураккаб ишни ба-

жарган. Аммо бу борада бошқача фикрлар ҳам бор. Буларга кўра, «Луғати атрокийа»нинг сўзлиги учун «Санглох»нинг қисқарган варианты— «Хулосайи Аббосий» эмас, балки унинг ўзи манба бўлган. Бу фикрни далилловчи ваҳж-сабаблар мавжуд.

«Санглох» луғатининг охирида Маҳдийхон маъноларини очиб бера олмаган **аранг, ҳа:ла, ҳажир, пилпа, йадурган, тунди, чапун, сағызган, арусак, нэтбас, мучи** ва **зиргуб боғи** сўзлари келтирилган.

Фатҳали Қожар эса луғат сўнгида айни шу 12 сўзнинг маъносини очиб берган. «Хулосайи Аббосий»да бу 12 сўз йўқ бўлгани учун табиий савол туғилади. Хўш, агар Фатҳали Қожар «Луғати атрокийа»нинг сўзлигини «Хулосайи Аббосий»дан олган бўлса, унда фақат «Санглох»да мавжуд ўша 12 сўзни қаердан олган? Ўз-ўзидан маълум бўладики, «Санглох»дан.

Иккинчидан эса, «Луғати атрокийа»даги **тўро** луғат мақоласида Фатҳали Қожар Толье Ҳаравийни эслайди. Маълумки, Толье Ҳаравийни Навоий асарларига луғат тузган муаллифлардан фақат Маҳдийхон у ёки бу муносабат билан тилга олиб туради. Шуларга асосланган ҳолда Фатҳали Қожар «Санглох»га таянган, деб хулоса қилиш мумкин бўлади.

«Луғати атрокийа»да сўзлар жойлашувида алифбе тартибига риоя этилмаган. Бас, шундай экан, қандай қилиб «Санглох» ёки «Хулосайи Аббосий»дек пухта луғатларга суянилган ва андоза олинган «Луғати атрокийа»да луғат тузишнинг асосий шартлари эътиборсиз қолдирилган бўлиб чиқади? Бу ҳолни тушунтириш учун Фатҳали Қожарнинг «Хулосайи Аббосий» ёки «Санглох»га тобе бўлгани ёки бўлмагани ҳақидаги уч қарашнинг ҳар бирида маълум ҳақиқат борлигини тан олиш зарур. Шу билан бирга, ушбу хусусда «Луғати атрокийа» ва Навоий асарларига тузилган бошқа луғатлар ҳамда улар ҳақидаги тадқиқотларни ўрганиш натижасида бизда ҳосил бўлган янги бир фикрни ўртага ташламоқчимиз.

Фатҳали Қожар эски ўзбек тилини ўрганиш ва Навоий асарлари мутолаасида жуда кўп луғатларга эҳтиёж сезган. Шундай луғатлардан бири «Абушқа» Кавказ томонларда кенг тарқалган бўлиб, Фатҳали Қожар унинг бирор нусхаси билан таниш бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳар қалай, «Луғати атрокийа»да «Абушқа»даги сўзларнинг деярли ҳаммаси борлиги Фатҳали Қожар ўз машқлари ва луғати учун биринчи навбатда «Абушқа»дан фойдалангани кўриниб турибди. Фатҳали Қожар «Абушқа»даги ҳамма сўзларни олиш билан бирга, баъзи сўзларнинг янги шакллари ҳам кирита борган. Албатта, бундай сўзларни Навоий асарларидан излаб топиш ва уларни иллюстрациялари билан бирга изохлаш кўп

вақт талаб қилган. Фатҳали Қожар умумий ҳисобда «Абушқа»даги 854 сўз ва сўз шакллари деярли тўлалигича ўз луғатига киритган.

«Абушқа»дагидан ташқари яна 7000 дан ортиқ сўз ва сўз шакллари йиғиш жараёнида Фатҳали «Санглох»нинг мисоллардан ҳоли варианты «Хулосайи Аббосий»ни ҳам қўлга киритишга муяссар бўлади. Бу луғат Қожарнинг болалик чоғида «Санглох»дан қисқартиб тузилган бўлиб, у ҳам «Абушқа» каби Кавказ, Эрон ва Туркияда кенг тарқалган эди.

Албатта, Фатҳали Қожар «Хулосайи Аббосий»нинг «Санглох»дан қисқартирма экани унинг муқаддимасиданоқ билиб олган ва «Санглох»ни сўроқлай бошлаган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: «...Мирзо Маҳдийхоннинг «Санглох» луғати ҳақида хабар топилди. Лекин мазкур нусха ниҳоят камбалигидан кўришга муяссар бўлмадик. Йўл Мирзо Тақий Алиободий кутубхонасига етмагунча изланишлар шу алфозда давом этди. Уни бу ерда омонат шарт билан уч кундан ортиққа бермадилар. Лекин шу уч кун ичида «Санглох» луғатини синчиклаб ўрганиш натижасида унинг ўз номига муносиб экани аниқланди».

Луғатнависликнинг юксак намуналари бўлган бу икки луғат аввалига Фатҳали Қожарни таажжубга солади: ҳар икки луғатнинг пухталиги унга нўқсондек, муаллифларнинг луғатнавислик маҳорати ушбу фанни билмасликдек туюлади. Бундай фикрларнинг асосий сабаби, Фатҳали Қожарнинг бутун умри ҳарбий хизматда ўтганлиги ва унда филологик маълумотнинг етишмаслигида эди. Охир-оқибат у ҳақиқий луғат «Санглох»даги каби усуллар билан тузилишини тушуниб етгандай бўлади.

Фатҳали Қожар «Луғати атрокийа»ни «Санглох» қолипига тушира олиши мумкин эди. Бироқ бундай қилмади. Чунки у ўз меҳнатининг луғатчиликда, айниқса, айрим олинган муаллифлар тили луғатчилигида табиий бўлишига қарамай, «Санглох»га ўхшаб қолишдан ташвишга тушади. Натижада луғат бизга маълум кўринишда қолади.

«Луғати атрокийа» ташқи жиҳатдан луғатнависликнинг баъзи талабларига жавоб бера олмас-да, ўзининг бошқа жиҳатлари, айниқса, сўзларнинг фонетик қайдлари ва маъно очиш усуллари билан Навоий асарларига тузилган бирор луғатдан қолишмайди. Фатҳали Қожарнинг ҳар бир сўз учун қўлланган фонетик қайдлари жуда тўла ва мукамал бўлиб, ўқувчига луғат билан ишлашда анча енгиллик туғдиради. «Луғати атрокийа»нинг бошқа жиҳатлардан ҳам катта ютуқларга эришганини кўриш мумкин. Шунинг учун Фатҳали Қожарнинг Навоий асарлари устида самарали иш олиб бориб, келгуси авлодлар учун бебаҳо хазина қолдирганини эътироф этамиз.

Т а б и а т
М а к т а б и



Қиш ғами

Она кўнгли болада, бола мушук бўлса-да...



Ҳимматли Кардинал нимагадир балиқ боқар...



ИСТИҚЛОЛ шеъринингидан

Инсоният турмушидаги ҳар қандай ўзгариш ва янгиланиш ҳам аввал бир қисм кишилардан бошланиб, сўнг ижтимоий қиёфа касб этганидек, миллий шеърятимизда бугун кенг ёйилган белгилар ҳам дастлаб айрим ижодкорларнинг битганларида куртак ҳолида пайдо бўлган эди. Ўтган асрнинг сўнги ўн йиллиги ўзбек адабиётида истиқлол шеъряти деб аталмиш эстетик ҳодиса тўлиқ шаклланишига имкон берганлиги билан характерланади. У йўқ жойдан тасодифан пайдо бўлиб қолган эмасди. Бу шеърят кўп асрлик миллий бадииятимизнинг мантикий давоми ва меросхўри эди.

Истиқлол шеъряти мафкура тазйиқидан қутулиб, тубдан янгиланган миллий оннинг, бутунлай ўзгарган бадиий тафаккурнинг ҳосиласи сифатида дунёга келди. У дунёни ҳар хил англаш, изоҳлаш ҳамда тасвирлаш имкониятига эга бўлган миллат ижодий даҳосининг самараси ўлароқ тугилди. Ўзгача шаклланиш ва тараққиёт тамойилларига эга истиқлол шеърятининг қатор ўзига хосликлари мавжуддирки, айни шу хусусиятлар унга миллий назмимиз тараққиётидаги алоҳида босқич сифатида қараш имконини беради. Бу бадиий ҳодисага истиқлол шеъряти деган ном озодликни орзулагани, истиқлол даврида яратилгани, миллат аҳлини озодликка ундагани, мустақилликни мадҳ қилгани, эгаман кишиларнинг туйғуларини акс эттиргани учунгина эмас, балки биринчи навбатда, шеърхонга дунёни ўрганиш билан бирга ўзини, ўз кўнглини тафтиш этиш лозимлигини англашига урингани учун ҳам берилган атама эканлигини таъкидлаш жоиз. Чунки истиқлол ҳуқуқий атамадан кўра кўпроқ руҳоний-маънавий тушунчадир. Яъни, у кишининг табиатида кўча, унинг маънавий сифатига айлансагина, ижтимоий, сиёсий ва юридик ҳодиса сифатида ҳам қиймат касб этади. Шу маънода, истиқлол бутун ўзбек миллатини дунёга, дунёни эса ўзбекка яқинлаштирган бўлса, истиқлол шеъряти ҳар бир ўзбекни ўз кўнглига яқинлаштиради, унинг адоқсиз лабиринтларини, пуриқор чўққиларини, тубсиз теранликларини, хуллас, алоҳида қалбнинг нақадар поёнсиз ва серқирра эканлигини акс эттирди. Унинг ҳар бир қирраси олам ҳодисалари қадар мураккаб ва жилвагар эканлигини англади. Одамни билиш оламни билишдан мушкулроқ эканлигини ифодалади. Бинобарин, шу хил хоссаларга эга одамнинг гоёт муқаррам зотлиги туйдирилди. Шунинг учун ҳам бу шеърят олдингиларидан фарқ қилгучи бир қатор хусусиятларга эга бўлди.

Аввало, истиқлол шеъряти ҳукмрон мафкура тазйиқидан қутулган, олам ва одам руҳиятига мансуб ҳодисаларга хилма-хил қарашларнинг маҳсули бўлган эстетик ҳодисадир. **Иккинчидан**, юқоридаги хусу-

сиятига кўра, истиқлол шеъряти оҳанги, руҳи ва йўналишига кўра давлат шеъряти бўлиши мумкин эмасди. **Учинчидан**, истиқлол шеъряти алоҳида бир инсоннинг кўнглини, туйғуларини акс эттиришни мақсад қилиб олди. **Тўртинчидан**, бу шеърят инсоний сезимлар, инсонлараро муносабатларнинг руҳиятдаги излари гоёт мураккаб, чигал, изоҳлаш мушкул эканлигини англади ҳамда айни шу ҳолатни акс эттиришга тугинди. **Бешинчидан**, бу шеърят долзарблик, ҳозиржавоблик, замонавийлик сингари сиртки белгилардан баланд туриб, исмсиз туйғуларнинг лаҳзалик манзараларини мангуга суратлашга уринмоқда. Истиқлол шеъряти ҳаётдан нусха кўчиришни китобдан кўчиришдан ортиқ билмай қўйди. **Олтинчидан**, истиқлол шеъряти жўнликдан, тўпорликдан қутилди ва бу ҳол янги ўзбек шеърятининг оммавийлигини бир қадар пасайтирди. Мураккаб замонда яшаётган серташвиш одамларнинг чигал ҳиссиёти, нозик сезимлари, хос туйғулари, ингичка ҳолатлари тасвирининг ҳаммага бирдай тушунарли бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бугунги шеърятнинг асл намуналарини изоҳлаш, тушунтириш, мантикий қолипларга солиш мумкин бўлмай қолди. **Еттинчидан**, шеърнинг давлат иши эмас, кўнгли юмушига айланганлиги, ноширликнинг бозор иқтисоди асосида ташкил этилиши бадиий жиҳатдан заиф, истъдодсиз асарларнинг ҳам чоп этилиб тарқатилишига имкон туғдирди.

Истиқлол шеърятининг Эркин Воҳид, Абдулла Ориф, Шавкат Раҳмон, Азим Суюн, Усмон Азим, Икром Отамурод, Турсун Али, Аъзам Ўқтам, Муҳаммад Юсуф, Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур, Азиз Саид, Иқбол Мирзо, Баҳром Рўзимухаммад, Фахриёр, Салим Ашур, Зебо Мирзо, Хосият Рустамова, Беназир сингари вакиллари шеърларида оламни поэтик идрок этиш янги босқичга кўтарилаётгани намоён бўлади. Истиқлол шеърятида ҳиссиёт қатламларини тадқиқ этиш, одам руҳиятидаги бой, олис ва рангин иқлимларни поэтик кашф этишга интилиш кучайди. Унда кўнглини тозалашга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки кўнгли Аллоҳ маскани эканлиги ва уни тозаламай туриб, ҳақ марҳаматига эришиш мумкин эмаслиги англаб етилди. Бу шеърят ўткир ижтимоий гап айтиш, доно фикр билдиришга зўр бермайдиган бўлди.

А. Суюннинг "Истиффор", "Битиклар", А.Кутбиддиннинг "Изоҳсиз луғат", А. Саиднинг "Туш", "Йўл", Фахриёрнинг "Икром", "Осмон яратганнинг", "Суйгулим", Иқбол Мирзонинг "Сени деб" сингари шеърый асарлари мустақиллик даври ўзбек назмининг етук намуналаридир. Бу шеърят шаклий изланишлар миқёси кенгайганлиги

билан характерланади. Унда Чиқиш ва Ботиш адабиётидаги самарали тажрибаларни ўрганиш ва бойитишга интилиш гоёт кучайди. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидаёқ татбиқ этила бошланган қофиясиз беш мисра, ўттиз бир бўғинли танка ва уч мисра, ўн етти бўғинли хоккулар ўрнига замонавий Чин поэзиясида кенг ёйилган сяоши шеър шаклидан фойдаланиш кучайди. Чунки сяоши муаллифни ҳеч бир жиҳати билан қолипга солмайди. У қофияли ҳам, қофиясиз ҳам, бир қаторли ҳам, икки, уч, тўрт ёки беш мисрали ҳам бўлиши мумкин эди. Ифодада тўлиқ эркинликка интилиш истаги ўзбек истиқлол шеърятини ҳам ана шу каби шаклларга эҳтиёж уйғотганлиги учун шаклий имкониятларни кенгайтириш йўлидан борилмоқда.

Кейинги вақтда миллий назмчилигимизда бир, икки уч, тўрт ва ҳоказо сатрли қисқа шеър намуналари сезиларли даражада кўпайди. Ўзбек қисқа шеърятини шаклий чегаралар, аънавий қолиплардан қутулишга уринишнинг самараси ўлароқ пайдо бўлганлиги учун ҳам унда хокку, танка, тўртлик, рубоий ёки сяошилар сингари қатъий талаблар тизимидан воз кечишга интилинган. Истиқлол шеърятини **«Гўрлар қисир — туғишдан қолган»**, **«Анорлар дард каби ёрилар»** (Фахриёр), **«Сени дея сенсиз яшадим»** (Улуғбек Хамдам) сингари бир мисрали, **«Эрк чойшабмас, Кўйлақдир»**, **«Шеър тўқийман ўргимчак каби Муҳаббатнинг толаларидан»** (Фахриёр) каби икки қаторли мустақил шеърлар пайдо бўлди. Кунчиқар мамлақати шеърятини ўзлаштирилган учликларнинг турли вариациялари дунёга келди. Хоккуларни Б. Рўзимухаммад ўзгача, ўн бир, ўттиз уч ва тўқсон тўққиз мустақил учликдан иборат тасбиҳ тузган Фаридда Афрўз эса тамомила бўлакча усулда қўллайди. Азим Суюннинг тўла бўлмаган беш қатордан иборат битиклари кичик шеърда катта туйғу ва теран фикрни ифодалай олгани билан ўқувчиларнинг эътиборини тортди.

Ўзбек истиқлол шеърятининг қисқаликка интилиши шунчаки моданинг кетидан қувиш бўлмай, чуқур ички мантиққа эга. Бу шеърят ўқувчига ишонч, уни бадиий сўзнинг истеъмолчисигина эмас, балки шеърини ҳолатни туйиш, бадиий манзараларни жонлантириш жараёнининг иштирокчиси мартабасига кўтаришнинг натижасидир. Шеър қанча қисқа бўлса, унда айтилмасдан ишора қилинган нарса шунча кўп бўлади. Бунда шеърхонга матндан турли-туман кашфиётлар қилиш имконияти кўпроқ берилади. Чунончи, **«Гўрлар қисир — туғишдан қолган»** шеъри фақат бир қадар эстетик тайёргарликка эга ўқувчигагина таъсир кўрсатади ва унинг хаёлот оламини безовта қилади, ҳиссий ва интел-

лектуал ҳозирлиги бор одамгина тўртгина сўздан иборат бу асарда бир олам ижтимоий дард ифодасини топганлигини кўриши мумкин: бир вақтлар юрт эгаси бўлмиш гўрғулиларни туққан Ўзбекюртнинг гўрлари бугун қисир. Шу боис гўрғулилар туғилмайди. Бинобарин, ўзининг шаъни ва юртининг озодлиги учун кураша оладиган эркаклар йўқ бу юртда ва ҳоказо. Ўқувчи қанча ўйчил ва таъсирчан бўлса, шеърдан оладиган таъсири шунча кучли бўлади ва аксинча. Шу боис шеърхон ўқувчигина эмас, яратувчи ҳам.

Истиқлол шеърияти билан ошно тутиниш ўқувчи учун кўнгул очар машғулот бўлмай қолди. Чунки шеър нозиклашди, ифода ингичкалашди. Шеърий асар ўқувчи учун эмас, кўпроқ ижодкорнинг ўзи учун яратила бошлагани ўқирманларни хушёр торттирди. Хаёлини йиғиб, диққатини тўплаб шеър ўқишга мажбур қилди. Шеър билан тиллашадиган ўқувчининг тафаккури ҳам, қулоғи ҳам, кўзи ҳам, туйғулари ҳам бир қадар зўриқиши лозим бўлиб қолди. **«Кўриб турганим бу – илон кўрқаман, Кўриб турибман-ку омон кўрқаман, Ёмон билганимда кўрқмас эдим ҳеч, Яхши билганимдан ёмон кўрқаман.»** (А. Суюн) сингари бадиий қаноатларни илғаб олиш ва туйиш учун шеърхон руҳий-интеллектуал жиҳатдан муайян даражада зўриқиши зарур бўлади.

Фарида Афрўз тасбиҳларидан бирида **«Мен чивинга ҳеч ким эмасман, Қоним ичди ўзи, не илож? Қондошингни ўлдириб бўлмас»,** — деб ёзади. Сиртдан беозоргина кўринган бу сатрлар замиридаги дардчил кинояни, қонингни ичган золимга қаршилик қилиш мумкин эмаслигининг гоят ўзига хос ифодасини пайқамоклик учун ҳам шеърхоннинг тафаккур даражаси муайян юксакликка кўтарилган бўлиши лозим. Аммо шоира ҳам ички армонларини, дардларини ҳаммага дастурхон қилмоқчи эмас. У хосларни назарда тутиб, ўзи учун шеър битган. Ёш шоира Беназирнинг дунёни кўриш ва изоҳлаш йўсини мавжуд қолипларни буткул инкор қилади дейиш мумкин. **«Дунё — оёғимга сигмаган ковуш, Муҳаббат — эғнимга тор келган нимча»,** — дейди у. Шоиранинг туйғуларига кўчмоқ, у ҳис этган сезимларни туймоқ учун ўқирман бир қадар меҳнат қилиши зарур бўлади. Шоир Иқбол Мирзо эса биз кўниккан қаноатларга тамомила терс ҳулосага келади: **«Зулмининг лаззатини фақат мазлум билади, Бахтиёр чехраларни кўрсам раҳмим келади».** Санобар Меҳмононова деган ёш бир шоира туйғуларини **«Севмасимдан олдин МАЖНУН эдим ман, Севганимдан кейин бўлдим САНО-БАР»,** — дея урғу билан ифодалайдики, буни англамоққа уринишнинг ўзиёқ кишининг ақлини ҳам, ҳиссиётини ҳам ўстира-

ди деб бемалол айтиш мумкин. Инсоннинг мураккаб туйғуларини чигаллигича ифода-лаш маҳоратини эгаллаган Б. Рўзимухаммад бир шеърини шундай ёзади:

**кўздан ичкарида йўл йўқ
сўздан ичкарида йўл йўқ
аммо хўроз қичқирини ортига
шафақранг қишлоғим бекиниб олган**

Бу сатрларда одатдаги шеърлардаги мусикийлик йўқ. Чунки шоир ўқирманинг қулоғига эмас, кўнгулига таъсир қилмоқчи. Шу боис шеърда ижодкорнинг чигал кайфияти нақшланган. Шоир шеъриятнинг ҳам, рўзгорий мантиқнинг одатий тартибни ҳам инкор қилади. Бу шеър фақат шу ижодкоргагина тааллуқли бўлган бадиий мантиқ қонунига мувофиқ яратилган. Одатда, чинакам бадиий ҳодиса ўзига хос олам ва у ўзининг қонунларигагина риоя қилади. Шу боис асл бадиий ҳодиса бир бор яралади ва уни такрорлаб бўлмайди. Қонуният эса такрорни такозо қилади. Юқоридаги парчани ўқибоқ бир нарсани англаш жуда мушкул. Лекин шоирнинг алоҳида руҳи, ўзигагина хос нуқтаи назари сезилиб туради. Айни вақтда шеър ўқувчининг эътиборини тартади, уни ўйга толдиради, тафаккурига-да нимадир янгилик еткази, кўнгулига-да қандайдир энгилик бағишлайди. Дунёни шу тарзда кўрган, олам ранглари шу тахлит туйган шоирга эътироз қилиб, унга ўзгача кўзқарашни тикиштириб бўлмайди.

Поэзиянинг ўз асл манбасига қайтганлиги, кўнгулнинг мубҳам розлари, тушуниксиз руҳнинг товланишлари, инжиқ кайфият манзаралари тасвирда нозик ишоралар, назокатли, образли ифодалар орқали имо билан берила бошлаганлиги ўзбек истиқлол шеъриятига хос асосий хусусиятлардан дейиш мумкин. Бу шеърият оммавийликка, ҳаммабопликка интилмаглиги билан ажралиб туради. Бу шеърият вакиллари учун руҳий ҳолат, табиат кўриниши тасвири, кўпинча, восита эмас, балки мақсаддир. Ўзликни намоён этиш йўли, шеърий тасвирнинг манбаидир. Бу ҳол куйидаги мисраларда ёрқин акс этган:

**Мусофирлик кўчасида
менинг ҳам бағрим
анорзор каби
гуллади қип-қизил
(Турсун Али)**

Бу хил шеърларда табиат ва воқеалар манзараси қалб, туйғу ҳамда руҳият чизгиларига дўнганини кўриш мумкин. Истиқлол шеъриятида гўзалликни излашгагина эмас, изланишлар гўзаллигига, гўзал изланишларга ҳам эътибор қаратила борди. Шу ўринда жаҳон авангард шеъриятининг асосчиларидан бири чилилик шоир Висен-

те Уидобронинг: **«Поэзия дунёнинг акси ҳам, уни ўрганиш йўли ҳам эмас, балки дунёни яратишдир»,** — деган гапи гоят тўғри эканлиги маълум бўлади.

Истиқлол шеъриятида кўнгулга фақат қулоқ орқали эмас, бошқа йўллар билан таъсир қилиш йўлига кирилди. Бу ҳол ўзбек шеъриятини янада ингичкалаштирди, мураккаблаштирди. Бугунги ўзбек шеърияти қатъий шаклий қолипларни қулоққа мослашиш талаби натижаси ҳисоблаб, чин кўнгул ифодасига айланишга астойдил уринмоқда. Дарахт ўз япроқларини янгилаб турмаса, ўсмагани каби шеърият ҳам тинимсиз изланишлар ичра бўлмаса, ички тараққиёт тўхтаб қолиши мумкинлиги англаб етилди. Қанчалик юксак бадиият самараси бўлмасин, кечаги кун шеърияти бугуннинг одамани тўла қониқтиролмайди. Бугунги одам бугунги адабиётга муҳтождир. Бугунги кўнгул бугуннинг туйғуларини кечирмоқ истайди. Эҳтимол, бугунги ақлга озик бўладиган доно фикрлар аллақачонлар айтиб қўйилган ва бугун уни янгилаш шарт эмасдир, лекин бугуннинг руҳини безовта қиладиган гаплар фақат бугунгина айтилиши мумкин. Бугунги шеърият – бугунги одамнинг кўнгул мавжлари. Бу ҳақиқатларни шеър аҳли ҳам, ўқирманлар ҳам, адабиёттанувчилар ҳам англаб етганлиги ўзбек истиқлол шеърияти бағрида шеърий истиқлол вужудга келишига умид туғдиради. Яъни, эртанги ўзбек шеърияти ўзини ва оламни чуқур ўрганиш йўлига тушган ўзбек кишининг кўнгул манзараларини ёрқин ҳамда таъсирли акс эттиришнинг самарали ва ўзига хос йўлларини кашф эта олади.



шеърий

ИСТИҚЛОЛГА

Шоҳ байт

Ҳўш, шоҳ байт нима ва уни қандай хусусиятларга кўра аниқлаймиз? Ушбу мақолада биз ана шулар ҳақида тўхталамиз.

«Шоҳ байт» термини икки маънода қўлланилади. Биринчиси — афористик байтлар шоҳ байт деб аталади. Масалан, Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» дostonидаги:

**Одамий эрсанг демагил одами,
Оники, йўқ халқ ғамидин ғами.
Ёки «Сабъаи сайёр» дostonидаги:
Хушдурур боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули**

байтлари чуқур фалсафий маъноси, юксак поэтик шакли, ҳайратомуз фикрий ҳукми билан кенг маънодаги шоҳ байт ҳисобланади.

Иккинчиси — нисбатан торроқ, хусусийроқ маънода шоҳ байт термини муайян поэтик жанрга мансуб яхлит асар доирасида ҳам бадиий шакл, ҳам фалсафий умумлашма, ҳам мазмуний чуқурлиги билан, энг муҳими, ижодкор айтмоқчи бўлган бош

гояни ифодалаши билан бошқа байтлардан алоҳида ажралиб турадиган байтга нисбатан қўлланилади.

Муаллим Ножий «Истилоҳоти адабия» номли асарида «шоҳ байт» атамаси ҳақида тўхталиб, аини шундай байт қасидада «байти қасид» деб, у аслида ғазал учун хос эканлиги ва бундай байт «байт ул-ғазал» деб ҳам юритилишини алоҳида таъкидлайди.

Адабиётшунос Б.Ақромов «Навоий шоҳ байтлари» номли мақоласида «Шарқ шеърятининг хуштаъб ва закий билимдонлари — таъкиранавис шоиру алломалар махсус шеърӣ иккилик — термаларни шоҳ байтлар деб юритганлар», деб изоҳлайди. Ушбу изоҳдан англашилиб турибдики, олим шоҳ байт атамасини кенг маънода қўлламоқда.

Юқорида келтирилган барча изоҳларни умумлаштириб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, у ёки бу шоир ижодидаги энг гўзал, чуқур мазмунли ва ҳайратомуз байтларни кенг маънода шоҳ байт деб

аташ мумкин. Иккинчидан, тузилиши байтга асосланган ғазал, рубоӣ, қитъа ва маснавий каби жанрларда яхлит асар ичидаги мазмунан чуқур, шаклан гўзал ва юксак образлиги билан бошқа байтлардан алоҳида ажралиб турувчи байтни шоҳ байт, деб юритиш мақсадга мувофиқдир.

Мана шу нуқтаи назардан Б.Ақромов шоҳ байт сифатида таҳлил қилган Алишер Навоийнинг «Фавойид ул-кибар» девонидаги етти байтдан ташкил топган 72-ғазалнинг иккинчи байтини кўриб чиқайлик.

**Яхши эрди саҳфаи афлок дардим
ёзғали,
Баҳри ашким мавжидин борин нам
эттинг оқибат.**

Ушбу байт ғазалдан ажратиб олиниб, шоҳ байт сифатида таҳлил этилган. Бундай ҳолатда таҳлилга ҳеч ким моненьлик қила олмайди. Чунки байтнинг ҳақиқий «шоҳ»лигини исботлаш учун таққослашга бошқа байт йўқ.

Аммо ғазал таркибида ушбу байтдан

14th Asian Games
BUSAN 2002

Ўзбекили



бошқа яна олтига байт мавжуд. Улар юқоридаги байтга ҳар томонлама таққосланса, шох байт сифатида талқин этилган байтнинг «шоҳ»лиги ўзини оқлай оларми-кан? Чунки шох байтни аниқлашда асар таркибидаги ҳар бир байт атрофлича қиёсий талқин қилиниши ва ана шу таҳлил натижасида аниқланган энг юксак даражадаги байт танлаб олиниши зарур.

«Фавойид ул-кибар»даги ушбу ғазал қисмат фалсафаси мавзусида ёзилган бўлиб, унда лирик қаҳрамоннинг охир оқибатда эришган ҳолати ошкор этилган. Буни байтлар мазмунини оддий қиёсланинг ўзи тасдиқлайди.

Биринчи байт мазмуни: дунё ғамларининг оғир юкидан қаддини чанг асбобдек эгиб ташладинг (хам этдинг), жон ипларидан чиқаётган нолаларни пасту баланд этдинг оқибат.

Б.Ақромов шох байт сифатида таҳлил этган иккинчи байтнинг мазмуни: менинг дардимни ёзишга осмон саҳифаси яхши эди (дардим кўп дейилмоқчи), аммо кўз ёшларим денгизи билан уни нам қилдинг оқибат.

Учинчи байт: чекаётган оҳларимнинг тутунини тўққизта осмондан ҳам баландга чиқардинг ва ана шу тутунни чиқарувчиларнинг бошига кокил қилдинг оқибат.

Тўртинчи байт: гурбат, ишқ, ҳажр балоси, заифлик ва хасталик етмасмидики, мени яна мажнун қилдинг ҳам оқибат.

Бешинчи байт: оҳим фалакка чикди, кўз ёшим — юлдуз, нолам — момақалди роқ, юришим — чақин, табиатимдан (яратилишимдан) бир ажойиб олам қилдинг оқибат.

Олтинчи байт: эй муғбача, бу кўҳна дунё

ичида жоним сенга фидо бўлсинки, жаҳондин бизни масту беғам қилдинг оқибат.

Еттинчи байт: Эй Навоий, ишқ ичра биз васл истадик, сен эса кўпкулдинг ва бизни бу муддаода хижолат қилдинг оқибат.

Ғазал байтлари мазмуни ўзаро қиёсланса, иккинчи байт шох байт бўла олмайди. Чунки шоирнинг бош ғояси, айтмоқчи бўлган асосий фикри дунёнинг, ишқ аҳлининг ҳеч қачон васлга эришиши мумкин эмаслигини айтишдан иборат (бунда илоҳий ишқ назарда тутиямокда — Н.Ж.). Шу боис лирик қаҳрамон ишқда васл истгани билдирганда тақдир унинг устидан кинояли кулиб, уни ана шу муддаода уялтирмоқда.

Маълум бўладики, ушбу ғазалнинг энг гўзал, ижодкор айтмоқчи бўлган фикрни, кишини мутаассир қилувчи ғояни ифодаловчи байт, яъни шох байт мақтаъ бўлиб чиқади. Борди-ю, Б.Ақромов муболаға даражасининг юксаклиги жиҳатидан иккинчи байтни шох байт деб ҳисобламоқчи бўлса, бу жиҳатдан ҳам у ҳақ эмас. Чунки муболаға юксаклиги жиҳатидан ғазалнинг учинчи, тўртинчи, айниқса, бешинчи байтлари иккинчи байтдан анча юксакроқ даражададир. Шу ўринда бир савол туғилиши табиий. Бир ғазалда шох байт иккита ёки учта бўлиши мумкинми? Бу саволга жавоб бериш мушкул.

Яхлит ғазални ташкил этган байтлар мазмунини, уларнинг фикрий парвоз даражасини, бадий ифода шаклини қиёсий таҳлил қилмай туриб шоир айтмоқчи бўлган муҳим ғояни ифодаловчи шох байтни аниқлаб бўлмайди.

Балки шох байтни шеърхоннинг субъек-

тив майли, пафоси тайин этар?! Албатта, шеърят субъектив кечинмалар маҳсули. Бинобарин, шох байт ҳам субъектив муносабатни талаб этиши шубҳасиз.

Аммо муайян яхлит асар таркибидаги энг кучли туйғу ва кечинмани ифодаловчи, фикрий парвози баланд, ижодкор ғоясини ифодаловчи байтгина шох байтликка муносибдир. Мана шу талабдан келиб чиқилса, юқоридаги ғазалда лирик қаҳрамон фарёди, унинг иқрори, одам боласининг бевафолиги, юзсизлиги англаб етилган фалсафий хулоса еттинчи байтда ифодаланган. Қолаверса, шох байт объектив ва субъектив муносабатлар бирлашган ва умумлашган ўриндагина ўзлигини намоён этади.

Хуллас, Алишер Навоий ва унинг издошлари ижодида шох байтларнинг ажойиб намуналари бор. Уларни таҳлилу талқин этиш барча адабиёт муҳибларининг бурчидир.

Назокат ЖҲРАЕВА



стори

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтказилган XIV Осиё ўйинларида вакилларимиз 15 та олтин, 12 та кумуш, 24 та бронза медалига сазовор бўлишиб, 43 та давлат орасида 5-ўришни эгалладилар.



Мазон модаси: Англия



Айни кунларда Англияда ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб 70-йилларнинг ўрталаригача бўлган даврдаги мода қайтди. Ҳозир модельерлар классик либосларни замонавийлаштирмоқдалар. Англияда кундалик либос билан классик костюмлар устун туради. Ёшлар, талабалар бутун дунёдаги каби асосан сити-стайл услубида кийишади. Бундан ташқари Англия аёллари кийимида борадиган жойи, сабаб, албатта, катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам уларда иккита асосий йўналиш бор: турли тантаналарда кийиладиган смок-либос ва кундалик кўйлак. Улар жиддий бичимдаги ва айни вақтда бироз романтикроқ кийимларни ёқтирадилар. 70-йилларда урф бўлган ялтир-юлтурлар нафақат либосларда, балки сумкалар, оёқ кийимларда ҳам акс этмоқда. Англиялик аёллар ўз қадди-қоматларининг афзалликларини хушбичим кийимлар орқали кўрсата оладилар. Улар мато фактураси, ранги ва шаклини ўта позик ҳис қиладилар, энг нафис, сифати юқори бўлган кийимларни кийишни афзал кўрадилар. Ҳозирги кунда Англия модасида қизил, оқ ва қора ранглар етакчилик қилмоқда. Кўлда тўқилган блузкалар ўзига хос қадр-қимматга эга. Қишда ҳарбий услубда тикилган кийим-кечаклар анъанага кирмоқда. Англиялик аёллар қимматбаҳо, асл зебу зийнатларни ёқтиришади. Улар табиий тошлар, оқ тилла ва бриллиант кўзли тақинчоқларни кўпроқ харид қилишади.

Бу юрт аёллари либосида асрий анъаналар ва замонавийлик мужжасам.



XX аср кино санъати Мэрилин Монро номи билан чамбарчас боғлиқдир. Айниқса, 50-йиллар кино оламини бу бетактор ва жозибали актрисасиз тасаввур этиш қийин. Уша даврларда Мэрилин Монро жаҳон кинематографиясининг ягона гўзаллик тимсоли сифатида тан олинганди. Унинг ижросидаги турфа хил образлар бугунги замон томошабинини ҳам ўзига мафтун этиб келмоқда.

Ҳақиқий исми Норма Жин Бейкер Мортенсон бўлган Мэрилин Монро 1926 йилнинг 1 июнида таваллуд топганди. Қизалоқнинг отаси ким эканлиги бугунги кунда ҳам мавҳумлигича қолган, бироқ у онасининг сўзи билан норвег мухожирининг фамилиясини олган. Фақатгина 21 ёши-

рини бекор қиладилар ва бўлажак «миллионлар ошуфтаси» яна ишсиз қолади.

Бирмунча муддатдан сўнг оламга машҳур «Колумбия Пикчерс» кинокомпанияси ёш ва умидли актрисага муурожаат қилиб, уни ўзаро ҳамкорликка чорлайди. Бу студияда Мэрилин, кейинчалик ўша нохуш тунга қадар мароқ билан эслаб юрган биринчи ва сўнги муҳаббати — Фред Карчерни учратади. Улар ўртасида туғилган муносабат ҳар қандай қувонч ва ташвишлардан юқори бўлиб, чинакам маъно касб этганди. Шу сабабдан улар ажралиб кетишгандан сўнг ҳам (бунга асосан Мэрилин айбдор эди) актриса бу муҳаббатни ёдидан чиқара олмади.

Тез орада Монро «XX аср Фокс» кино-

бўлишини билганида борми... Улар Санта-Моникада танишадилар. Жон бу пайтда ҳали президент бўлмаса-да, келажаги порлоқ конгрессмен эди. Улар ўртасида ишқий саргузаштлар бошланди. Мэрилин Жонга қаттиқ боғланиб қолган, усиз бир дам туролмасди. Бироқ Жон учун у навбатдаги «ўлжа» эди, холос. Шу боис, кўп ўтмай Жон уни усталик билан укасига «ошириб юборади».

Гиёҳвандлик балосидан қутула олмаган Монронинг кинода ҳам ишлари орқага кета бошлади. Тез орада Робертнинг ҳам ундан кўнгли совида. Мэрилин яна ёлғизликка, бу сафар дахшатли ёлғизликка маҳкум этилади. Бироқ у бунга тоқат қилолмас, шунинг учун ҳам Жон-

«Миллионлар ошуфтаси» MERILIN MONRO



да, 1947 йилда Норма Мортенсон отаси эканлигини рад қилгач, то умрининг сўнгига қадар шахсини тасдиқловчи ҳужжатларда «отасининг исми» дея аталувчи қисм бўш қолиб кетади.

Мэрилин ёлғизликка тоқат қилолмасди, жамоат жойларини хуш кўрар ва ана шундай ерларда ҳамманинг нигоҳини ўзига қаратишни ёқтирарди. Эркаклар-ку уни кўрганлари замон уйланганликларини ёдидан чиқариб кўярдилар. Жон олувчи ширин табассум ҳаммани ўзига зумда асир этарди. Шу боисдан, у ўттиз етти йиллик ҳаёти давомида беш бора турмушга чиққан ва йигирмадан ортиқ ишқий саргузаштлари билан машҳур эди. Шундай бўлишига қарамасдан, жудаям тез берилувчан бу соҳибжамол қарийб бутун умр ёлғизликда ҳаёт кечирди.

Мэрилин оила салтанатига қадам кўйганида ҳали ўн олти ёшни ҳам қоралаб улгурмаганди. Биринчи эри Жим Дакерти исмли фотограф эди. Уларнинг турмушлари узок чўзилмади. Бир қанча вақтдан сўнг Норма Жин Бейкер қимматбаҳо журналлар муқовасига чиқариш учун ярим яланғоч ва шахвоний ҳолатда тасвирга оладиган фото агентликка натурачи бўлиб ёлланади ва шу орқали даромад илинжида танасини кўз-кўз эта бошлайди. Шу билан бирга ўз иқтидорини кино санъатида ҳам синаб кўришга ҳаракат қилади.

Унга «XX аср Фокс» киностудиясидан фойдали таклиф тушади. Гарчи эпизодик ролни ижро этган бўлса-да, мунаққидлар томонидан у «кино санъати оламига чақноқ юлдуздай порлаб кирди» дея таърифланганди ва айни 1947 йилдан бошлаб жаҳон кинематографияси титрларида Мэрилин Монронинг номи пайдо бўлади. Унинг бошига бахт қуши кўна бошлаган эди. Лекин негадир асосиз сабабларни рўқач қилиб киностудия раҳбарлари у билан тузган шартномала-

студияси томонидан 50-йилларнинг вестерни дея тан олинган «Асфальтланган чангалзор» фильмига таклиф этилади. Фильм мухлислар ва танқидчилар томонидан илиқ кутиб олинди. Унинг ижросидаги «Жаноблар малласочларни ёқтиришади», «Қандай қилиб миллионерга турмушга чиқиш мумкин?!» каби кино асарлари Мэрилиннинг Голливуд олимпиа томон янада кўтарилишига замин яратди. У эндиликда нафақат Америкада, балки Оврупо қитъасида ҳам ўз мухлисларига эга бўлганди. У асосий ролларни ижро этган «Ниагара», «Жазда фақат қизлар», «Севги билан машғул бўлган» ҳамда «Синоат» фильмлари жаҳон кинематографиясида ўзига хос йўналишларни бошлаб берди.

Мэрилиннинг жамоат ишида нечоғли омади юришмасин, шахсий ҳаётда бахтини тополмади. У икки йилда уч бора турмушқуради. Таниқли мунаққид Боб Слетицер, сўнг бейсбол юлдузи Ди Драждо, ундан кейин эса машҳур кинодраматург Артур Миллерлар Мэрилин Монронинг қонуний эри бўлиш «бахти»га мушарраф бўладилар. Бу орада Мэрилин «Ўн йилликнинг истеъдодли актрисаси» номинацияси бўйича голиб чиқиб, ҳақиқий киноюлдуз даражасига кўтарилди.

Машҳурликнинг залворли юкини кўтара олмаган актриса гиёҳвандлик ботқоғига бота бошлади. У тинмасдан марихуана чекар, спиртли ичимликларни ҳам меъёридан ортиқ қабул қила бошлаганди. Буларнинг бари эски дарднинг кўзғалишига олиб келди ва Мэрилин бир қанча вақт давомида руҳий хасталар шифохонасида даволанишга мажбур бўлади.

Кўп ўтмай Роберт Кеннеди ва у орқали Жон Кеннеди билан танишган актрисанинг ҳаётида яна туб бурилиш ясалди. Агар у бу танишувнинг оқибати аянчли

нинг хотини Жаклин Кеннедига кўнғироқ қилиб: «Сен мамлакатнинг биринчи хоними бўлишга арзимайсан, бу ўрин менга муносиб!» дейишга ҳам журъат этди. Бу — сабр косасига тушган сўнги томчи эди...

Ишқий саргузаштларнинг доимий гувоҳи бўлиб юрган Робертнинг хоссоқчиси Питер Поуфорднинг гувоҳлик беришича, 1962 йилнинг 4 августида Мэрилин Лос-Анжелесда Роберт Кеннеди билан учрашади. Бироздан сўнг улар ўртасида жанжал бошланади ва Мэрилин: «Ҳали ҳаммасини фош қиламан, эртагаёқ матбуот конференциясини чақириб, Кеннеди қай йўсинда АҚШ президенти бўлиб олганини ошкор қиламан. Менинг ким эканлигимни ўшанда биласанлар!» деб қичқира бошлайди. Улар ўртасида гап қочиб, Роберт унинг уйини жаҳл билан тарк этади.

Кейинги воқеалар қутилмаган тарзда, жадаллик билан ривожланиб кетди. Мэрилин бир вақтлар Роберт тавсия этган шифокор билан икки соатга яқин суҳбатлашиб ўтиради ва унинг кўрсатмаси билан бир неча турдаги дориларни истеъмол қилади. У кетгач, Поуфорд кўнғироқ қилиб Роберт тантанали кечага таклиф этаётганини билдиради. Бироқ Мэрилин ўзини жуда ёмон ҳис қилаётганини айтиб, учрашишдан бош тортади. Унинг овозидаги ҳорғинлик ва бесаранжомликни илғаган Поуфорд кўп ўтмай яна кўнғироқ қилишга тушади, бироқ бу сафар гўшақни ҳеч ким кўтармайди...

Унинг ўлими сабаблари кўп миқдорда хушдан айирувчи препаратларни истеъмол қилишда, деб қайд этилган. Нима бўлган тақдирда ҳам у «миллионлар ошуфтаси» бўлиб кино ихлосмандлари қалбида яшаб қолди.

Ферузбек ТОШХҲЖАЕВ
тайёрлади

Бу икки исми ёнма-ён қўйиш дастлаб эришдек туюлади. Бироқ қўйилган масала буни оқлайди: гап Жон Мильтоннинг «Йўқотилган жаннат» поэмаси ва Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни» драмаси ҳақида. Зеро, ҳар икки асарнинг сюжети аслида бир ривоятдан олинган. Бинобарин, уларни қиёслашга имконият кенг. Худо малакларни ўзи тупроқдан яратган Одамга сажда қилишга амр қилиши ва Иблис буни истамай исён қилгани ҳақида «Инжил»да ҳам, «Куръон»да ҳам ҳикоя қилинади.

Мильтон 1649 йилги буржуа инқилобидан сўнг янги тузилган ҳокимият ишларига жалб этилади. Бироқ яққаҳокимлик қайта тикланиши оқибатида у 1660 йили сиёсий доирадаги мавқеини йўқотади. Шу каби ижтимоий эврилишлар уни давр бўҳронларини акс эттирувчи, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи сюжетларни излашга ундайди. Шу шароитда унинг энг муҳим асарлари — «Йўқотилган жаннат» ва «Қайтарилган жаннат» поэмалари пайдо бўлди.

Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни» драмаси ҳам шунга ўхшаш бир шароитда яратилди. Адибнинг Фарб фалсафаси ва адабиёти билан қизиққанлиги ва яқиндан таниш бўлганлиги маълум. Гарчи унинг, Мильтоннинг «Йўқотилган жаннат» поэмаси билан танишлигини бевосита тасдиқловчи фактлар бўлмаса-да, Иблиснинг Худога қарши исёни ҳақидаги ривоят Европада ҳам, Марказий Осиёда ҳам анчадан буён турли ёзувчи ва алломалар эътиборини жалб этиб келган ҳамда ҳар икки ҳудудда унинг турли талқинлари мавжуд эди. Бундан Фитрат хабардор эди, десак муболага бўлмайди. Мазкур ривоят Фитратга қадар мумтоз адабиёт вакиллари, айниқса, мутасаввуф алломаларнинг диққатини ўзига тортган. Фитрат, албатта, тасаввуф адабиётидаги турли талқинлар билан таниш бўлган. Умуман олганда, Мильтон ҳам, Фитрат ҳам ўз ўлкаларидаги аъноларга маълум даражада суянганлар. Фитрат тарихий шароитдан келиб чиққан ҳолда ривоятни мутасаввуфлардан буткул ўзгача талқин этган.

Мильтоннинг «Йўқотилган жаннат» асари XVII аср инглиз буржуа инқилобининг ўзига хос бадиий талқини сифатида майдонга келган. Унинг инқилобий мазмуни Иблиснинг Худога қарши курашида намоён бўлади. Мильтон Худо, инсон ва бошқа образларга рамзий маъно беради. Унинг поэмасидаги Худо—золим ҳукмдор рамзи. У «бир ўзи фалақда ҳукмдорлик қилади ва бўйин эгишни истамаган Одамларни ҳам, малакларни ҳам жазолайди».

Фитрат ўз асарида кўпчилик олимлар тўғри таъкидлаганидек, инқилобни кенг миқёсда — тарих ва тақдир миқёсида талқин этади. Асар шу тарих ҳалқимиз тақдирдаги бурилиш нуқтасини бутун фожиаси ва зиддиятлари билан тасвирлаган эпик кўлам касб этади.

«Шайтоннинг тангрига исёни» айна шу жиҳати билан Мильтоннинг асарига яқин туради.

Инсонпарварлик гоёлари билан озукланган Мильтон инсон эрк ва ҳуқуқларининг ҳимоясига отланади. Одам Ато ва Момо Ҳаво, уларнинг шахс сифатидаги ҳис-туйғулари, интилишлари шоирнинг диққат марказида туради. Шу билан бирга, маърифатчилик даври арафасида яшаган Мильтон учун инсон билимга чанқоқ мавжудотдир. Шунинг учун унинг наздида Момо Ҳаво Иблиснинг макрига учган енгилтак аёл эмас. Иблис унга билимнинг афзалликларини очади. Дунёни билиш учун жаннатдан ҳайдалишга ва ҳар қандай азобларга тайёрлиги билан Одам Ато улуғ маърифатчи Гётенинг ҳақиқатни билиш учун Мефистофель билан сулҳ тузишга рози бўлган қаҳрамони Фаустни ёдга солади.

Билим Мильтон наздида, инсонга эзгуликни зулмдан фарқлашни ўргатди. Гуманистик дунёқарашга таянган шоир адашиш, хато ва гуноҳлар орқали савобни таниган инсон охир-оқибат эзгулик манзили томон йўл олишига ишонади.

Фитрат асаридаги Шайтон ҳам билиш — маърифат тарафдори. У билмаган, кўрмаган нарсалар ҳақида гапиришни истамайди. Мильтон қаҳрамони сингари Фитратнинг Шайтони ҳам азобланади. У бўйин эгишни истамайди, мағрур ва эркпарвар.

Мильтон ўз асарини бевосита ўзи қатнашган фуқаролар урушининг таъсирида ёзган ва Англияда содир бўлган икки ижтимоий куч ўртасидаги улкан тўқнашувни акс эттирган. Шунинг учун «Йўқотилган жаннат»даги малаклар икки гуруҳга — Иблис тарафдорлари ва Худо тарафдорларига бўлинган. Иблис малакларнинг Худога қарши исёнини бошқаради, бинобарин, у ёлғиз эмас. Мильтон Иблиснинг Худога қарши исёни орқали пуританларнинг қиролга қарши курашини ифодалайди. Фитрат асаридаги Шайтон эса ўз исёнида ёлғиз. Унга Худо ҳам, Малаклар ҳам қарши. Мильтонда Одам Ато ва Момо Ҳаво идеал инсонлар рамзи. Ҳақиқатни танигач, билим қудратини англагач, эркинлик нафасини туйгач, улар Иблис исёнига қўшиладилар.

Мильтонда Иблис поэманинг бош қаҳрамони бўлса-да, Инсон муаммоси шоирнинг диққат марказида туради. Иблис тарафидаги малаклар Одам Атони ҳақиқат томон бошлайдилар. Бироқ Инсон уларга кўр-кўрона эргашмайди, ҳақиқатни ўзи ҳам англашга ҳаракат қилади.

Момо Ҳавони таъқиқланган мевадан тотиб кўришга фақат бир нарсга ундайди — билиш. Иблис ва Исо эса инсонни ҳаракатга ундовчи, яъни ҳақиқатни англаш томон бошловчи Яхшилик ва Ёмонлик рамзига айландилар. Иблис гарчи инсоннинг кўзини очган, унга ҳақиқатни англашга бўлса-да, уни йўлдан уришга ва шу орқали ўзининг Худога қарши исёнини ифодалашга интилади.

«Шайтоннинг тангрига исёни»да инсоннинг яралиши драматик воқеани ҳаракатга келти-

ради. Аммо инсоннинг ўзи унсиз, ҳаракатсиз. Муаллифнинг диққат марказида эса Шайтон, унинг исёни, шубҳалари. Маърифатчи Фитрат инсон ақлини ягона ўлчов, деб билгани боис XVIII аср Европа маърифатчиларига яқинроқ.

Жадидчилик ҳаракати мустамлакачиликка қарши кураш шароитида шаклланган. Аввалига чор мустамлакачилари, кейинроқ шўро ҳокимияти ўз ҳақиқатларини зўр бериб иш-ботлашга ҳаракат қилиш билан чекланмай уни абсолют ҳақиқат сифатида тақдим этишга уриндилар. Ким ҳақ-у, ким ноҳақ? Ўзи мутлақ ҳақиқат борми? Қўли баланд кучлар ҳақиқатга эгалик қилиши мумкинми? Тақдим этилаётган, зўрлаб сингдирилаётган, бир-бирига зид «ҳақиқат»лар куршовида қолган, даврнинг суронли йилларини бошидан кечирган Фитрат ҳам шубҳага келди, ҳақиқат ахтарди.

Фитрат ижодини, «Шайтоннинг тангрига исёни»ни тадқиқ этган олимлар илгари сурган турли талқинларни инкор этмаган ҳолда, айтмоқ лозимки, драма улар тилга олган муаммолардан анча чуқурроқ фалсафий муаммоларни кўтариб чиқади.

Билиш истагида ҳаракатга келган Ақл ўйсиз қабул қилиниши талаб этилган тайёр «ҳақиқат»ларга дуч келганида «нега?» деган саволга тугилади. Драма айна шу ҳолат ва саволдан бошланади.

Фитрат асаридаги Шайтон гарчи мақсадида эришолмаган бўлса-да, малаклар ва инсон қалбида курашга даъват этувчи шубҳа кўзготишга ҳаракат қилади. «Шайтоннинг тангрига исёни» асарида «нурдан яралган малаклар» ва «тупроқдан яралган инсон» ҳамда «вазифаси икки буклам сажда бўлган» малаклар ва «раҳбари фан, пайгамбари билим» бўлган Шайтон ўзига хос антигезага айланади. Шу аснода Малаклар образи ҳам, Шайтон образи ҳам ўзгача мазмун касб этади.

Асарнинг сўнггида Шайтон тангрига очиб исён қилгандан сўнг «...шайтондан, одамдан, малаклардан, мимбардан ҳеч дарак қолмагани кўринадир». Нима учун? Ахир исён қилган Шайтоннинг ўзи-ку. Нега фақат Шайтондан эмас, балки Одамдан ҳам, Малаклардан ҳам «дарак қолмади»? Бадиий қонунларини чуқур билган Фитрат асар воқеаси билан хотимаси ўртасидаги бундай номутаносибликка йўл қўйиши мумкинми? Йўқ, албатта. Фитрат «Раҳбари нажот» асарида авлод тарбияси ҳақида фикр юритиб, инсон учун уч хил ўлчов салоҳи кераклигини айтади. Уларни саломатлик, соғлом фикр ва ахлоқи сано деб белгилайди ва «ҳар бир киши шу уч қуролдан бири-сиз кураш майдонига кирса, албатта, мағлуб бўлиши табиийдир», деб ёзади.

Маълум маънода «Шайтоннинг тангрига исёни» асаридаги Малаклар, Инсон ва Шайтон ана шу уч салоҳнинг рамзи сифатида келади. Драмада учаласи ҳам мағлуб бўлди. Зеро, ҳар бири фақат бир сифатга эга ва ҳар бири ўз салоҳини ақидага айлантириб, ўзга сифатларни тан олмайди. Жамиятда тинимсиз ўзгаришлар содир бўлаётган бир даврда яшаб ижод этган Фитрат Мильтон каби озод ва комил инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Улуғбек САИДОВ

Фитрат ва Мильтон

ёхуд ўзгани таниш орқали ўзликни англаш

Bor ekanu yo'q ekan,
och ekanu to'q ekan.
Allaqaysi zamonda,
allaqaysi makonda bir fil
yashar ekan. U bolaligidan
jonsarak va janjalkash
ekan. U har safar bo'lar-

ASLIDA KIM BOTQIR?

bo'lmas janjallarga aralashib qolarkan. Kunlardan bir
kun u o'rmondagi daraxtni xartumi bilan urib tebratib-
di. Agar yana bir oz tebratsa, daraxtni ildiz-pildizi
bilan sug'urib olarkan. Daraxtda esa asalarilarning
uyasi bor edi. Tebranishdan uya buzilishi turgan gap.

— Fil polvon, — deyishibdi arilar, — iltimos, bizning
uyimizni buzmagin.

— Nima menga sizlarning
uylaringiz? — debdi javoban fil. —
Sho'xlik qilishni istadimmi, demak,
sho'xlik qilaveraman.

— Eh, fil polvon, — deyishibdi arilar,
— biz ham sho'xlik qilmagin demayap-
miz. Marhamat, istaganingcha qilaver,
faqat boshqa daraxtlar oldida o'yna-
gin.

— Yo'q, bu yerdan hech qayoqqa ket-
mayman, — deb so'zida qat'iy turib
olibdi fil. — Qarang-a, bu yuzsizlarni,
o'zlari men istasam bir lahzada tovo-
nim ostida yo'q bo'lib ketishadi-ku,
yana aql o'rgatishganiga o'laymi?!

— Fil polvon, — ogohlantirishibdi
arilar, — agar uyimizni buzsang, seni
jazolaymiz.

— Xohlaganlaringni qilaveringlar, —
kulibdi fil. — Sizlardan qo'rqadigan
ahmoq yo'q.

Arilar oqsoqollari bilan kengashishib,
so'nggi bor fildan uylarini buzmaslikni
iltimos qilishga qaror qilishibdi. Agar
fil ularning iltimoslarini bajarmasa,
uni o'lasi qilib chaqishga kelishishibdi.
Ular filga uzoq yalinishibdi, ammo fil
bu o'tinishlarga e'tibor bermabdi.
Toqatlari toq bo'lgan arilar filga
yopishib, boshi, ko'zi, qulog'i, xartumi
— xullas, butun tanasini chaqa bosh-
lashibdi. Fil bir lahzada xuddi tog'dek
bo'lib shishib ketibdi. Filning alamza-
da na'rasi butun o'rmonni tutib ketib-
di. U qocharmish, arilar quvlarmish.
Nihoyat filning kuchi qolmay, yerga
yiqilibdi. Uni arilar o'rab olib,
so'rashibdi:


— Qaysarvoy, endi o'zingni qanday
his qilyapsan?

Fil ham uyatdan, ham og'riqning zo'ridan boshini
ko'tara olmabdi.

— Fil polvon, — deyishibdi arilar, — sen kuchingga
ishonib bizni qiynading. Ammo, bilib qo'yki, ojizlarni
qiynaganlarning holi doimo voy! Yomon, albatta,
jazosini olajak!

H.NABIYEV
tarjimasi

Suratni Temur SALOHOV chizgan



Турсун АЛИ

Олдимда тўлиқиб

Умрим гўшасида не кунлар

кўрмадим,

бағримни тиглаб чақнади чақмоқ.
Қандайин шамоллар мени сурмади,
аммо яшайвердим кўзларим уйгоқ.

Қай кун ҳаётимда кўз очди баҳор,
кунларим ёришди, қор кетди эриб.
Тунларимдан ранглар чекинди ночор,
офтобли тонгларим отди оқариб.

Зангори боғларим қўйнида секин
теграмда қушчалар, кезаман

хушҳол.

Вақт араваси елдай-елмоқда бетин,
манзил ҳам узоқмас, етарман алҳол.

Олдимда оқмоқда дарё чулганиб,
бир кун мен қўйнига чўкаман, лекин
ўшанда ҳам юртим бағрингда

тўлиб —

дарёга айланиб оқаман сокин.

* * *

Рухсиз чоғларимнинг қай бир кунда,
юрагимга кирдинг баҳордай кулиб.
Ҳолсиз туйгуларим кириб жунбушга,
баҳорим сен сари қолди интилиб.

Олдимда тўлиқиб гуллар кунларим,
барг ёзар сомондай сариқ боғларим.
Фараҳбахш бўлар қора тунларим,
ёришиб кетди-ей кўнгил чирогим.

Ҳапқириб уради кўксимда юрак,
бунча ўртанасан энтикиб, эй жон.
Гўзал туйгуларга тор бўлар кўкрак,
вужудимни босар асов ҳаяжон.

ҚУШИҚ

Ҳофизга

Кеча...

Ухлар қушлар.

Шамол йўқ.

Ухлар сукунат.

Шоирлар ором тўшақларида.

Янграр қўшиқ,

Янграр қўшиқ.

Бутун борлиқ келар ларзага,

Келар ларзага.

Қайдан янграр у?

Янграр у!

Билмадим...

Ой ноласимикан?!

Юлдузлар ҳайқириги,

денгиз галаёни,

тоғлар садоси.

Ё булбул фиғони.

Уйғонар оҳулар,

уйғонар қушлар,

уйғонар осмон,

тўлганар замин,

уйғонар миллат,

ВАТАН уйғонар...

* * *

Бир оқшом

эркаладинг мени.

Бокира туйгулар уйғониб кетди.

Меҳрим офтобдай товланар,

Тўзгиган сочларинг силадим.

Лабларингдан симирдим асал.

Сочларингдай бир тутам тун

Тумандай тарқади.

Ҳарир кўйлакли тонг

Сендан олисларга етаклар.

Юлдузлар чақнаган кеча

Ёдим осмонида ой каби балқир.

* * *

Зумрад адирларга кетайлик, жоним,
қарагил унда хур яшнар майсалар.
Дарёдай жўшади танимда қоним,
бошимизда кезар абри найсонлар.

Зумрад адирларга кетайлик, юргил,
қизгалдоқлар кутар бағирлари қон.
Майсалар огушига сингамиз буткул,
азизим, бу дамлар қайтмас ҳеч қачон.

Зумрад адирларга кетайлик, букун
негадир ўртанар, куяр бу бағир.
У ердан бошланар баҳор биз учун,
муҳаббат тугилгай софликдан ахир.



* * *

Қозоқбой акага
Қаршимда тўлганиб оқади
дарё,
ундан ранг олади ложувард

осмон.
Кўзу кипригидан таратиб зиё,
чанқаган офтоб сув ситар
беармон.

Оғушида шодон юзар ўрдақлар,
қушчалар тўшларин чайишиб
учар.

Қамишзор шовуллар — гўёки
беклар,
соҳилда мажнунтол телбадай
қучар.

Майсалар энтикиб беради
салом,
ялпизлар таратар хуш бўй
анқитиб.
Бағрида балиқлар дуркуну
соғлом
қиргоқ сари ўзин отар
итқитиб.

инда ёлғиз полапон
шамол бўлса кучаяр беомон
Ўзинг тўзим бер, Оллоҳим!

II

Манзил олис
йўл ютар от
гулдирайди момақалдироқ
изгир калхатдай қора булутлар
Ўзинг мадад бер, эй раббим!

III

Офтоб чарақлар йўл ёруғ
марра сари борар йўловчи
ким айтар
йўл бехатар деб
Унга пандҳ бер, илоҳим!

IV

Қопқонга илинди беғуноҳ оху
жсон огригидан талпинади у
шахло кўзлари мўлтирар
уни ҳеч ким қутқармас ёху
Эй Оллоҳим, омонлик бер унга ўзинг!

V

Соҳилдан тошиб турибди дарё

гуллар кунларим

Юрагимдан оқиб ўтади дарё,
мен эса шовурин тинглайман
жимжит.

Зангори либосга бурканган дунё,
бутун вужудларда гимирлайди ҳут.

* * *

Қувам боғларин эслатсин дея
ҳовлимга ўтқаздим
анор кўчатларин.

Бул ниҳоллар бир кун
Дўрмон боғларига қанот бўлар
дунёни тутар шовурлари...

ЎТИНГ

I

Шамол қутирган итдай
учириб кетар хас-чўпларни

бешиқдай тебранар кўприклар
гар беланчакдек учса сув
не бўлар дунё
Фалокат қўлидан асра, эй худо!

VI

Тог кўксидан бир тошни
қулатиб юборди бўрон
қўлидан ажралган кимсадай
тоғ мунгайиб боқади
Оллоҳим, сабр бер, чидам бер ўзинг...

ЖИЙДАЛАР ГУЛЛАГАН КЕЧА

I

Сен юрагимга кириб келдинг,
тасодиф эмасдир.
Балки...

II

Сен ҳам тўрт девор
ичидасан,
Мен ҳам тўрт девор ичинда.
Қандай тондик бир-
биримизни?!
Наҳот, олтин занжирлар узилди,
ахир кўнгил кўнгилдан сув ичмак бўлди.

III

Қайларгадир мен сени бошладим,
Жимгина кетавердинг сен.
Йўлнинг охири жарликми,
ёхуд гуллаётган боғми?...
Сен ҳам, мен ҳам билмаймиз бун.

IV

Жийдалар гуллаган кеча
ухлолмадим,
эй олисдаги соғинчим.
Кириб келавердинг
кўзим сарҳадларига.

* * *

Тун билан чертилар деразам кўзи,
энтикиб қарайман кўринмас ҳеч ким.
Қулогимга кирар кимнингдир сўзи,
Қарайман: ҳеч кимса йўқ, ҳаммаёқ жим.

Тун билан деразам чертилар, бироқ...
дунё кўзларимга бўлар омонат.
Юрагимни куйдириб киради фироқ,
қайдасан руҳимдан учган ҲАЛОВАТ?..



Пайғамбаримиз хижратнинг еттинчи йилида Шарқий Рум (Византия) императорлиги ва дунёнинг бошқа давлатларига таблиғ мактублари юбориб уларни исломиятга даъват этганлар. Бу гоё билан Мадинага келган Бани Ханифа қабиласининг тамсилчилари орасида Мусайлима исмли бир киши бор эди. Бу шахс мусулмонларни кўргач, уларга нисбатан қалбида уйғонган ҳасадни ўзини катта ҳалокатга судрайдиган тарзда изҳор этди ва ўзини «пайғамбар» деб танитиб, қавмларнинг ўзига тобе бўлишини хоҳлади.

Мусайлиманинг бу иддаоси баъзи мунофиқларнинг ёрдами туфайли қувватланди ва Бани Ханифа қабиласидаги бир неча кишини диндан чиқарди. Ёлғончи пайғамбар (Мусайлима тул қаззоб) кейинчалик янада ҳаддан ошди ва Пайғамбаримизга бундай мактуб ёзди:

«Аллоҳнинг расули Мусайлимадан, яна Аллоҳнинг расули Мухаммадга. Сенга салом бўлсин. Мен сен билан бирга пайғамбарлик вазифасига шерикман. Ер юзининг ярми бизга, ярми эса Қурайш қабиласига оиддир. Бироқ Қурайш ҳаддидан ошган бир қавмдир»

Пайғамбаримиз бу сатрларни ўқигач, мактубни келтирган элчига: «Агар элчига ўлим йўқлиги ҳақида қоида бўлмаганида, сизнинг бошингизни олдираддим», деганлар ва Убай бин Каабга ёздирган куйидаги мактубни Мусайлимага юборганлар:

«Раҳмон ва Раҳим бўлган Аллоҳнинг номи билан;

Аллоҳнинг расули Мухаммаддан ёлғончи пайғамбар Мусайлима тул Қаззобга. Салом ҳидоятга тобе бўлганлар устига бўлсин. Бундан сўнг билгилки, ер юзи Аллоҳнингдир. У кулларида хоҳлаганига эҳсон этар. Хусни оқибат эса муттақийларнингдир.

Сен ва сен билан бирга бўлганлар, агар тавба қилсангиз, Аллоҳ сен ва сен билан бирга бўлиб, тавба қилганларни авф этади».

Ухуд жангида ҳазрати Ҳамзани шаҳид этган Ваҳший қул кейинчалик мусулмон бўлди ва ҳазрати Абу Бакр замонида Халид ибн Волид бошчилигидаги бир қўшин орасидан жой олиб, Мусайлиманинг аскарлари билан тўқнашди. Мусулмон Ваҳший бу жангда айнан ҳазрати Ҳамзани шаҳид этган найза билан Мусайлимани ўлдирди. Ва ҳазрати Ҳамзага муқобил бўлишлигини истаган бу ҳаракати билан Аллоҳдан мағфират сўради.

Пайғамбаримиз (с.а.в) Мусайлимага юборганлари ушбу мактуб Истанбул шаҳридаги Тўпқоғи саройи, Муқаддас омонатлар бўлимидаги саноксиз ҳужжатлар орасидан, Доктор Аҳмад Оққундуз томонидан топилган. Жайрон терисига ёзилган бу мактубни, яна шу саройдаги Миср молиги Муқовқисга юборилган мактуб билан алмаштирмаслик керак.

Абдумурод ТИЛОВОВ
тайёрлади



Қандай қилиб соғлиқ ва ёшликни сақлаш мумкин?

7-ҚОИДА.
ХОРДИК

Бу ўринда тўлақонли ҳордиқ кўзда тутилаяпти. Бундай ҳордиқ қон айланишини яхшилайти. Энг яхши ҳордиқ — ҳамма кийимлар ечилган дам. Сиз шундай ҳолатда қуёш, ҳаво ваннаси қабул қилишингиз ёки тушлиқдан сўнг ётиб дам олишингиз мумкин. Бу танани бўшаштириб, яхши дам олишингизга ёрдам беради.

Уйқу ҳордиқнинг ўзгача бир кўриниши бўлиб, бунда барча мускуллар бўшаши. Агар сиз уйқу учун кундузи 30-60 дақиқа вақт топсангиз, кўнгилдаги иш бўлади.

Бироқ тунги уйқу асосий ҳордиқ ҳисобланади. Кўпчилик уйқудан олдин тамаки, дори, қаҳва, чой, спиртли ёки кола ичимликлари ичишга ўрганиб қолган. Булар чарчаган танангизни зўриқтиради, безовта қилади ва кучсизлантиради.

Уйқуга ётишдан олдин ўқиш ёки уй юмушлари билан шуғулланманг, тўйиб овқатланманг, қаҳва ёки чой ичманг.

8-ҚОИДА.
ТАНАНГИЗНИ АҚЛ БИЛАН БОШҚАРИНГ!

Касаллик, оғриқ ва жисмоний қийинчиликларни шунчаки тирикликнинг белгиси сифатида қабул қилишга ҳаракат қилинг. Ўзингиздаги айрим қусурларни ижобий хислатларга алмаштиришга ўрнанинг. Бунга сабр-тоқат ва қатъийлик билан эришиш мумкин. Турли ёқимсиз фикр-туйғулар танангизнинг ҳар бир ҳужайрасига ўз таъсирини ўткази. Уларнинг ичида энг кучлиси кўркув бўлиб, у тушқунлик, сиқилиш, бўлар-бўлмага ваҳима кўтариш, ҳасад, ғазаб, ўз-ўзидан қоникмаслик кабиларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси тана ва миянинг чарчаши, энергия йўқотиш, асабийлашишга, охир оқибат, тез ривожланувчи касалликларга олиб келади. Руҳий саломатликка жисмоний соғлиқсиз эришиб бўлмайди ва аксинча.

Бунинг учун қуйидагиларга амал қилишни маслаҳат берамиз:

— Ҳар куни оз муддат бўлса ҳам, яхши кўрган (хобби) машғулотингиз билан шуғулланинг;

— Ҳафтада 1-2 марта музей, театр, кинога боринг, шаҳар бўйлаб саёҳат қилинг;

— Ҳар куни ташқи кўринишингиз учун ҳеч бўлмаса 15-20 дақиқа вақт ажратинг;

— Доимо ҳаракатда бўлинг ва спорт билан шуғулланинг;

— Тез-тез табиат бағрига саёҳатга чиқинг;

— Кўпроқ кулинг;

— Ва, энг муҳими, ўзингизни севинг. Бу манманлик эмас, балки ўзига ишониш ва ўз ҳаётиндан қониқиш деганидир.

Буларнинг бари сизнинг руҳингизни кўтаради.

9-ҚОИДА.

Бахтга қарши, бугунга келиб атроф-муҳитимиз ифлосланиб бормоқда. Шу туфайли ҳар хил нотабиий дориларни имкони борича камроқ истеъмол қилинг. Ўзбекистон тоғу тошлари бағрида қуёш нурларидан баҳраманд бўлиб ўсган доривор гиёҳлар сизнинг дардингизга шифо бўлади деб умид қиламиз.

XXI аср кишисига «мерос» бўлиб ўтган глобал муаммолардан бири ОИТС (орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) касаллигидир. СПИД номи билан «машхур» бўлган бу касаллик эндиликда давлатлар, минтақалар доирасидан чиқиб, жаҳоний кўлам касб этиб улгурди. Бугунги кунда дунёнинг барча мамлакатларида СПИД касаллиги бўйича эпидемиологик вазият мураккаблашиб, шиддатли тус олиб бормоқда.

Мазкур касаллик вируси биринчи марта 1981 йилда Америка Қўшма Штатларида аниқланган. БМТ маълумотларига қараганда, мазкур касаллик аниқланганидан буён 23 миллион бемор оламдан ўтган. Айни вақтда бутун дунёда СПИД вирусини юқтирганлар 55 миллиондан ортади. АҚШ Халқаро Ривожланиш Агентлиги (USAID) маълумотига кўра, мазкур касаллик оқибатида 8 миллиондан ортиқ бола ота-онасидан айрилган. Бу муаммо кўлами шу қадар кенгайиб бормоқдаки, ҳар бир дақиқада кам деганда 16 киши СПИД вирусини юқтириб олмоқда. Бир кунда 18 минг киши бу касалликка чалинмоқда, ҳар йили 13 миллион бола СПИД ва бошқа хавфли касалликлар таъсирида қурбон бўлмоқда.

Кейинги йилларда Африка қитъасида бу касаллик хуружи даҳшатли тус олди. Охириги маълумотларга кўра, мазкур қитъада СПИД вируси аниқланган беморлар 28 миллион(!)ни ташкил қилади. 1997 йилга қадар қитъада бир кунда 16 минг киши вич вирусини юқтирганлиги қайд этилади. Бошқача айтганда, қитъанинг ҳар 5 фуқаросидан бири мазкур касалликка чалинган. Бунинг оқибатида Африка қитъасида ҳар куни 6,5 минг одам нобуд бўлмоқда. Ҳомиладор аёлларнинг 17-30 фоизи вич вирусини юқтириб олганлиги кишини даҳшатга солади. Қитъада ўртача ёш 39 ёшни ташкил этмоқда (Мутахассислар 2010 йилга бориб бу кўрсаткич 29 ёшга тушиб қолишини айтишмоқда).

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида СПИД касаллигига чалинганларнинг 90 фоизи ривожланаётган давлатлар ҳиссасига тўғри келиши қайд қилинади. Африка қитъасида вирус юқтирган ёш болалар 90 фоизни ташкил қилса, 7,4 фоизи 15 ёшдан 49 ёш-

гача бўлган кишилар ҳисобига тўғри келади. 1999 йилда дунё бўйича вич вируси таъсирида 2,6 миллион киши вафот этган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 5 миллионни ташкил этди.

Шарқий Европа ва Ўрта Осиёдаги эпидемиологик вазият ҳам кескинлашмоқда. Охириги 2 йилда мазкур касаллик МДХ мамлакатларида икки баробарга ўсган. Россия Федерациясида ҳозирги кунда 103 минг бемор аниқланган (биргина 2000 йилда 25 минг киши вирус юқтирган). Украина, Белоруссия, Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистондаги вазият ҳам анча мураккаб. Афсуски, бу касаллик республикамизни ҳам четлаб ўтмаган. Юртимизга СПИД вируси 1990 йилларда хорижлик талаба орқали кириб келган. Бугунги кунда республикамизда 585 та вич вирусини юқтирган бемор аниқланган. Шулардан 30 киши касаллик оқибатида вафот этди. СПИД вируси аниқланган 35 хорижий фуқаро қонун асосида ўз ватанига қайтарилди.

Эпидемик таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, СПИД вирусини юқтираётганларнинг аксарияти гиёҳвандлардир. Хусусан, Россия Федерациясида аниқланган беморларнинг 90 фоизини гиёҳвандлар ташкил қилади. Юртимизда қайд қилинган беморларнинг 75 фоизи героин қабул қилувчи инъекцион гиёҳвандлар

эканлиги аниқланган. Шунингдек, фоҳиша аёллар, ношаръий жинсий алоқа қилувчи эркалар ҳам мазкур касаллик билан оғрийдиган ўта хавфли гуруҳга кирилади.

Шифокорлар СПИД вирусининг эпидемик потенциали юқори эканлигини таъкидлашади. Шунга кўра, мазкур касаллик ҳеч қандай чегара билмайди. Бутун дунё олимлари «аср вабоси»нинг олдини олиш учун вакцина ишлаб чиқиш устида бош қотирмоқдалар. Ҳозиргача вирусга тўғридан-тўғри таъсир қилувчи даволаш препаратлари ишлаб чиқилгани йўқ. Рекомбинат, тирик, синтетик вакцина-кандидат ишлаб чиқилган бўлса-да, бу вакциналар СПИД вирусининг ниҳоятда ўзгарувчанлиги, серотипи кўплиги туфайли яхши самара бермаяпти ва яқин 10 йилда вакцина ишлаб чиқариш муаммолигича қолади.


Эндиликда СПИД касаллиги дунёнинг барча минтақаларини қамраб олди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, касалликнинг тарқалиш суръати шундай давом этаверса, 2010 йилга бориб СПИДга чалинганлар сони 5 баробарга кўпаяди. Мазкур касаллик қатор давлатлар иқтисодиётига жуда катта зарар етказмоқда. Дунёдаги мураккаб эпидемиологик вазият СПИД касаллигига тиббиёт муаммоси деб эмас, кенг кўламли ижтимоий, давлатлараро стратегик муаммо сифатида ёндашишни талаб этмоқда. Дунёнинг турли давлатларида СПИДнинг олдини олиш юзасидан турли даражада ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада талай халқаро, миллий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Қатор халқаро ташкилотларнинг фаолияти ана шу мақсадга йўналтирилган. Лекин бу ҳаракатлар умумий муаммо теграсида бирлашиши лозим. Шундагина инсоният ҳаётидан СПИД аталмиш «юҳо» улоқтириб ташланади.

Шухрат ОРИФ
тайёрлади



СПИД: ҳозирча чора йўқ

Ортиқ Султонов ва Зокир Очилдиевнинг жуда кўп жиҳатлари ўхшаш. Иккиси ҳам 1971 йилда Ургут туманида туғилишган, пойтахтдаги Театр ва рассомчилик институтида бирга ўқишган. Яна... Самарқанд вилоят театрида, вилоят теле-радиокомпаниясида ҳам ёнма-ён фаолият юритишган. Ортиқ Султонов "Қизикчи-97", Зокир Очилдиев "Қизикчи-98" республика кўрик-танлови голиби. Ҳозирда бу икки дўст Ўзбекистон телевидениесининг "Ҳандалак" тележурнали бошловчиси вазифасида ишлайдилар. Истеъдодли санъаткорлар ичакузди хангомалару латифалари билан эл оғзига тушиб улгурдилар.




"Ҳандалак" латифалари

Бир ҳофиз наҳорги ошда хизматда экан. Эрта тонгда турган эмасми, жуда уйқу босармиш. Шундай бўлса-да, амаллаб ашулани бошлаб юборибди. Бир вақт уйқу кучлилик қилиб, бехос ашуланинг сўзларини адаштириб юборибди:

— Айтинг, айтинг, яхшилар гам кўрсин, тўй кўрмасин...

Уйқу зўрлик қилса-да, ҳофиз катта хато қилиб қўйганлигини тушуниб, кўзлари мошдай очилиб кетибди. Дарҳол қилган хатосини тўғирлаб:

— ... деган экан ёмонлар,— деб қўшиб юборган экан.



Коньяк кўргазмаси голибига савол беришибди:

— Нима учун уч юлдузли коньягингиз биринчи ўринни олди-ю, беш юлдузли коньягингиз ўрин ололмади?

— Ўзим ҳам ҳайронман, иккаласини ҳам бир идишдан қуйганман...

XAHIDDAK

Олий таълим босқичи		Дастан идиш	Қурулиш техникаси		Қиёфа	Қишлоқ манзили		Ярим	Ғолиб
	1					Рақам			
						Океан			
Илм-гоҳ					Араб ҳарфи	2		Чорва озуқаси	
Чирой					Пойга автомобили	Ўлжа		Ой номи	
				Кенг эмас	Катта хона	Ўзбек адиби	Рангли металл		Физик зарра
Маъдан чиқити		Ўтмиш замон		Дарахт	Холис гап				
			4		Тасма			Махфий	
Авто мой		Қадимги майдон							
Саможисми	Ширинлик	Шамсий ой	Нишолда ашёси		Замин		Ўтказгич	Африка оти	Овоз даражаси
						Бол...	Кўтарма восита		Ичимлик
Юнон ҳарфи					Олтин	Сув транспорти			
Қаъий қарор			5	Тўнли мато					
				Ранг					
Жануб айиғи				3		Тишли асбоб			
Рад этиш						Проза		6	

КАЛИТ СЎЗ:

1	2	3	4	5	6
---	---	---	---	---	---

Тузувчи: Ғозилжон ОРИПОВ

СИГАРЕТНИНГ АЙТГАНЛАРИ

(антиреклама)

Танидим, деб адашма,
Йўқ, ахир мен Янгиман!
Сигаретлар ичида
Эркагиман, хангиман.

Номдор сигаралардан,
Қолишмагайман асло.
Мени чекишдан олдин,
Иним, нафасни ростла.

Дўстлигимиз хурмати —
Қани, мендан харид қил.
Услубимни баҳолаб,
Пешонамни ёритгил.

Шошқалоқлик қилмасдан,
Сал кулоқ тут гапимга.
Танишмоқни истасанг,
Битта қистир лабингга.

Нафақат енгил, балки —
Енгилтакман, англа сен.
Отангга ҳам бориб айт,
Носмас, мени танласин.

Ҳа, айтгандай, шарифи —
«Хон лайтс —
Ультра»ман.
Сеникиман шубҳасиз,
Ва сени...
Йўқ қиламан!

Биринчи тортишданок —
Суйиб қолишинг тайин.
Ёнимда ип эшолмас —
Гердайиб кетган «Пайн».

Нега рангинг оқариб —
Кетибди, деб сўрама.
Шунчаки пўст ташладим
Янги ҳаёт қураман!

Ориф
Тўхташ



Хаёлот Жилвалари

Райҳон ўзи яратган ҳайкаллар ҳақида меҳр-муҳаббат билан сўзлайди. Хаёлотининг чеки йўқ. Унинг ижодий дунёси ана шу хаёлотдан бошланади. Жонсарақ, куйди-пишди Райҳон маҳорат билан, машаққат билан лойга жон бағишлаётганига ишонаман.

«Хотира» монументи. Тошкентдаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи залининг қоқ ўртасидаги монумент кўзингиз тушиши билан эътиборингизни тортади ва шундай хаёлларга ботасиз: «Чуқур ўйга толган нуроний бобо — сарбон. У — ўтмиш. Кўзларига мунг чўккан момо. У ҳамини фарзандларини ўйлайди... Фарзанд кутаётган ҳомиладор келинчақ. Энди дунёни таниётган, олис-олис уфқларга кўз тиккан бола — бизнинг келажак. Она ва бола... Дарвоқе, уларнинг ичида забардаст эркак йўқ. У юрт озодлиги учун, фарзандлари учун жонини гаровга қўйиб урушга отланган».

Баланглиги 2 метру 20 сантиметр бўлган ушбу монумент эскизини Райҳон Шоабдурасулованинг ўзи ишлади. Аммо, музейнинг очилишига қисқа фурсат қолгани учун Ориф Жалолов ва Комил Жабборов каби элимизга таниқли бўлган ҳайкалтарошларни ёрдамга чақирди. Аввал ҳар бир образни алоҳида-алоҳида ишлаб олишди. Кейин уларни ягона устунга бирлаштиришди.

Райҳон Шоабдурасулованинг кўплаб маҳобатли ҳайкаллари, монументлари бор. Улар республикамизнинг турли вилоятларида ўзига хос чирой бахш этиб турибди. Бундан ташқари Райҳон ранг-тасвир билан ҳам шугулланади. «Қилпиллама, жонгинам, қилпиллама», «Сен баҳорни соғинмадингми?» (шоира Зулфияга бағишланган) каби картиналари унинг ижодий салоҳиятини кўрсатиб турибди.

Ҳайкалтарош ва рассом Райҳон Шоабдурасулова ижодининг ранг-баранглиги, пластика санъатида меҳр-муҳаббати, ўз ишига чуқур мулоҳаза ва жиддий эътибор билан ёндашиши ундан бетакрор асарлар кўтиб қолишимизга умид уйғотади.

МОҲИНУР

Замонавий бўлиш учун патларни юлиш шарт эмас.



— Яна чувалчангни йўқотди-ёв...



— Йўқлаб келганинг учун раҳмат, дўстим. Фақат илтимос, синган оёғимдан тур!



ЯНВАР

Д.	С.	Ч.	П.	Ж.	Ш.	Я.
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31		

ФЕВРАЛ

Д.	С.	Ч.	П.	Ж.	Ш.	Я.
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28		

МАРТ

Д.	С.	Ч.	П.	Ж.	Ш.	Я.
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30
31						

АПРЕЛ

Д.	С.	Ч.	П.	Ж.	Ш.	Я.
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30			

МАЙ

Д.	С.	Ч.	П.	Ж.	Ш.	Я.
			1	2	3	4
5	6	7	8	9	10	11
12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25
26	27	28	29	30	31	

ИЮН

Д.	С.	Ч.	П.	Ж.	Ш.	Я.
						1
2	3	4	5	6	7	8
9	10	11	12	13	14	15
16	17	18	19	20	21	22
23	24	25	26	27	28	29
30						

ИЮЛ

Д.	С.	Ч.	П.	Ж.	Ш.	Я.
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31		

АВГУСТ

Д.	С.	Ч.	П.	Ж.	Ш.	Я.
				1	2	3
4	5	6	7	8	9	10
11	12	13	14	15	16	17
18	19	20	21	22	23	24
25	26	27	28	29	30	31

СЕНТЯБР

Д.	С.	Ч.	П.	Ж.	Ш.	Я.
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30					

ОКТЯБР

Д.	С.	Ч.	П.	Ж.	Ш.	Я.
		1	2	3	4	5
6	7	8	9	10	11	12
13	14	15	16	17	18	19
20	21	22	23	24	25	26
27	28	29	30	31		

НОЯБР

Д.	С.	Ч.	П.	Ж.	Ш.	Я.
					1	2
3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16
17	18	19	20	21	22	23
24	25	26	27	28	29	30

ДЕКАБР

Д.	С.	Ч.	П.	Ж.	Ш.	Я.
1	2	3	4	5	6	7
8	9	10	11	12	13	14
15	16	17	18	19	20	21
22	23	24	25	26	27	28
29	30	31				



Qizbolgubek

УНУТМАНГ!
 сеvimли журналингиз
 обунаси давом этмокда.

